

Ўқув-услубий мажмua

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ЮРИДИК  
КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАР БУЙИЧА  
ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ  
МАРКАЗИ



ХУКУКШУНОСЛИК

2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА  
ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ

**ҲУҚУҚШУНОСЛИК**

қайта тайёрлаш ва малака ошириш  
йўналиши

**“ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ”**

модули бўйича

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув  
режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

- |                     |               |   |
|---------------------|---------------|---|
| <b>Тузувчилар:</b>  | С.Муратаев    | – ТДЮУ Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси мудири, ю.ф.н.         |
|                     | Ф.Махмудов    | – ТДЮУ хузуридаги Профессионал ўқитиш маркази директор ўринбосари |
| <b>Тақризчилар:</b> | Ф.Мухитдинова | – ТДЮУ Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси профессори, ю.ф.д.     |
|                     | О.Хусанбоев   | – ТДЮУ Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси доценти, ю.ф.н.        |

*Ўқув-услубий мажмуга Тошкент давлат юридик университети кенгашининг  
2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА:**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР</b> .....	4
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ</b> .....	14
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР</b> .....	23
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ</b> .....	100
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ</b> .....	104
<b>VI. ГЛОССАРИЙ</b> .....	111
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	127
<b>VIII. ТАҚРИЗЛАР</b> .....	130

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармокларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарориларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

### Модулнинг мақсад ва вазифалари

Тингловчиларда давлат ва хуқуқнинг назарияси келиб чиқиши ва илмий асослари бўйича илмий билимлар ва амалий қўникмаларни шакллантиришга қаратилади. Шунингдек, давлат ва хуқуқнинг назариясининг долзарб муаммолари доирасида фанни ўқитишининг замонавий ёндашувлари бўйича қўникмаларни шакллантириш, муаммоли вазиятларга нисбатан қонунчиликни излаш ва қўллаш қўникмаларини шакллантириш, мантиқий саволларга хукуқий асослантирилган жавоб бериш қўникмасини шакллантириш ҳамда мустақил таълим орқали

тингловчилар билимларини мустақил ўзлаштиришга кўмаклашиш модулнинг мақсад ва вазифаларини ташкил этади.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Давлат ва хукуқ назарияси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- давлат ва хукуқнинг хусусиятларини тўғри англаш;
- жамиятда бўлаётган сиёсий ва ижтимоий-иктисодий жараёнларга хукуқнинг илмий жиҳатлари билан боғлай олиш;
- хукуқшунослик касбига бўлган талабни таҳлил қилиш ва талабалар эътиборига етказишни;
- қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини **билиши** керак;

#### **Тингловчи:**

- хукуқ нормаларини шарҳлаш ва асл мазмун моҳиятини англаб этиш;
- хукуқнинг шаклланиши ва қўлланишига таъсир қилувчи омилларни фарқлай олиш;
- хукуқ устуворлиги ва хукуқий тартиботни тушунтиришда моделлаштириш услубидан фойдаланиш;
- давлат ва хукуқнинг муаммоларга доир кейслар тузиш, улардан амалиётда қўллаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим;

#### **Тингловчи:**

- хукуқнинг давлат сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги муносабатларни тартибга солишни янада такомиллаштириш;
- давлат ва хукуқнинг ривожланиш истиқболига оид илмий изланишларни таҳлил қилиш;
- хукуқ назариясидаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- хукуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;

- давлат ва жамият муносабатларида хуқуқнинг ижобий яратувчанлик таъсир қилишига оид таклифлар тайёрлаш;
- талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, хуқуқий, сиёсий маданиятини ва хуқуқий онгини ошириш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Давлат ва хуқуқ назарияси” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедия ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади;
- масофавий таълимга мослаштирилган зарур техник ва ахборот технологиялари воситаларидан кенг фойдаланилади.

### **Модулнинг ўкув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Давлат ва хуқуқ назарияси” модули ўкув режадаги “Оила ва бизнес хуқуқи”, “Юридик хизмат” каби модуллар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар давлат ва хуқуқ назарияси муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Умумий ўқув юкламаси Соатлари		
		Жами	Аудитория ўқув юкламаси	
			Назарий	Амалий
1.	Давлат ва хукуқнинг келиб чиқишини масофавий таълим технологиялари асосида ўқитиш	4	2	2
2.	Давлат функциялари тўғрисидаги билимларни шакллантиришдаги ёндашувлар	4	2	2
3.	Ижтимоий муносабатлар ва хукукий масалалар моҳиятини очиб беришда казуслардан фойдаланиш	4	2	2
4.	Замонавий норма ва хукуқ ижодкорлиги – норматив-хукукий хужжатлар тахлили	4	2	2
5.	Хукукий хулқ-атвор, хукуқбузарлик ва юридик жавобгарлик тушунчаларини шакллантириш	4	2	2
6.	Мамлакатда қонунийликни таъминлашда хукуқ устуворлиги ва хукукий тартибот масалалари	4	2	2
7.	Давлат ва хукуқнинг ривожланиш истиқболлари	2	2	
	<b>Жами</b>	<b>26</b>	<b>14</b>	<b>12</b>

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқишини масофавий таълим технологиялари асосида ўқитиш**

Давлатнинг келиб чиқишига таъсир қилган омилларни ҳужжатли фильмларда намойиш қилиш. Ҳуқуқ тушунчасига оид мутафаккирларнинг сара фикрларини тақдимот орқали намойиш қилиш ва шарҳлаш. Инсоният ривожининг 2500-3000 йиллик тарихидаги давлат ва ҳуқуқ масалалари юзасидан умумий кузатув таҳлилини ўтказиш.

### **2-мавзу. Давлат функциялари тўғрисидаги билимларни шакллантиришдаги ёндашувлар**

Давлат тушунчасига бир қатор олимлар томонидан берилган таърифларни келтириш ва таҳлил қилиш. Давлатчилик белгилари, функциялари ва вазифаларига оид “мақсадлар дарахти” методидан фойдаланиб тушунтириш. Қадимги давр, ўрта асрлар, янги давр ва энг янги даврдаги ҳамда замонавий даврдаги давлатларнинг умумийлиги ва фарқли жиҳатларини тақдимотдаги жадвал кўринишида таҳлил қилиш.

### **3-мавзу. Ижтимоий муносабатлар ва ҳуқуқий масалалар мояхиятини очиб беришда казуслардан фойдаланиш**

Ижтимоий муносабатларга мисол сифатида реалликка асосланган воқеа ҳодисаларни келтириш ва таҳлил қилиш. Ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ва инсоннинг шахсий эркинлигига кирувчи масалалар доирасини казусларда таҳлил қилиш.

### **4-мавзу. Замонавий норма ва ҳуқуқ ижодкорлиги – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили**

Замонавий норма ва ҳуқуқ ижодкорлиги. Ҳуқуқ шакллари тушунчаси ва турларини lex.uz ва norma.uz қонун ҳужжатлари базасидаги реал норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мисолида ўрганиш. Ҳуқуқ манбааларининг иерархияси ва юридик кучига оид тақдимотларни намойиш қилиш.

## **5-мавзу. Ҳуқуқий хулқ-атвор, ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик тушунчаларини шакллантириш**

Мавзуга оид материалларни талабаларга 2-3 хафта олдин тақдим қилиш ва тегишли йўл-йўриқлар бериш. Казусли вазият асосида талабалар ўртасида ролларни тақсимлаш. Уларнинг мустақил казусдаги ролларига оид сценарийларини тайёрлашни топшириш. Баҳолаш мезонлари билан таништириш ва ролли машғулотни ўтказиш.

## **6-мавзу. Мамлакатда қонунийликни таъминлашда ҳуқуқ устуворлиги ва ҳуқуқий тартибот масалалари**

Ҳуқуқ устуворлигига оид тақдимот ва материалларни тайёрлаш. Ҳуқуқий тартибот тушунчасини жаҳон янгиликлари мисолларида тушунтириш. Ҳуқуқ устуворлигига оид халқаро ташкилотлар ва рейтинг агентликлари тўғрисида маълумотлар бериш ва уларнинг миллий ҳуқуқ тизимига таъсирини тушунтириш.

## **7-мавзу. Давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш истиқболлари**

Давлат ва ҳуқуқ ривожига оид сўнгги йилларда ҳимоя қилинаётган мавзулар билан таништириш. Ҳуқуқшунос кадрларнинг касб фаолияти шаклларинига оид статистик маълумотлар билан таништириш. Жаҳонда ҳуқуқшунослик касбига бўлган талабни таҳлил қилиш ва талабалар эътиборига етказиш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Куйидаги шаклларда таълим бериш кўзда тутилган:

- бинар маъруза, дебатлар, вебинар;
- деворсиз мактаб;
- On-line маъруза;
- тренинг, видеотренинг

- мини-маърузалар ва сухбатлар;
- ақлий хужум, викторина, бумеранг ва танишув усулларида;
- дискуссия и диспутлар (далил ва аргументлар асосида фикрини асослашга ўрганади, тинглаш ва эшитишга мослашади);
- кичик гурухларда идрок харитасида ишлаш (хамкорликда ишлашга ўрганилади).

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Раҳбарий адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.:“Ўзбекистон”, 2017.Б-48
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

### **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. - 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда
4. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда
5. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги

Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чоратадбирлар тўғрисида”ги 14.02.2017 йилдаги Ф-4849-сон фармойиши // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 7-сон, 88-модда

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. ва бошқ. Давлат ва хуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т.: Sharq, 2009. – 592 б.
2. Исламов З.М. Теория государства и права (Часть 1. Теория государства). Учебник. – Т.: ТГЮИ, 2013. – 325 с.
3. Ҳайитбоев Ф.П., Нажимов М.К. Ҳозирги замон асосий хуқуқий тизимлари. Ўкув кўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 229 б.
4. Ахмедшаева М.А. Давлат ва хуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари. – Т.: ТДЮУ, 2019. –235 б.

### **IV. Хорижий адабиётлар**

1. Нисневич Ю.А. Государство XXI века: тенденции и проблемы развития. – М. : КНОРУС, 2012. - 288 с.
2. Hart H.L.A. The Concept of Law. 3rd edition. – Oxford: Oxford university press, 2012. –333 p.
3. Brian Y.Bix. Washington University, St. Louis, B.A. Harvard University, J.D. Balliol College, Oxford University, D.Phil. Natural Law: Modern Tradition Natural Law: Online publication date: Sep. 2012 Online publication date: Sep. 2012. Edited by Jules L.Coleman, KennehtEinarHimma, and Scott J.Shapiro.

4. Марченко М.Н.Тенденции развития права в современном мире. Москва: Проспект, 2015.-376 с.
5. Радъко Т.Н., Лазарев В.В., Морозова Л.А. Теория государства и права. – М.: Проспект, 2018. – 568 с.
6. Ахмедшаева М.А. Давлат ва хуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари. – Тошкент: ТДЮУ, 2019. –235 б.
7. Марченко М.Н.Проблемы общей теории государства и права (Право):в 2 т.-2-изд.-Москва:Проспект, 2019.Т.2:-648 с.
8. Scott Veitch, Emilius Christodoulidis, Lindsay Farmer. Jurisprudence. Themes and Concepts. Second ed. – London: Routledge publication, 2012.– 305 p.

#### **V. Электрон таълим ресурслари**

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.senat.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.my.gov.uz>
5. <http://www.parliament.gov.uz>
6. <http://www.ziyonet.uz>

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **Материални оғзаки баён қилиш методи**

Тингловчилар томонидан билимларни ўзлаштириш ўқитувчининг тушунтиришини фаол қабул қилиш ва пухта ўйлаш эвазига амалга оширилади. Билимларни узатиш воситаси сифатида ўқитувчи нутқи мухим аҳамиятга эга. Бу ўринда ўқитувчининг тингловчилар фаолиятига раҳбарлиги мавзуни қўйиш, режани эълон қилиш, тингловчилар фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади.

### **Сұхбат методи**

Тингловчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёни: улар эътиборига ҳавола этилаётган саволнинг моҳиятини англаш, мавжуд билимлар ва тажрибани сафарбар қилиш, саволга оид обьектларни ўзаро таққослаш, пухта ўйлаш ва саволларга тўғри жавоб тайёрлашдан иборат. Ўқитувчининг раҳбарлиги: мавзуни қўйиш, саволларни ифодалаш, берилган жавобларни тузатиш, тўлдириш ва умумлаштириш каби ҳолатларда намоён бўлади. Сұхбат методи ёрдамида билимларни ўзлаштиришда тингловчилар мавжуд билимлари ва тажрибаларига таянадилар. 3. Дарслик (умуман, китоб) билан

### **“SWOT-таҳлил” методи**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.




### “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда мухокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффакиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.



### Методни амалга ошириш тартиби:



### “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сөз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қыммоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибидаги қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижка (What).



## “Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниклаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниклаштириш ва ўқув топширигни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниклаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсикларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил варианларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши</li> </ul>

## “ФСМУ” методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш қўнималарини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур

технологиядан маъруза машғулотларида, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда хамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- катнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмuni

ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот күринишида тайёрлайди;

- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот күринишида намойиш этилади;

- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1- матн	2- матн	3- матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“_” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниклаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таниширилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки

гурухли тартибда);

- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изохини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш қўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “якка баҳо” колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “туруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1”

балл қуишиң сүралади. Шундан сүнг “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди хисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шархлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### “Мунозара” методи

Таълим тизимида тизимларда нутқ ўқитиши, ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хулосалар чиқариш воситаси сифатида ғоя муҳим ўрин эгаллайди. Бу бажариладиган ишнинг бир тури бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади. Тингловчилар томонидан “ўз сўзи” ўзига хос услуб асосида изчил, савол фикр юритилади.

Мунозара вақтида тингловчилар ўзларига ишонган ҳолда саволларни мунозара қилишади. Мунозара учун шундай шароит яратиши керакки, унда тингловчилар ўз фикрларини ишонч билан очиқ айтиш, камчиликлари учун айбга қўймасликларига ишонган ҳолда баён этишлари лозим.

**Масалан: Маъмурий иҳтиёрийлик маъмурий ҳужжат қабул қилишга қандай таъсирқилади?**

#### МУНОЗАРА УСУЛИДАН ҚУЙИДАГИ МАҚСАДЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН



- Янги билимларни шакллантириш
- Оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини ривожлантириш
- Мавзу юзасидан фикр алмашиш асосида тегишли билимларга эга бўлиш



## **“Пинборд” методи**

Пинборд инглизчадан: pin – мустаҳкамлаш, board – доска маъносини билдиради. Бу усулда мунозара ёки сұхбат амалий усул би-лан боғланиб кетади. Метод мақсади ривожлантирувчи ва тарбияловчи вази-фасини бажариш. Бунда тингловчиларда мұлоқот юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, үз фикрини нафақат оғзаки, балки ёзма ра-вишда баён этиш маҳорати, мушохада қилиш ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

## **“Портфолио” методи**

“Портфолио” – ( итал. portfolio – портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва қасбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, қасбий ютуқлари йиғиндинси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчи ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текши-риш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидаги турлари мавжуд:

Фаолият тuri	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳий
Таълимий фаолият	Тингловчилар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошк.	Тингловчилар гурӯҳи, тинглов-чилар гурӯҳи портфолиоси ва бошк.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Қафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошк.

## **Муаммоли метод**

Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб, унинг асосида дидактик зиддиятларни ётади. Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамдир.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### **1. Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқишини масофавий таълим технологиялари асосида ўқитиш**

**Режа:**

1. Жамият тушунчаси.
2. Жамият мавжуд бўлиши шаклларининг хилма-хиллиги.
3. Жамият ривожланишига таъсир этувчи омиллар.
4. Давлатгача бўлган жамиятларда ижтимоий нормалар ва ижтимоий ҳокимият.
5. Давлат – жамият мавжуд бўлишининг бир шакли сифатида.
6. Давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши тўғрисидаги назариялар.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жамият, давлат ва ҳуқуқ масалалари.

**Таянч сўзлар:** жамият, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий қонуниятлар, ибтидоий жамоа, теологик назария, ижтимоий шартнома назарияси, рухий назария.

Интернет технологияларининг кириб келиши бир неча асрлар давомида ўзгармай келган ҳолатларни ўзгртириб юборди. Бу одатдаги хат ёзишмалари электрон почта билан, кутубхоналар эса web-сайтлар билан алмашинишида намоён бўлди.

Эндиликда эса таълим тизимида таълим олишнинг анъанавий шакллари ўрнига масофавий таълим элементлари кириб келди.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди.

Масофавий таълимда талаба ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажралган ҳолда ўзаро маҳсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Интернет технологиясини кўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган мұхим бир туркум янги функцияларни бажаради.

Масофавий ўқитиш барча таълим олиш истаги бўлганларга ўз малакасини узлуксиз ошириш имконини яратади. Бундай ўқитиш жараёнида талаба интерактив режимда мустақил ўқув-услубий материалларни

ўзлаштиради, назоратдан ўтади, ўқитувчининг бевосита раҳбарлигига назорат ишларини бажаради ва гурухдаги бошқа «вертикал ўқув гурухи» талабалари билан мулоқотда бўлади.

Маълум сабабларга кўра, таълим муассасаларининг кундузги бўйимларида таҳсил олиш имконияти бўлмаган, масалан, соғлиги тақоза этмайдиган, мутахассислигини ўзгартириш нияти бўлган ёки ёши катта, малакасини ошириш нияти бўлган кишилар учун масофавий ўқитиш қулай ўқитиш шакли ҳисобланади.

Масофавий ўқитишда турли хил ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланилади, яъни ҳар бир технология мақсад ва масала моҳиятига боғлиқ. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиш воситалари (ўқув қўлланма, дарсликлар) талабаларни янги материал билан таниширишга асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишга, электрон почта тўғри ва тескари алоқа ўрнатишга, яъни хабарларни жўннатиш ва қабул қилишга мўлжалланган. Олдиндан тасмага муҳрланган видеомаърузалар талабаларга маърузаларни тинглаш ва кўриш имконини берса, факсимал алоқа, хабарлар, топширикларни тармоқ орқали тезкор алмашиниш талабаларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имконини беради.

Юқоридагиларга асосланиб, таълим жараёнида айни вақтда қайта-қайта тилга олинаётган айrim терминлар тавсифи ва таърифларни келтириб ўтамиз.

Масофавий ўқитиш – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртқи ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир.

Масофавий ўқиши – бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизимиdir. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, ўқувчидан кўпроқ мустақил равища шуғуланишни талаб қилувчи тизимdir. Бунда ўқиши жараёни таълим олувчини қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас.

Масофавий таълим – масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи маҳсус ахборот мухит ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим мажмуаидир.

Масофавий ўқитиши тизими – масофавий ўқитиши шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиши тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиши тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга. Давлат ва хукуқ ҳодисалари жамият тараққиётининг муайян босқичидаги маҳсули ҳисобланади. Давлат ва хукуқ жамият ичида юзага келади ва ривожланади. Шу боис давлат ва хукуқ ҳодисаларини ўрганишда жамият ва унинг ривожланиш босқичлари, турли худудларда намоён бўлиш шакллари, унинг ривожига таъсир қилувчи омиллар, жамият сиёсий тизими билан боғлиқ масалаларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Жамият сўзининг лугавий маъносини таҳлил қиласиган бўлсак, у “жам бўлиш”, “уюшиш” каби тушунчаларни англатади. Ўз навбатида, жамият тушунчасига тор ва кенг маънода ёндашиш мумкин. Тор маънода жамият – бу кишиларнинг маълум бир мақсад йўлида бирлашган ўюшмасидир. Масалан, оила, сиёсий партиялар, меҳнат жамоалари, ижодий ўюшмалар ва бошқалар.

**Жамият** – бу тарихий тараққиётнинг муайян босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар маҳсули.

Жамият – бу кишилар ўртасидаги ўзаро турли хил (иктисодий, оиласи, маънавий, жамоавий, диний ва бошка) муносабатлар ва алоқаларнинг мураккаб тизими. Ўзбек тилининг изохли луғатида жамиятга қўйидагича таъриф берилади, яъни жамият – бу тарихий тараққиётнинг маълум босқичида моддий бойликлар яратишнинг муайян усуллари ва муайян ишлаб чиқариш муносабатлари билан характерланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуидир. Ҳар қандай жамият ўзига хос бир бутун ижтимоий тизим бўлиб, у муайян даражада ижтимоий муносабатларнинг ўюшганлиги, тартибга солинганлиги билан фарқланади. Жамият учун бошқарув (ижтимоий ҳокимият)нинг ва кишилар хулқ-авторини умумий қоидалар ёрдамида тартибга солиш (ижтимоий нормалар)нинг муайян тизими хос эканлигини айтиб ўтиш мумкин.

Жамиятда, авваламбор, биологик қонунлар эмас, балки ижтимоий қонунлар харакатда бўлади.

Айтиш лозимки, жамиятнинг ўзи индивидларнинг оддий мажмуаси эмас. Жамият – бу моддий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ кишилар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва муносабатларнинг маҳсули, мураккаб ижтимоий тизимдир.

Жамиятга ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий муносабатлар маҳсули сифатида қараш қўйидагиларни тушунишга ёрдам беради:

биринчидан, унга тарихий-хукуқий нуқтаи назардан ёндашиш турли хил ижтимоий-иктисодий формацияларни ажратиб кўрсатишга;

иккинчидан, ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос (иқтисодий, сиёсий, маънавий) томонларини аниқлашга;

учинчидан, ижтимоий муносабат субъектлари (шахс, оила, миллат, давлат ва бошқалар)ни аниқ ифодалашга.

Жамиятнинг мухим жиҳати шундан иборатки, у инсонларнинг ўзаро алоқалар тизимини ифодалайди.

Инсон жамият билан ўзаро алоқада бўла туриб ривожланади, ўзининг ижтимоий моҳиятига эга бўлган хусусиятларини ривожлантиради (кенгайтиради, ўстиради) ҳамда жамият тараққиётига таъсир кўрсатади.

Ижтимоий ва сиёсий институтлар объектив заруриятдан келиб чиқсан ҳолда биологик, ижтимоий, сиёсий ва бошқа сабабларга қўра шаклланади. Жамият ижтимоий-сиёсий институтлардан ташкил топади ва шунга мос равишда турли ижтимоий ёки сиёсий вазифани бажарувчи ташкилотлар, органлар, муассасалар, бирлашмалар шаклланади.

Жамиятнинг биринчи табиий бўғинини ташкил этувчи институт – бу оиладир. Оила табиат қонунларига қўра юзага келади ва қонқариндошчилик асосида уюшган кишилардан ташкил топади. Уруғ эса бир неча оиланинг қонқариндошчилик асосида бирлашиши ва мулкни идора қилиши, умумий, қариндошчилик қоидалари асосида шаклланади. Бир неча уруғларнинг қўшилиши оқибатида қабила, кейинчалик умумий тил, урфодат каби бирлик асосида миллат келиб чиқсан.

Сиёсий институтларнинг энг дастлабкиси давлат ҳисобланади. Давлат билан бир вақтда хуқук ҳам юзага келган. Жамият тараққиёти натижасида давлат билан бирга нодавлат ташкилотлар: касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, турли-туман ижтимоий бирлашмалар шаклланиб борган.

Кишилик жамиятининг ажralmas қисми ва мухим элементи ижтимоий ҳокимият ҳисобланади. Ҳокимият жамиятга ҳаёт баҳш этиб турувчи, тизимга солиб турувчи элементdir. Ҳокимият – бу икки ёки ундан кўп субъектлар ўртасида буйсунувга асосланган муносабатлар тизимиdir. Ҳокимият жамиятда шакллангани боис ижтимоий ҳокимият деб ҳам юритилади. Ижтимоий ҳокимиятнинг субъектлари сифатида оиласа ота ҳокимияти, уруғда оқсоқол, қабилада сардорлар ҳокимияти ҳақида айтиб ўтиш мумкин.

Жамият шахсларсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Кишилар жамиятнинг тузилишида ва унинг ривожланишида асосий роль ўйнайди. Жамият кишиларнинг бир-бирлари билан жамоа сифатида яшашга бўлган табиий эҳтиёжлари асосида юзага келган. Жамият ўзининг вужудга келгандан бошлаб бугунги кунга қадар ривожланишида мураккаб, турли шакллар ва тарихий босқичлардан ўтган. Унинг етуклик даражаси, ички тузилиши (ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тизими) ўзгариб борган.

Ибтидоий жамоа узок давр мобайнида уруғчилик кўринишида бўлган ва ривожланишининг мазкур босқичида у ижтимоий ёки бошқа қатламларга бўлинмаган. Аста-секин жамият тузилиши мураккаблаша борган сари, яъни иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши билан ўзларининг манфаатлари,

қизиқишилари ва хусусиятларига эга бўлган ижтимоий бирлашмалар, гурухлар шаклана бошлаган.

Жамиятни ижтимоий, сиёсий институтларсиз тасавур қилиб бўлмайди. Кишилар – ижтимоий мавжудот бўлиб, улар эҳтиёж, манфаат ва мақсадларига кўра бирикмасдан яшай ёки меҳнат қила олмайди. Бугунги кундаги жамият ўта мураккаб кўринишда бўлиб, уларнинг кўпчилиги муайян бир давлат асосида кишиларни бирлаштирган.

Давлат шакланиши жараёни қанча муддат бўлишидан қатъи назар, барча ҳолларда бу объектив жараён бўлиб, энг аввало, у жамиятнинг ички ривожланиши, унинг турли ижтимоий-иктисодий, ҳарбий-сиёсий, маданий-тарихий, этник, рухий, ахлоқий-диний, экологик-географик ва бошқа шарт-шароитлар билан белгиланади. Ушбу жараённинг муайян сабабларга кўра қайд этилган омиллар доираси ўзгарган, бироқ доимо бу шароитларнинг муайян жамланиши ва омиллардан бирининг етакчи роль ўйнаши билан кечган.

Давлат жамият ривожининг муайян босқичида ундан ажралиб чиқкан. Ўз навбатида, “жамият” ва “давлат” тушунчалари айнан бир тушунчалар эмас ва уларни, албатта, фарқлаш лозим. Жамият тушунчаси давлат тушунчасидан кенгроқ, негаки жамиятда давлатдан бошқа ташкилотлар, яъни сиёсий партиялар, сиёсий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмалари мавжуд бўлади. Давлат жамиятнинг фақат сиёсий қисми, унинг бир элементидир.

Жамият билан давлатнинг тарихий даврлари ҳам фарқланади. Жамият давлатга нисбатан анча олдин шаклланган ва ўз ривожининг бой тарихига эга. Давлат вужудга келиши билан унинг жамият билан ўзаро таъсирининг мураккаб ва зиддиятли тарихи бошланади.

Жамиятни ташкил этиш шакли ва бошқарувчи тизим сифатида давлат кўпчилик фуқаролар манфаати йўлида муайян функцияларни бажариш, улар ўртасида юзага келадиган зиддиятларни ҳал қилиш, манфаатларни мувофиқлаштириш, инқирозли вазиятларни ҳал қилиш хусусиятига эга.

**Давлатнинг жамият мавжуд бўлишининг бир шакли сифатидаги ўрнини белгилашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:**

давлат жамият билан бир вақтда юзага келган эмас;

давлат ижтимоий ривожланишнинг маҳсули сифатида вужудга келган;

давлат тарихий тараққиётнинг муайян босқичида шаклланган;

давлатнинг юзага келишига бир қатор омиллар, хусусан, географик, диний, рухий, иқтисодий, ижтимоий омиллар сабаб бўлган.

Адабиётларда давлатнинг келиб чиқиши сабаблари тўғрисида турли назариялар илгари сурилади. Бу борадаги фикрларнинг хилма-хиллиги қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, давлатнинг келиб чиқиши жараёнига ижтимоий-иктисодий, ҳарбий-сиёсий, табиий-иклиний, ахлоқий-диний, миллий-тарихий, маънавий-маданий, рухий, экологик ва бошқа омиллар таъсир этган;

иккинчидан, мазкур масала юзасидан тадқиқотлар олиб борган олимлар турли тарихий даврларда яшаган ва, табиийки, инсоният томонидан тўпланган турли ҳажмдаги билимлардан фойдаланган;

учинчидан, давлатнинг вужудга келиш жараёнини тушунтиришда олимлар ўз қарашларининг исботи сифатида кўпинча дунёнинг ўзларига маълум бўлган ҳудудларнигина мисол тариқасида келтирган. Масалан, герман қабилаларида давлатнинг келиб чиқишида ҳарбий омил муҳим бўлса, Шарқ халқларида эса давлат сув иншоотларини барпо этиш жараёнида шаклланган.

тўртинчидан, бошқа фанлар ютуқларидан руҳланган мутафаккирлар кўпинча бу натижаларни ижтимоий фанларга қўллашга уринган, хусусан, у ёки бу фан ютуқларига асосланиб, давлатнинг вужудга келиш жараёнига бошқача қарай бошлаган ва шу билан жамият ривожланишига бошқа омилларнинг таъсир кўрсатишини эътибордан четда қолдирган;

бешинчидан, назариялар муаллифларининг қарашларига уларнинг фалсафий ва ғоявий ёндашувлари ҳам муайян даражада таъсир қилганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Демак, муайян назария орқали барча халқларда давлатнинг юзага келишини изоҳлаш мумкин эмас.

Ўз навбатида, давлат келиб чиқишининг “осиёча” ва “европача” йўллари мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

**“Осиёча” йўл.** Осиёда дастлабки давлатлар бундан беш минг йиллар олдин Нил, Тигр, Хинд, Ганга, Янцзи, Евфрат каби йирик дарёларнинг ҳавзаларида юзага келган.

**Ушбу ҳудудларда давлат вужудга келишининг асосий омиллари сифатида қуйидагилар зътироф этилади:**

- суформа дехқончиликнинг ривожланиши натижасида йирик ирригацион тармоқларни ташкил этиш юзасидан оммавий ишларни йўлга қўйишнинг зарурати;
- мазкур ишларга аҳолини кенг миқёсда жалб этилиши;
- ирригацион ишларга жалб этилган кишилар устидан ягона ва марказлашган раҳбарликни амалга оширишнинг зарурати ва бошқалар;

**“Европача” йўл.** Европада давлатларнинг вужудга келишида асосий омил бўлган хусусий мулкнинг шаклланиши жамиятда мулкий тенгсизликнинг ва шу асосда турли хил табақаларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Шу билан бирга, турли халқларда давлатнинг вужудга келишида юқоридаги омиллар билан бир қаторда бошқа омиллар ҳам муҳим ўрин тутган. Давлатларнинг келиб чиқиши қуйида кўрсатиб ўтиладиган турли хил назариялар доирасида тадқиқ этилади.

**Теологик назария.** Теологик (диний) назария (юононча theos – худо, logos – тушунча, таълимот, худо тўғрисидаги таълимотни англатади.

Диний таълимотлар давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши тўғрисидаги илк таълимотлардир. Давлатчилик ва ҳуқуқ шаклланиши билан уни диний, илохий тарзда тушуниш юзага келган.

Аврелий Августин (354–430), Ал-Маварди (974–1058), Ибн Рушд (1126–1198), Фома Аквинский (1225–1274), Ибн Халдун (1332–1406) каби мутафаккирлар ҳамда яхудийлик, христианлик ва ислом дини вакиллари томонидан давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши диний асосда тушунтирилади<sup>1</sup>.

Ушбу назария вакилларининг фикрича, бутун олам, шу жумладан давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ҳам худонинг иродаси билан боғлиқ. Подшо ва дин вакиллари худонинг иродасини ифодаловчилардир. Шунинг учун ҳам фуқаролар уларнинг амрига сўзсиз бўйсунишлари лозим бўлади.

Ушбу назария XII–XIII асрларда юқори мавқега эга бўлди. Бу даврда Ғарбий Европада эса “икки қилич” назарияси кенг оммалашган. Унга кўра черков битта қилични ўзида саклаган бўлса, иккинчи қиличдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳукмдорларга жамиятдаги масалаларни ҳал қилиш учун тақдим этади. Шу боис Европа давлатлари монархлари ҳокимияти қонуний бўлиши учун католик черкови бошлиғи Рим папасидан ёрлиқ олишлари лозим бўлган. Шу билан диний ташкилот бўлган черковнинг дунёвий давлат устидан устунлиги таъминланган.

**Патриархал назария.** Мазкур назариянинг асосчилари Аристотель, Афлотун ва Конфуций ҳисобланади. Лекин ушбу назария XVII–XVIII асрларда Генри Мен, Михайловский каби олимларнинг асарлари орқали кенг тарқалди. Мазкур назария намояндаларининг фикрича, давлат оиланинг ривожланиши асосида вужудга келган. Ибтидоий оиласа ота бошчилик қилиб, кейинчалик давлат вужудга келади ва ота ҳокимияти меросий бўлади. Афлотун ўзининг “Давлат” деб номланган машхур асарида оиласдан ўсиб чиқсан юксакadolатли давлатни тасвирлайди. Унда подшо ҳокимияти отанинг ўз оила аъзолари устидан ҳукмронлигига ўхшатилади.

Патриархал назария ғоялари XVII асрда инглиз олими Фильмернинг “Патриарх” асарида ривожлантирилди. У мазкур асарида ҳокимиятнинг худодан олингани, кейин унинг тўнғич ўғли – Патриархга, ундан кейингина ўз авлодлари – қиролларга берилганини исботлайди. Мазкур назарияда давлат катта оила сифатида тавсифланади. Ҳукмдорнинг ҳокимиятига миллат отасининг ҳокимияти сифатида қаралади. Ҳукмдор худди оила бошлиғи каби жамият аъзолари хақида қайғуриши, ўз навбатида, оила аъзолари отага қандай бўйсунган бўлса, давлат бошлиғига ҳам шундай содиқ ва итоаткор бўлишлари лозим.

**Ижтимоий шартнома назарияси.** Мазкур назария XVII–XVIII асрлардан бошлаб кенг тарқалган бўлсада, у дастлаб Ҳиндистон ва қадимги Хитой мутафаккирлари томонидан илгари сурилган. Ушбу назария вакилларининг (Ж.Локк, Т.Гоббс, Б.Спиноза, А.Радишчев, Ж.Руссо,

<sup>1</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тультеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. –Б.44.

Г.Гроций) фикрича, давлат ҳокимияти кишиларнинг ўзаро бирлашиб ихтиёрий шартлашганликларининг ифодасидир. Бунда давлат ва жамият ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизими вужудга келиб, ўз навбатида, уларда шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгарлик туғилади.

Давлатнинг вужудга келиши тўғрисидаги шартнома назарияси табиий ҳуқуқ назарияси негизида вужудга келиб, ўрта асрларда шаклланиб келаётган янги табака учун хукмдорнинг мутлақ ҳокимиятини чеклаш, инсоннинг ҳокимиятдан мустақил эркин ирода эгаси эканлигини асослашга хизмат қилди.

Мазкур назариянинг мазмуни инсон ҳуқуклари улар туғилганидан юзага келади деган ғояни ўз ичига қамраб олади. Рим ҳуқуқшунослари фуқаролар ҳуқуқлари ва халқлар ҳуқуқлари билан бирга табиий ҳуқуқни ҳам ажратиб кўрсатган. Бугунги кунда табиий ҳуқуклар ҳар қандай давлат учун умуммажбурий норма сифатида эътироф этилади ва уларнинг бу борадаги мажбуриятлари халқаро ҳуқуқ нормалари билан белгилаб қўйилган.

Ижтимоий шартнома назариясининг кўпгина ғоялари демократик давлатларнинг конституцияларида ўз ифодасини топган. Шу маънода давлатнинг асосий қонуни ҳисобланадиган конституцияларни муайян даражада ижтимоий шартнома деб таърифлаш мумкин. Чунки унда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари билан бир қаторда уларнинг бурчлари кўрсатиб ўтилади. Ўз навбатида, давлатнинг жамият ва фуқароларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам конституцияларда мустаҳкамланади. Бир сўз билан айтганда, демократик давлатда давлат ва фуқаро ўзаро ҳуқуқ ва мажбурият орқали боғланган бўлади.

**Материалистик назария.** Ушбу назариянинг асосий қоидалари Ф.Энгельс (“Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши” асари) К.Маркснинг асарлари масалан, “Капитал”да ифодаланган. Уларнинг фикрича, давлат, энг аввало, иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, бир-бирига қарама-карши синфларнинг юзага келиши натижасида вужудга келган. Бунда давлат иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳукмрон бўлган табақаларнинг қуи табақаларни бостириб туриш воситаси сифатида майдонга чиқади. Мазкур назарияга кўра муросасиз синфий қарама-каршиликлар фақат муайян тарихий шароитлардагина давлат вужудга келиши сабаби сифатида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Шунингдек, умумий ишларни адо этиш, жамиятни бошқаришни такомиллаштириш, меҳнат тақсимотининг бир шакли сифатида ушбу бошқарувни ихтисослаштириш зарурати давлатнинг вужудга келиши сабаблари сифатида келтириб ўтилади.

**Зўравонлик назарияси.** Мазкур назария вакиллари (Е.Дюринг, Л.Гумплович, К.Каутский (XIX аср)) давлатнинг вужудга келишига ҳарбий-сиёсий омиллар сабаб бўлган деб ҳисоблайди. Яъни зўравонлик назариясининг асосида давлат ва ҳуқуқни келиб чиқишининг бош сабаби – босқинчилик, зўравонлик ва бир қабилани иккинчи қабила томонидан

зулмга дучор этиш деган ғоя ётади. Бунда давлат босиб олинган худудлар (халқлар)ни бошқариш учун зўрлов аппарати вазифасини ўтайди. Таъкидлаш жоизки, Европадаги айрим халқлар, хусусан, герман қабилалари ва венгерларда давлатнинг келиб чиқишида айнан ҳарбий-сиёсий омиллар муҳим роль ўйнаган.

**Психологик (рухий) назария.** Мазкур назария XIX асрларда юзага келган бўлиб, унинг асосий ғоялари Г.Тард, Л.Петражицкий ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Уларнинг фикрича, кишиларнинг руҳияти жамиятнинг, шу жумладан ахлоқ, ҳуқуқ, давлатнинг ривожланишини белгилаб берувчи асосий омилдир.

Психологик назария вакиллари жамият ва давлатни инсонларнинг руҳий уюшмаси сифатида ҳам талқин этадилар. Унга кўра, ҳуқуқнинг негизи бўлиб индивидуал онг ҳисобланади. Уларнинг фикрича, давлат ҳокимияти бирор-бир кишининг иродаси эмас, балки фуқароларнинг давлатга боғлиқлиги тўғрисидаги руҳий тасаввурларидан келиб чикувчи кучdir.

**Ирригацион назария.** Ушбу назариянинг асосий намояндаси немис олими К.Виттфогель ҳисобланади. Унинг фикрича, давлат Шарқ халқларида йирик ирригацион иншоотларини барпо этиш зарурати асосида келиб чиқсан. Месопатамия, Миср, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларда йирик ирригацион қурилиш ишларини ташкил этиш учун кучли, марказлашган бошқарув аппарати ташкил этилган. Мазкур назария вакилларининг фикрича, географик ва иқлим омиллари ҳам давлатнинг келиб чиқишига таъсир ўтказади. Шу боис ноқулай бўлган шарт-шароитларда қишлоқ хўжалигини ташкил этиш муаммоларини ҳал этиш Шарқдаги айрим худудларда давлатнинг келиб чиқиш жараёнини тезлаштирган.

### *Назорат саволлари:*

1. Давлат жамиятнинг бир қисми эканлигига амалий мисоллар келтиринг.
2. Жамиятнинг ривожланишига ёрдам берувчи омилларни санаб беринг.
3. Давлат ва ҳуқуқ вужудга келишига оид кўплаб назариялар мавжудлигини тушунириб беринг.
4. Осиёдаги қадимги давлатларнинг пайдо бўлишини изоҳловчи назарияларни таҳлил этинг.

## **2. ДАВЛАТ ФУНКЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР**

**Режа:**

1. Давлат функциялари тушунчаси.
2. Давлат функциясининг давлат мақсади ва вазифалари билан ўзаро нисбати.
3. Давлат функцияларини турли асосларга кўра таснифлаш.
4. Давлат функцияларини амалга ошириш шакллари.
5. Давлат функцияларининг ривожланиши ва ўзгаришига таъсир этувчи омиллар.

**Таянч тушунчалар:** давлат, функция, вазифа, қарор, қонун, мудофаа.

---

— Маълумки, давлат функциялари билан боғлик масалаларни ўрганиш унинг мазмун-моҳияти, жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий вазифасини янада чукурроқ англаб олишга хизмат қилади. Ҳар қандай давлатнинг моҳияти, энг аввало, унинг фаолиятида, функцияларида намоён бўлади. Давлатнинг фаолият соҳалари хилма-хил бўлганлигини ҳисобга олиб, унинг фаолияти бош йўналишларини алоҳида ажратиш зарурати келиб чиқкан. Ана шу бош йўналишларда давлат моҳияти мужассам бўлади, амалга оширилади ва ривож топади ҳамда улар давлатнинг мавжуд бўлиш тарзини ифода этади.

Давлат функциялари унинг вазифалари ва моҳияти билан узвий боғлик бўлиб, давлатнинг моҳияти ўзгариб борган сари функциялари ҳам шунга мос равишда ўзгариб боради.

---

**Давлат функциялари** – *бу давлатнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишига қаратилган давлат фаолиятининг асосий (бош) йўналишларидир.*

---

Давлат ўз олдига қўйган мақсадга эришиши учун маълум бир вазифаларни ҳал қилиши лозим, бу эса, ўз навбатида, ушбу вазифаларни бажаришга қаратилган тегишли функцияларни амалга оширишни тақозо этади.

Фалсафада **функция** деганда бирон-бир объект хусусиятларини маълум муносабатлар тизимидағи ташки ифодаси тушунилади. Функция – ваколат доирасидан келиб чиқувчи фаолиятдир. Чунки “функция” лотин тилидан олинган бўлиб, “фаолият” деган маънони англатади.

**Давлат функцияларининг қўйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:** давлат функцияларида мамлакат ички ва ҳалқаро майдондаги амалий фаолияти намоён бўлади; давлат функциялари унинг тарихий тараққиётидаги мақсад ва вазифаларига мос равишда юзага келади ва ривожланиб боради; давлат функцияларида жамият ҳаётида рўй бергаётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги ўзгаришлар ва ислохотлар акс этади.

Ўз навбатида, давлат функциясини унинг алоҳида органлари функцияларидан фарқлаш лозим. Давлат механизмига кирувчи барча давлат органлари ва ташкилотларининг ҳар бири ўз ваколатлари доирасида давлат фаолиятининг муайян соҳаларида ўз функцияларини амалга оширади.

## **2. Давлат функциясининг давлат мақсади ва вазифалари билан ўзаро нисбати**

Давлат функциялари ҳақида гапирганда унинг мақсади ва вазифаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Чунки давлат функциялари давлат мақсади ва вазифалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлат ўз олдига қўйган мақсадга эришиши учун маълум бир вазифаларни ҳал қилиши лозим, бу эса тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқдир.

Шуни қайд этиш лозимки, “мақсад”, “вазифа”, “функция” тушунчалари бир-биридан ажralmas бўлиб, улар давлатнинг моҳиятига мос равишда шаклланади.

---

**Мақсад** бу муайян давлатнинг тараққиётидаги кейинги босқичда эришмоқчи бўлган ҳолати бўлса (масалан: фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш), **вазифа** эса ушбу мақсадга эришиш учун ҳал этилиши лозим бўлган масалалар, **функция** – вазифалар ечимиға йўналтирилган фаолият йўналишидир.

---

### **Давлат мақсадининг қўйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:**

- давлат фаолиятини йўналтирувчи ва тартибга соловчи, унинг бажариши лозим бўлган вазифалари кетма-кетлиги ва характерини белгилаб берувчи бевосита мотиви бўлиб майдонга чиқади;
- муайян вазифаларни бажаргандан кейин келажакда юзага келиши мумкин бўлган давлатнинг образи ва модели сифатида намоён бўлади;
- давлат фаолиятини режалаштириш ва тараққиётнинг муқобил йўналишларини танлаш имконини беради;
- давлат фаолиятини мантиқийлик ва тизимлилик асосида амалга ошишини таъминлайди;
- мақсадга эришиш амалдаги ҳаётий вазият ва мақсад ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш жараёни хисобланади.

### **Давлатнинг вазифалари қўйидаги хусусиятларга эга:**

- функцияning мавжуд бўлиши (амалга ошиши)ни тақозо этади;
- унинг амалга ошишидан олдин юзага келади;
- функцияга нисбатан объектив характерга эга;
- функцияning мазмунини белгилаб беради;
- функцияning шакл ва методларига таъсир қиласи;
- функциясиз давлатнинг бирорта ҳам вазифаси ҳал этилмайди;
- битта функция орқали давлатнинг бир қатор вазифалари бажарилиши ёки аксинча бўлиши мумкин.

Давлат ва жамият тараққиётининг муайян босқичида улар олдига маълум бир вазифаларнинг қўйилиши тегишли функцияларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради, чунки давлатнинг функциялари амалга оширилмаган тақдирда унинг вазифалари ҳам амалга ошмай қолади. Вазифа бир томондан маълум хусусиятга эга бўлмаган бирор-бир мақсадга эришиш заруратини, иккинчи томондан эса маълум фаолият турини амалга ошириш заруратини тақозо этади.

Вазифа ва функцияларнинг ўзаро нисбатида функциялар эмас, балки вазифалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Вазифа бир томондан бирор-бир мақсадга эришиш, иккинчи томондан эса маълум фаолият турини амалга ошириш заруратини ўз ичига олади. Давлатнинг функциялари унинг вазифаларига боғлиқ бўлади, чунки вазифалар функцияларнинг мавжудлигини ва уларнинг мазмунини белгилайди, уларни амалга ошириш шакл ва усулларига таъсир кўрсатади. Функциялар мазмуни давлатнинг қандай фаолият олиб бораётганлиги, шу мухитда бошқарув ҳаракатларини қай йўсинда юритаётганлиги, унинг тегишли органлари нима билан шуғулланаётганлигини кўрсатади.

### **3. Давлат функцияларини турли асосларга кўра таснифлаш**

Юридик адабиётларда давлат функцияларини таснифлашда бир хил ёндашув мавжуд эмас. Бунга сабаб тараққиётнинг турли босқичларида турган давлатлар мавжуд объектив шароитдан келиб чиқсан ҳолда ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларнинг моҳиятига мос равишда фаолият юритишидир.

Давлат функциялари асосан қуйидаги тўрт асосий гурухга таснифланишини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- а) фаолият доираси бўйича;
- б) амал қилишининг давомийлиги бўйича;
- в) ижтимоий аҳамияти бўйича;
- г) амалга ошириш шакллари бўйича.

## **Давлат функциялари фаолият доираси бўйича ички ва ташки функцияларга бўлинади.**

---

**Ички функциялар** давлатнинг ички вазифаларини ечишга йўналтирилган бўлиб, давлатнинг жамият ҳаёти устидан раҳбарлигини амалга оширишга қаратилган фаолиятининг асосий йўналишларини намоён қиласи.

**Ташки функциялар** эса халқаро-хуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида иштирок этажтган давлатнинг давлатлараво миқёсдаги вазифаларни ҳал қилиши билан боғлиқдир.

---

**Давлатнинг асосий ички функцияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:**

- иқтисодий функция;
- ижтимоий функция;
- сиёсий функция;
- хуқуқ-тартиботни таъминлаш функцияси;
- тинчликни таъминлаш функцияси;
- экологик функция ва бошқа функциялар.

**Иқтисодий функция** – бу давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантириш борасида асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, ушбу соҳада бошқарувни амалга ошириш ва тартибга солиб туришдан иборатdir. Бундан ташқари, давлат бюджетини шакллантириш, жамиятнинг иқтисодий ривожланиш стратегиясини аниқлаш, турли хил мулк шаклларини тенглик шароитида амал қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш кабилар ҳам давлатнинг иқтисодий соҳадаги функцияси доирасига киради.

**Ижтимоий функция** – бу аҳолини ижтимоий химоя қилиш, ижтимоий тенгсизликни камайтириш, инсонларга муносиб турмуш тарзини

яратиш, таълим соҳаси, соғлиқни сақлаш ва маданиятни ривожлантириш ва бошқалар.

**Сиёсий функция** – бу давлат (жамият)нинг сиёсий ҳаётини бошқариш, давлат органларини шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этишдан иборат.

**Хуқукий тартиботни муҳофаза қилиш функцияси** – давлатнинг жамиятда қонунийлик ва хуқукий тартиботни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқароларнинг хуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш кабиларга қаратилган.

**Тинчликни таъминлаш функцияси** – бу давлат томонидан аҳолининг тинч-тотув яшashi учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, турли миллатларни ва ижтимоий гурухларни муросай мадорада сақлаб туриш, уларнинг орасида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишдан иборат.

**Давлатнинг экологик функцияси** – унинг жамият талаб ва эҳтиёжларини янада тўлиқроқ таъминлаш ва жамият аъзоларининг яшаш, меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва кўпайтириш борасидаги фаолиятидир. Ички тузилишига кўра, давлатнинг экологик функцияси ўзаро боғлиқ уч йўналишда амалга оширилади: а) атроф табиий муҳит обьектларини сақлаш; б) табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш; в) табиий ресурсларни тиклаш. Давлатнинг экологик функцияси жамиятнинг иқтисодий ва экологик манфаатларини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий ресурсларни тиклаш, кўпайтириш, фуқаролар учун қулай табиий атроф муҳитни яратиш мақсадларига қаратилган.

**Давлатнинг асосий ташқи функцияларига қўйидагиларни киритиш мумкин:**

- бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик функцияси;
- мудофаа функцияси.

**Бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик функцияси** – бу давлатнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятидир. Жамият ривожланишининг замонавий даражаси барча тараққий этган давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий турмушини интеграциялаштириш, ҳар бир давлатнинг алоҳида ички муаммолари ҳамда бутун жаҳон ҳамжамияти муаммоларини янада самарали ҳал қилиш учун уларнинг умумий саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни объектив равища тақозо этади. Бундай ҳамкорлик интеграция масалаларига кенг ва ўзаро фойдали ёндашувни, нафақат муайян бир мамлакат, балки ҳамкорликнинг бошқа иштирокчилари манфаатларига ҳам жавоб берадиган рационал ечимларни умумий ҳаракатлар билан топа билишни назарда тутади.

**Давлатлараро иқтисодий ҳамкорликда** халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни кооперациялаштириш ва ихтисослаштириш, энг янги технологияларни айирбошлаш ва жорий этиш, товар айланишини мувофиқлаштириш, молия-кредит алоқаларини ривожлантириш мухим ўрин тутади. Халқаро иқтисодий ҳамкорликни умумий мувофиқлаштиришни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари амалга оширади. Шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги икки томонлама шартномалар асосида ҳам амалга оширилади.

**Давлатларнинг сиёсий соҳадаги ҳамкорлиги** давлат ҳокимиятининг барча тармоқларида, яъни парламентлараро, хукуматлараро миқёсда амалга оширилади. БМТ ҳозирги замон давлатларининг сиёсий манфаатларини мувофиқлаштирувчи асосий халқаро орган ҳисобланади. Низоларни, шу жумладан қуролли можароларни тартибга солиш масалалари билан БМТнинг доимий фаолият юритувчи органи – Хавфсизлик кенгаши шуғулланади. Унга халқаро тинчлик ва хавфсизликни саклаш, давлатлараро

муносабатларнинг турли соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича кенг ҳуқуқлар берилган.

Жаҳонда сиёсий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш ишига минтақавий халқаро ташкилотлар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Америка давлатлари ташкилоти ва бошқалар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Сиёсий хусусиятга эга бўлган кўпгина масалаларни давлатлар бевосита дипломатик йўл билан икки ёки кўп томонлама музокаралар асосида ҳал қиласди.

**Маданий ва илмий-техник ҳамкорлик** турли шаклларда ва давлатлараро миқёсда амалга оширилади. БМТда бундай ҳамкорликни мувофиқлаштириш билан таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган муассасалар (ЮНЕСКО), Халқаро атом энергетикаси халқаро агентлиги (МАГАТЭ) ва бошқа ташкилотлар шуғулланади. Маданий ва илмий-техник ривожланишнинг алоҳида масалалари эса давлатлар ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасидаги икки томонлама ёки кўп томонлама шартномалар асосида ҳал қилинади. Халқаро ва илмий-техник ҳамкорлик доирасида илмий маълумотлар, санъат асарлари, мусиқа ва сахна маданияти ютуқларини алмашиш, ўзаро мутахассислар тайёрлаш, фан ва маданият масалаларига доир турли конференциялар ва фестиваллар, олимлар, маданият арбоблари ва спортчилар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилади.

**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик** ер юзида нормал экологик вазиятни сақлаш бўйича кўпгина давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиради. Ушбу фаолият кенг қамровли хусусиятга эга бўлиб, инсоннинг яшashi ва ривожланиши учун зарур бўлган экологик шароитларни яратишни назарда тутади. У БМТнинг ихтисослашган муассасалари йўналишида ҳамда минтақавий ва бошқа давлатлараро органлар доирасида фаол амалга оширилади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун давлатларнинг тиббиёт, биология, космонавтика ва электроника соҳаларидағи энг сўнгги ютуқлари қўлланилади. Давлатларнинг ташқи фаолияти халқаро ҳуқуқий нормаларга асосланади

ҳамда жаҳон ҳамжамиятига кирувчи барча халқларнинг туб манфаатлари ва миллий хусусиятларини ҳисобга олади.

**Мудофаа функцияси.** Давлатнинг мамлакатни ташки тазиқлардан мудофаа қилиш функцияси давлат фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Давлатнинг мудофаа функцияси иқтисодий, сиёсий, дипломатик ва ҳарбий усуслар билан амалга оширилади.

Ҳозирги замон давлатларининг аксарияти мудофаа доктринасини қабул қилган бўлиб, унинг моҳияти бошқа давлат ёки давлатлар гурухи томонидан уюштирилиши мумкин бўлган агрессияни бартараф этиш учун мақбул даражада етарли бўлган куч ва воситаларни яратишдан иборат. Ҳарбий қаршилик масалаларига бундай ёндашув халқлар хаётида урушлар рўй бериши эҳтимолини жиддий камайтиради ва келгусида уларнинг секинаста йўқолиб бориши истиқболини назарда тутади. Мамлакат мудофааси функцияси тушунчаси кенг қамровли ва кўп қирралидир. У мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, тинчлик даври ва ҳарбий даврда қуролли кучларнинг жанговар қудратини саклаш бўйича давлат тадбирларининг бутун тизимини ўз ичига олади.

Давлатнинг мудофаа фаолияти унинг мудофаа доктринасига асосланади ва қуйидаги асосий йўналишлардан ташкил топади: мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, қуролли кучларни мунтазам такомиллаштириш, уларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлиги даражасини ошириб бориш, давлат чегараларини қўриқлаш, фуқаролар мудофаасини ташкил қилиш, қуролли кучлар захирасини ҳарбий тайёрлаш ва бошқалар.

**Давлат функциялари амал қилиш давомийлиги бўйича доимий ва муваққат (вақтинчалик)га бўлинади.**

**Доимий функциялар** қаторига давлат мавжудлигининг ва ривожланишининг барча босқичларига хос бўлган функциялар (масалан: иқтисодий функция) киритилса, **муваққат функцияларга** эса давлат ўз олдига қўйган муайян максад ва вазифаларни амалга ошириши билан ўз

аҳамиятини йўқотадиган функциялар киритилади (масалан, табиий ёки техноген ҳалокат ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ва бошқалар).

### **Ижтимоий аҳамиятига кўра давлат функциялари асосий ва асосий бўлмаган функцияларга бўлинади.**

Давлатнинг асосий ва асосий бўлмаган функциялари ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлиб, давлат тараққиётининг муайян босқичида у ёки бу функциялар ижтимоий аҳамияти юзасидан устувор аҳамият касб этади. Албатта, бундай таснифлаш шартли аҳамият касб этади. Муайян давлатнинг ҳар бир функцияси шу давлат учун объектив заруратdir. Давлат фаолиятининг барча турлари тенг даражада муҳим, бироқ бу фикр, турли босқичларда биринчи навбатда эътибор қаратилиши лозим бўлган устувор йўналишларни белгилаб олиш имкониятини истисно қилмайди. Мана шу устувор йўналишлар давлатнинг асосий фаолият йўналишлари, функцияларига айланади.

**Амалга оширишнинг хукуқий шакллари бўйича давлат функцияларини қўйидагича таснифлаш мумкин:** хукуқ ижодкорлиги; ижро этиш; хукуқни муҳофаза қилиш.

#### **4. Давлат функцияларини амалга ошириш шакллари**

Давлат ўз функцияларини амалга оширишда муайян шакл ва усуллардан фойдаланади. Давлат функцияларини амалга ошириш шаклларининг хукуқий ва хукуқий характерга эга бўлмаган турлари мавжуд.

---

**Давлат функцияларини амалга оширишнинг хукуқий шакллари бўйича қўйидагиларга бўлиш мумкин:**

- хукуқ ижодкорлиги;
  - ижро этиш;
  - хукуқни муҳофаза қилиш.
-

**Хуқук ижодкорлиги** бу норматив-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиш бўлиб, мазкур фаолиятсиз давлатнинг бошқа функцияларини амалга ошириб бўлмайди.

**Хуқукни ижро этиш** функцияси норматив-хуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларни амалга оширишга қаратилган фаолиятдир. Бунда қонунчиликда белгиланган талабларни кундалик ҳаётда бажаришга ва бошқарув характерига эга бўлган турли хил масалаларни хал қилишга қаратилган ишлар амалга оширилади.

**Хуқукни муҳофаза қилиш** фаолиятига хуқук-тартиботни саклаш, фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора кўриш, юридик ишларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш кабиларни киритиш мумкин.

Бундан ташқари, давлат функцияларини амалга оширишнинг хуқуқий бўлмаган шакллари ҳам мавжуд.

Давлат функцияларини амалга оширишнинг ушбу шаклларига қуйидагилар киради:

1) ташкилий-тартибга солувчи – давлат органларининг ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, сайловларни ташкил этиш, режалаштириш, мувофиқлаштириш ва назорат билан боғлиқ фаолият;

2) ташкилий-хўжалик – кредитлаш, таъминот, статистика, бухгалтерлик хисоби билан боғлиқ бўлган тезкор-техник ва хўжалик ишлари;

3) ташкилий-мафкуравий – янги қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларни тушунтириш, ижтимоий фикрни шакллантириш, аҳолига мурожаат қилиш каби давлат органларининг турли функцияларини мафкуравий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ фаолият.

---

Давлат функциялари муайян усулларни қўллаш орқали амалга оширилади. Ушбу усуллар сифатида ишонтириш ва мажбурлов, тавсия ва рағбатлантиришларни кўрсатиб ўтиш мумкин<sup>2</sup>.

---

**Ишонтириш** субъектларни уларнинг иродасига мос равишда танлаш эркинлигини таъминлаган ҳолда муайян фаолият юритишга ундашdir. Ишонтириш субъектив ҳуқуқ, қонуний манфаатлар, имтиёзлар ва бошқа ижобий юридик воситалар орқали амалга оширилиши мумкин. Давлат асосий усул сифатида, аввало, ишонтириш усулидан максимал тарзда фойдаланиши лозим. Ишонтириш манфаатдорликка, қонунийликнинг исботланишига ва ҳуқуқ нормаларига мос келадиган онгли юриштуришнинг мақсадга мувофиқлилигига асосланади.

**Мажбурлаш** – кишиларни танлов ҳуқуқини чеклаган ҳолда куч ишлатиш орқали муайян фаолият юритишга ундашни назарда тутади. Мажбурлов тўхтатиб қўйиш, жазолаш, маҳрум қилиш каби юридик воситалар орқали амалга оширилиши мумкин.

**Рағбатлантириш** – кишиларни рағбатлантириш тизими орқали жамият ва давлат манфаатдор бўлган ижтимоий фойдали фаолият юритишга ундашdir.

**Тавсия қилиш** – кишиларни жамият ва давлат нуқтаи назаридан исталган ва ижобий хатти-ҳаракатни амалга оширишга йўналтиришdir.

Юкоридагилар билан бирга бошқа ҳуқуқий адабиётларда давлат функцияларини амалга оширишнинг иқтисодий ва маъмурий усуллари ҳақида ҳам айтиб ўтилади.

**Иқтисодий усуллар сифатида** давлат бошқарувини амалга оширишда қўйидаги иқтисодий воситалардан фойдаланиш назарда тутилади: муайян товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар учун солиқларни

---

<sup>2</sup> Нажимов М.К. Давлат функциялари. –Т.: ТДЮУ, 2018.–Б.28.

камайтириш; иқтисодиётнинг у ёки бу тармоғига инвестиция киритиш ва бошқалар.

**Маъмурий усуллар** давлат органларининг қонуний кўрсатмаларини бажариш мажбурияти билан боғлиқdir. Бундай усуллар қаторига давлат рағбатлантируви ва ман этиш усулларини киритиш мумкин. Давлат томонидан рағбатлантиришга, масалан, чет эл инвестицияларини рағбатлантириш мақсадида чет эл капитали билан фаолият юритадиган корхоналарни бир неча йилга солиқлардан озод қилишни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ман этишга қаратилган усулни қўллаш орқали давлат у ёки бу фаолият юритишга ўзининг салбий муносабатини билдиради. Бунда давлат жамият манфаатлари учун заарли ва мос келмайдиган фаолият олиб борилишига тўсқинлик қиласи.

## **5. Давлат функцияларининг ривожланиши ва ўзгаришига таъсир**

### **этувчи омиллар**

Тараққиётнинг муайян босқичида турган турли давлатлар бир хил функция (масалан, ижтимоий функция)га эга бўлмайди, уларни амалга ошириш мазмуни ва усуллари бир-биридан фарқ қиласи. Ҳар бир босқичга қатъий белгиланган функциялар мос келади деб ўйлаш тўғри эмас. Албатта, давлат тараққиёти давомида вақти-вақти билан янги функциялар юзага келади, лекин эскилари ҳам изсиз йўқолиб кетмайди. Фақат уларнинг кўриниши ўзгариши, янги мазмун билан бойиши мумкин.

Давлатнинг функциялари у мавжуд бўлган бутун тарихий давр мобайнида доимий равишда хос бўлади. Агар ҳокимият тепасига бошка сиёсий кучлар келса, у ҳолда давлатнинг функциялари ҳам ўзгаради. Шу билан бирга, маълум давларда устувор манфаатларнинг ўзгариши ҳам рўй бериши мумкин. Бу, ўз навбатида, функцияларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бунда биринчи ўринга бирламчи аҳамиятга эга бўлган функциялар чиқиши табиийдир. Ижтимоий ва табиий борлиқнинг турли соҳаларида глобал ўзгаришлар рўй бераётган бугунги қунда айрим функцияларнинг аҳамияти янада ошибб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Бунга мисол

тарзида экологик мувозанатни сақлаш зарурати; турли хил касалликлар (шу жумладан, ОИТС)га қарши кураш; алоҳида мамлакатларнинг манфаатлари доирасига сифмайдиган муаммоларни ҳал қилишда ҳалқаро маданий ва илмий-техник ҳамкорлик (коинотни ўзлаштириш, дунё океани ресурсларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, транспорт воситаларини ривожлантириш, миллий, этник, диний низоларни ҳал этиш ва бошқалар)ни кўрсатиб ўтиш жоиз.

### **Назорат учун саволлар**

1. Давлат функцияларини, унинг вазифларидан қандай жиҳатлари билан фарқланади?
2. Давлат функцияларини амалга оширишнинг хуқуқий шаклларини изоҳланг?
3. Давлат функцияларининг ривожланишига қандай омиллар таъсир этади?
4. Давлатнинг мудофаа функциясини изоҳлаб беринг.

### **3. Ижтимоий муносабатлар ва ҳуқуқий масалалар моҳиятини очиб беришда казуслардан фойдаланиш**

**Режа:**

1. Ижтимоий муносабатлар тушунчаси.
2. Ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солишнинг объектив заруряти.
3. Ижтимоий нормалар тизими: урф-одат, диний, ахлоқий нормалар, жамоат ташкилотлари қоидалари ва бошқа ижтимоий нормалар.
4. Ижтимоий ва ҳуқуқ нормаларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари.
5. Ҳуқуқ-ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солишнинг тури сифатида.
6. Ҳуқуқ принциплари.
7. Ҳуқуқнинг функциялари.
8. Ҳуқуқнинг моҳияти ҳақидаги назариялар.

### **ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР ТУШУНЧАСИ**

Маълумки, жамият – бу кишилар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларнинг маҳсули, улар ҳаётининг маълум бир ташкилийлиги, моҳияти жиҳатидан кишилар ва уларнинг гурухлари ўртасидаги турли хил (иктисодий, фуқаролик, оиласвий, маънавий, меҳнат, диний ва бошқа) муносабатлар ва алоқалар йиғиндисидир.

**Ижтимоий муносабатлар** – ижтимоий субъектлар ўртасидаги ҳаётий неъматларни тақсимлаш, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш юзасидан келиб чиқадиган алоқалардир. Ижтимоий муносабатларнинг қуидаги турлари мавжуд: миллий, этник, гурухий, шахсий ва бошқалар. Ижтимоий муносабатлар факт ижтимоий субъектлар, яъни шахслар ва уларнинг уюшмалари ўртасида юзага келади. Шу жиҳатдан олганда, инсоннинг ўзи яратган сунъий объектлари ва табиат неъматлари (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси)дан фойдаланишини ижтимоий алоқалар сифатида тавсифлаб бўлмайди.

Ижтимоий муносабатлар кишиларнинг ўзаро мавхум алоқалари эмас. У моддий ва маънавий маданиятда ўз ифодасини топган кишиларнинг бир-бирига таъсири, мулокоти, қизиқиши ва эҳтиёжларининг уйғунлашуви, фикр ва эътиқодларининг қиёслашуви, фаолият ва тажриба алмашшуви натижасидир. Мулокотда кишиларнинг рационал, эмоционал ва эркин тарзда бир-бирига таъсири, кайфиятлари ва қарашлари шаклланади, турмуш ва хулқ-атвор тарзи, одатлар, қилиқлар ўзлаштирилади, ахиллик, ҳамкорлик

каби гурухий ёки ижтимоий фаолиятини ифодаловчи хислатлар юзага келади.

“Ижтимоий муносабатлар”, “норматив тартибга солиш”, “ижтимоий нормалар” каби категориялар давлат ва хукуқ ҳодисаларини, хусусан, хукукнинг функциялари ва вазифаларини янада теранроқ англашда мухим аҳамиятга эгадир.

Жамият аъзолари ўртасидаги муносабатлар нафақат хукуқ нормалари билан, балки бошқа ижтимоий нормалар билан ҳам тартибга солинади. Айни пайтда шахсларнинг техник обьектлардан, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиши билан боғлиқ масалалар соф ижтимоий нормалар билан тартибга солинмайди.

## **ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАТИВ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТИ**

Ҳар қандай жамиятда унинг аъзолари муносабатларини тартибга солиш жамият мавжудлигининг зарурый шартидир. Ижтимоий ҳаётда тартибга солиш – одамлар ва улар жамоалари хатти-харакатларини белгилаш, ушбу хатти-харакатларнинг доимийлиги ва ривожи учун зарур йўналишлар бериш, уни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда муайян бир қолипга тушириш демакдир. Ижтимоий тартибга солиш икки хил – норматив ва индивидуал кўринишга эга. **Норматив тартибга солиш** умумий хусусиятга эга бўлиб, бунда норма (қоида)лар жамиятнинг барча аъзоларига ёхуд унинг муайян қисмига тегишли бўлади. Шу ўринда норматив тартибга солишнинг юзага келиши – ижтимоий тартибга солишнинг энг мухим бурилиш нуқталаридан бири бўлиб, унинг тараққиётида йирик сифат ўзгаришларини, туб бурилишларини бошлаб берганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**Индивидуал тартибга солиш** эса аниқ субъектга тааллуқли хисобланади, яъни тегишли тарзда харакат қилиш учун берилган индивидуал кўрсатмалардан иборат бўлади. Бунда норматив тавсифга эга бўлган нормалар аниқ вазиятларда икки ёки ундан ортиқ шахслар ёхуд уларнинг уюшмалари ўртасида юзага келадиган муайян муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади.

Тартибга солишнинг ҳар икки тури бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар ўзаро бир-бирига таъсир қиласи, бир-бирининг мавжудлигини тақозо этади.

## **ИЖТИМОЙ НОРМАЛАР ТИЗИМИ**

Жамиятда амал қиласидиган барча нормаларни икки катта гурух, яъни ижтимоий ва техник нормаларга бўлиш мумкин. Мазкур бўлиниш нормаларнинг тартибга солиш предметига кўра таснифланади. Агар норма кишилар хулқ-атвори ва улар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган бўлса уни ижтимоий норма сифатида тавсифлаш мумкин. Агар норма шахснинг табиат ва техника воситаларидан фойдаланиши билан боғлик муносабатларга доир бўлса, унга техник нормалар сифатида қараш лозим. Шу жиҳатдан олганда, техник нормалар “инсон ва машина”, “инсон ва меҳнат қуроли”, “инсон ва ишлаб чиқариш” типидаги, яъни инсон билан уни ўраб турувчи жонсиз предметларга оид муносабатларни тартибга солади дейиш мумкин.

**Ижтимоий нормалар тизими** – бу жамиятда кишилар хулқ-атворини, муайян гурух ва жамоалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидалар мажмуудир.

**Ижтимоий норма** – бу кишилар ҳамда уларнинг жамоалари ўртасидаги муайян муносабатни тартибга солувчи хулқ-атвор қоидасидир.

**Ижтимоий нормаларнинг қўйидаги турлари мавжуд:**

- 1) ахлоқ нормалари;
- 2) сиёсий нормалар;
- 3) диний нормалар;
- 4) корпоратив нормалар;
- 5) урф-одат нормалари;
- 6) анъана нормалари;
- 7) ҳукуқ нормалари ва бошқалар.

**Ахлоқ нормалари** – адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, мақтов ва иснод, жамият томонидан рағбатлантириладиган ёки қораланадиган хатти-харакатлар, ор-номус, виждон, бурч, қадр-қиммат кабилар кўринишида ижтимоий ҳаёт шароитларининг бевосита таъсири сифатида кишилар онгida шаклланадиган қарашлар, тасаввурлар ва қоидалардир.

**Сиёсий нормалар** – жамиятни бошқариш жараённида сиёсий ҳокимият субъектларининг ўзаро ва шахслар билан бўладиган муносабатларини тартибга солувчи қоидалар.

Айни пайтда жамиятда юз берадиган сиёсий тортишувларни ҳал этишда сиёсий нормалар билан бирга ҳукуқ нормаларининг ҳам ўрни ва роли муҳимдир. Шу билан бирга, бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари таъсири остида инсонларнинг фикрлари, қарашлари ўзгариб

бормоқда. Ҳуқук ҳам сиёсий мазмун касб этиб қолмоқда. Бироқ сиёсий ва ҳукуқий нормалар ўртасида мувозанат бўлиши зарур”<sup>3</sup>.

**Диний нормалар** – шахсларнинг ибодатга, муайян дин хукмрон мафкура бўлган мамлакатларда эса ўзаро муомаласига оид муносабатларни ҳам тартибга солишга қаратилган қоидалар.

**Корпоратив нормалар** – шахсларнинг муайян уюшмалари, гурухлари доирасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган хулқ-атвор қоидалари. Хусусан, жамоат ташкилотлари ички вазифаларни муваффакиятли ҳал этиш ва ўз фаолиятларини самарали ташкил этиш мақсадида корпоратив нормаларни ишлаб чиқади. Корпоратив нормалар муайян бир жамоат ташкилотининг раҳбар органларини шакллантириш ва уларнинг фаолият қўрсатиш тартиби, ваколатлари, ташкилот аъзоларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва бошқалар тўғрисидаги нормалар бўлиб, улар фақат ўша ташкилот аъзоларига нисбатан жорий этилади ва фақат улар учун мажбурий аҳамият касб этади.

**Урф-одат нормалари** – кишилар ўртасида кўп марта такрорланганлиги сабабли одатга айланган ва шу тариқа авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хулқ-атвор қоидалари. Урф-одатлар муайян ижтимоий муҳитда таркиб топиб, авлоддан-авлодга ўтиб юрадиган хулқ-атвор қоидалари сифатида кишиларнинг табиий-ҳаётӣ эҳтиёжи кўринишида майдонга чиқади ва қайта-қайта такрорланиш натижасида улар учун одатий ҳол бўлиб қолади.

**Анъанавий нормалар** – жамиятда қарор топган илғор, ижобий анъаналарни асраш муносабати билан юзага келадиган умумлашган ва барқарор ҳулқ-атвор қоидалари. Анъаналар кишилар авлодлари ўртасидаги ворисийликнинг хилма-хил боғланиш йўналишлари сифатида, катталар тажрибаси ёшлиар томонидан ўзлаштириладиган узатиш механизми сифатида майдонга чиқади.

### **Ижтимоий нормаларнинг умумий ва ўзига хос ҳусусиятлари**

Ижтимоий нормалар ўзаро умумий жиҳатлар билан биргаликда ўзига хос ҳусусиятларга ҳам эга. Буни ҳуқук ва ахлоқ нормаларининг ўзаро нисбатида ҳам қўриб чиқиш мумкин.

### **Ҳуқук ва ахлоқнинг умумийлиги қўйидагиларда намоён бўлади:**

<sup>3</sup> Қаранг: Scott Veitch, Emilius Christodoulidis, Lindsay Farmer. Jurisprudence: Themes and Concepts. Second edition. – London – New York, Routledge, 2012. –P.32.

- улар биргаликда норматив тартибга солиш тизимини ташкил этувчи ижтимоий нормалардан иборатдир;
- фалсафий нұқтаи назардан хуқуқ ва ахлоқ – ижтимоий-иктисодий, маданий ва бошқа омиллар билан бир хил даражада боғлиқ бўлган устқурма категориялардир;
- хуқуқ ва ахлоқ мавжуд ижтимоий муносабатлардан иборат бирдан-бир бошқариш обьектига эга ҳамда уларнинг ҳар иккаласи ҳам шахслар ва уларнинг жамоаларига йўналтирилган;
- хуқуқ ва ахлоқ норматив ҳодисалар сифатида шахсларнинг зарур ва мумкин бўлган хатти-харакатлари чегараларини белгилайди ҳамда шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни уйғунлаштириш воситаси сифатида майдонга чиқади;
- инсон фаолиятини тартибга солувчи омил сифатида улар шахс иродасининг эркинлиги ва хатти-харакатларини танлаш имкониятларига асосланади;
- хуқуқ ва ахлоқ охир-оқибатда бир хил вазифа, яъни ижтимоий ҳаётни тартибга солиши ва такомиллаштириш, унга ташкилий асосларни киритиш, адолат ва инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш вазифаларини кўзда тутади.

**Хуқуқ ва ахлоқ нормалари бир-биридан қўйидаги жиҳатлар бўйича фарқланади:**

**1. Хуқуқ ва ахлоқ бир-биридан, энг аввало, ўрнатилиши, шаклланиш усуллари ва манбалари бўйича фарқ қиласи.** Хуқуқ нормалари давлат томонидан яратилади ёки тасдиқланади. Ўз навбатида, хуқуқ нормалари давлат томонидан бекор қилинади, тўлдирилади ва ўзгартирилади. Ахлоқ нормалари эса бошқача тарзда таркиб топади, яъни улар бутун жамият томонидан яратилади. Бу нормалар доимий равишда кишилар амалий фаолияти, уларнинг ўзаро алоқалари жараёнида юзага келади ва ривожланиб боради.

**2. Хуқуқ ва ахлоқ нормалари таъминлаш усуллари бўйича бир-биридан фарқ қиласи.** Хуқуқ нормалари давлат томонидан яратилиб, жорий этилар экан, ўз навбатида, давлат томонидан таъминланади, муҳофаза этилади ва ҳимоя қилинади. Шу маънода хуқуқ нормаларининг мазмuni умуммажбурий моҳиятга эга. Жамоатчилик фикри, кучига таянувчи ахлоқ, мажбурий таҳдиддан фарқли ўлароқ, бутунлай бошқа тарзда амал қиласи. Бунда давлатнинг аралashiши, юридик жазолар қўллаши тақозо этилмайди. Чунки ахлоқ қоидаларига амал қилмаган шахсларга нисбатан қандай таъсир кўрсатишни жамиятнинг ўзи ҳал қиласи. Бундай таъсир чораси баъзан хуқукий жазодан ҳам қаттиқроқ ва таъсирироқ бўлиши мумкин.

**3. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари ифода этиш шаклига кўра фарқ қиласди.** Агар ҳуқуқ нормалари давлатнинг маҳсус юридик ҳужжатлари (қонунлар, фармонлар, қарорлар)да мустаҳкамланиб, умуман кенг кўламли ва кенг тармоқли қонунчиликни ташкил этувчи тегишли кодекслар, тўпламлар, низомларда гурухларга ажратилиб, тартибга солинса, ахлоқий нормалар эса бундай аниқ ифодага эга бўлмайди. Ахлоқ нормалари ва қоидалари жамият турли қатламлари ва гурухларида муайян ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида вужудга келар экан, кейинчалик у кенг тарқалади ҳамда барқарор хулқ-атвор қоидаларга айланади. Бунда бирон-бир ахлоқ нормасининг юзага келиш вақтини ҳам, сабабини ҳам, тартибини ҳам ва унинг амал қилиш муддатини ҳам аниқ кўрсатиш мумкин эмас.

**4. Ахлоқ ва ҳуқуқ нормалари кишилар онгиға таъсир этиш хусусияти ва усуllibарига кўра бир-биридан фарқ қиласди.** Агар ҳуқуқ нормалари субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни уларнинг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлари – ҳаққонийлик ва ноҳақлик, қонунийлик ва ғайриқонунийлик, жазоланиш ва жазоланмаслик нуқтаи назаридан тартибга соладиган бўлса, ахлоқ инсон қилмишларига эзгулик ва ёвузлик, мақтов ва қоралаш, ҳалоллик ва нопоклик, олийжаноблик ва пасткашлик, виждон, орномус, бурч нуқтаи назаридан ёндашади.

**5. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари уларни бузганлик учун жавобгарлик моҳияти ва тартиби бўйича бир-биридан фарқ қиласди.** Ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари оддий жавобгарликни келтириб чиқарибгина қолмай, балки маҳсус-юридик жавобгарликни ҳам юзага келтиради. Айни пайтда жазо тайинлаш тартиби қонун билан қатъий белгилаб кўйилади. Ахлоқ қоидарини бузганлик учун жавобгарлик мутлақо бошқа оқибатларга олиб келади. Бу ерда аниқ бир жазо чораси кўзда тутилмайди. Бериладиган жазо қоидабузарни ахлоқий қоралаш, унга танбех бериш, жамоатчилик таъсири чораларини қўллашда ифодаланади.

**6. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари амал қилиш соҳалари бўйича фарқ қиласди.** Ахлоқий макон ҳуқуқий макондан анча кенгdir. Маълумки, ҳуқуқ ижтимоий ҳаётнинг кўп қирраларини четда қолдириб, унинг энг муҳим соҳаларинигина тартибга солиб боради. Ҳуқуқдан фарқли ўлароқ, ахлоқ жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларига тааллукли бўлади.

### **Ҳуқуқ – ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солишининг тури сифатида**

Маълумки, жамият кишилар ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар тизимидан иборат. Ушбу тизим ўз доирасига турфа хил

муносабатларни қамраб олган мураккаб жамланмадир. Бундай мураккаблик ва турфа хиллик ижтимоий муносабатлар билан ўзаро таъсирли алоқада бўлган ҳодисалардан ҳам худди шундай мутаносибликни талаб этади. Шундай ижтимоий ҳодисалардан бири ҳуқуқдир.

**Ҳуқуқ** (юридик маънода) – бу давлат томонидан ҳимоя қилинадиган, ўзида эркинлик, тенглик ва адолат тамойилларини ифодалайдиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, умуммажбурий хулқ-автор қоидалари йифиндиси.

Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи регулятор бўлиб, унинг бу хусусияти ижтимоий муносабатлар билан бўладиган мунтазам алоқадорликни таъминлайди. Ижтимоий муносабатлар хилма-хил, бироқ шунга қарамай улар маълум даражада ихтисослашади, мазмунан муайян гуруҳларга бирлашади. Ушбу объектив жараённи параллел равишда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ ҳам ўз бошидан кечиришини кузатишимиз мумкин. Яъни умуммажбурий хулқ-автор, юриш-туриш қоидалари ҳам тегишинча гурухланади, тизимланади ва яхлит ҳуқуқни ташкил этади.

## **Ҳуқуқ принциплари**

**Ҳуқуқ принциплари** – бу ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатидаги моҳиятини ифодаловчи бошланғич норматив асослар, энг асосий қарашлар, ғоялар ва қоидалардир. Ҳуқуқ принциплари, авваламбор, ҳуқуқ қонуниятларини ифодалайди, қолаверса, бутун ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида амал қиласиган ва барча субъектларга нисбатан кўлланадиган энг умумий нормалардан иборат бўлади. Ҳуқуқ принциплари ҳуқуқ ижодкори учун дастурий ғоялар сифатида майдонга чиқаркан, ҳуқуқ нормаларини такомиллаштириш йўлларини белгилаб беради. Ҳуқуқ принциплари, қоида тариқасида, Конституцияда, қонунлар ва кодексларнинг муқаддима ёки умумий қоидалар қисмида маҳсус тартибда белгилаб қўйилади. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмунидан қуйидаги ҳуқуқий принципларни, яъни ҳуқуқ устунлиги, демократизм, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг олий қадрият эканлиги, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва нормаларининг амал қилиши, Конституция ва қонунлар устуворлиги, тенг ҳуқуқлилик, барча мулк шаклларининг тенглиги, одил судлов принципларини англаш мумкин.

**Хуқук принциплари таъсир этиш доирасига кўра умумхуқуқий, соҳалараро ва соҳавий тамойилларга бўлинади.**

**Умумхуқуқий принциплар** ҳуқук тизимининг барча соҳаларига тегишли бўлиб, жумладан адолатлилик, фуқароларнинг қонун олдида ҳуқуқий жиҳатдан тенглиги, инсонпарварлик, қонунийлик, демократизм, ҳуқук ва мажбуриятлар бирлиги кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин;

**Соҳалараро принциплар** ҳуқук тизимининг икки ёки ундан ортиқ соҳаларига оид бўлиб, улар қўйидагилар: жавобгарликнинг муқаррарлиги, ошкоралик, фуқаролик процессуал ва жиноий-процессуал ҳукуқдаги тортишувлилик тамоилини ва бошқалар;

**Соҳавий принциплар** ҳуқук тизимининг муайян бир соҳаси мазмун-моҳиятининг раҳбарий қоидаси сифатида намоён бўлади. Масалан, мулкий муносабатларда томонларнинг тенглиги (фуқаролик ҳуқуқи); жиноят жараёни ҳуқуқида айбиззлик презумпцияси ва бошқалар.

### **Ҳуқуқнинг функциялари**

**Ҳуқуқнинг функциялари** – бу жамиятда ижтимоий муносабатларга ва кишиларнинг юриш-туришларига ҳуқуқий таъсир қилишнинг асосий йўналишлариdir.

**Ҳуқук функцияларининг ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказиш йўналиши сифатидаги ролини тавсифловчи қўйидаги белгилари мавжуд:**

**1.** Ҳуқук функцияси унинг моҳиятидан келиб чиқади ва ҳуқуқнинг жамиятдаги вазифаси билан белгиланади.

**2.** Ҳуқуқнинг функцияси унинг ижтимоий муносабатларга таъсирининг шундай йўналиши, бунда унинг амалга оширилишига бўлган эҳтиёж ижтимоий ҳодиса сифатида ҳуқуқнинг заруратини тақозо этади.

**3.** Функция ҳуқуқнинг энг муҳим хусусиятларини ифодалайди ва у ҳуқук тараққиётининг муайян босқичида унинг олдида турган туб масалаларни ҳал этишга йўналтирилади.

**4.** Ҳуқук функцияси фаол ҳаракат йўналишидан иборат бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Айнан шунинг учун ҳам жўшқинлик, ҳаракат, фаолият кабилар ҳуқук функциясининг энг муҳим хусусиятлари хисобланади.

**5. Ҳуқук функцияси ўзининг мунтазамлилиги билан ажралиб туради.** Уни қўллашнинг узлуксизлиги ва давомийлиги айнан ушбу жиҳат билан тавсифланади.

Ҳуқук функцияларини **максус юридик** (тор маънода) ва **умумижтимоий** (кенг маънода) турга таснифлаш мумкин.

**1. Максус юридик функцияларнинг қўйидаги турлари мавжуд:** тартибга солувчи (регулятив) ва қўриқловчи.

• **Тартибга солувчи функция** – бу шундай хуқуқий таъсир қилиш йўналиши бўлиб, унда жамият тараққиёти эҳтиёжларига мос келадиган ижтимоий муносабатлар амалда бўлиши таъминланади ва ривожлантирилади. Тартибга солиш функцияси доирасида **икки кичик функция** – **статик** тартибга солиш ва **динамик** тартибга солиш функциялари ажралиб туради. Ҳуқуқнинг статик тартибга солиш функцияси ижтимоий муносабатларни муайян хуқуқий институтда мустаҳкамлаш йўли билан таъсир ўтказишида намоён бўлади. Динамик тартибга солиш функцияси хукуқнинг ижтимоий муносабатлар ҳаракатини, яъни динамикасини расмийлаштириш йўли билан уларга таъсир ўтказишида ифодаланади.

• **Қўриқловчи функция** – бу умумаҳамиятга молик энг муҳим иқтисодий, сиёсий, миллий ва бошқа ижтимоий муносабатларни, уларнинг дахлсизлигини муҳофаза қилиш, шунингдек мазкур жамиятга ёт бўлган муносабатларни сиқиб чиқаришни мақсад қилиб олган хукуқнинг ижтимоий вазифаси билан боғлик хуқуқий таъсир йўналишидир.

**2. Умумижтимоий функциялар** орқали жамият ҳаётининг турли хил йўналишларида юзага келадиган ижтимоий муносабатларга хуқуқий таъсир ўтказилади. Ҳукуқнинг умумижтимоий функцияларига қўйидагилар киради: **иқтисодий, сиёсий, тарбиявий, экологик** ва бошқалар. Ҳукуқнинг ижтимоий функцияларини ижтимоий ҳаётнинг тегишли соҳаларига хуқуқий таъсир ўтказиш йўналиши сифатида таърифлаш мумкин. Жумладан, иқтисодий функция иқтисодий соҳага, сиёсий функция сиёсий соҳага, тарбиявий функция маънавий соҳага хуқуқий таъсир ўтказади.

## **Ҳукуқнинг моҳияти ҳақидаги назариялар**

**Ҳукуқнинг моҳияти** деганда унинг мазмuni ва мақсади тушунилади. Ҳукуқнинг мазмuni ва моҳияти унинг асосий ва барқарор хусусиятларини намоён этади. Шу билан бирга, ҳукуқнинг моҳиятини белгилашда қўйидаги иккита жиҳат, яъни ҳар қандай ҳуқуқ, энг аввало, ижтимоий

муносабатларни тартибга солувчи восита сифатидаги вазифасини бажариши ҳамда мазкур восита кимнинг манфаатларига хизмат қилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Хуқуқнинг моҳияти давлатнинг ижтимиий-иктисодий тузуми, сиёсати, ахлоқ, маданият ва бошқа ҳодисалар билан ўзаро боғлиқ бўлади. Ўз моҳиятига кўра хуқуқ умумижтимоий характерга эга. Бу демократик давлатларнинг моҳиятида қуидагича намоён бўлади:

- ўзаро келишилган умумижтимоий иродани ифода этади;
- аҳолининг барча қатламлари манфаатларига хизмат қиласи;
- ижтимоий алоқаларнинг ташкилийлиги ва ривожланиб боришини таъминлайди;
- хуқуқий муносабатлар субъектларининг эркинлиги ва жавобгарлигининг ўлчови ҳисобланади;
- турли-туман эҳтиёж ва манфаатларни қондириш воситаси сифатида майдонга чиқади.

**Юридик фанда хуқуқнинг моҳияти юзасидан турли хил назариялар мавжуд.**

**Табиий хуқуқ назарияси** (Локк, Руссо, Монтескье, Радишчев (XVII–XVIII асрлар)). Илмий йўналиш сифатида ушбу назария узоқ тарихга эга. Унинг асосий қоидалари қадимги даврдаёқ шаклланиб улгурган. Ушбу назариянинг моҳияти шундан иборатки, давлат томонидан яратиладиган позитив (ижобий) хукуқдан ташқари барча учун умумий бўлган ва позитив хукуқдан устун турувчи табиий хуқуқ ҳам мавжуд. Позитив хуқуқ табиий хуқуқ талабларига, яъни яшаш хуқуқи, эркин ривожланиш, меҳнат қилиш, жамият ва давлат ишларида қатнашиш ва бошқа хукуқларга асосланади. Қадимги Рим хуқуқшунослари табиий хуқуқни фуқаролик хукуқлари ҳамда халқлар хукуқлари билан бир қаторда табиат қонунлари ва нарса-ҳодисаларнинг табиий тартиби ифодаси сифатида алоҳида ажратиб кўрсатган. Шунингдек, инсоннинг табиий, туғма хукуқлари кўпчилик давлатларда конституциявий тарзда мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида яшаш хуқуқи “ҳар бир инсоннинг узвий хуқуқи” сифатида мустаҳкамланган. Юксак маданиятли жамиятда табиий ва позитив хукуқларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга ҳеч қандай асос йўқ. Чунки табиий хуқуқ ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солишнинг ягона умуминсоний тизимини ташкил этиб, инсоннинг табиий хукуқларини мустаҳкамлайди ва муҳофаза қиласи.

**Реалистик хуқуқ мактаби** (Р.Иеринг, С.Муромцев в.б.). Мазкур йўналиш вакиллари хуқуқнинг тадрижий тарзда ривожланиши ҳақидаги тарихий тасаввурлардан фарқли ўлароқ, хуқуқ ташқи омиллар таъсирида юзага келади ва ривожланади деб ҳисоблайди. Хуқуқшунос Рудольф Иеринг ушбу назариянинг мазмун-моҳиятини ўзининг “Рим хуқуқи рухи”, “Хуқуқ учун кураш”, “Хуқуқда мақсад” каби асарларида баён қилган. Иерингнинг таъбирича, хуқуқ – химояланган давлат манфаатидир. У шахс манфаатларини кафолатлайди, одамларнинг турли хил эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради. Хуқуқнинг вазифаси хуқуқдан фойдаланишини кафолатлашдан иборат. Хуқуқнинг мазмун-моҳияти замирида қонунсизликка қарши халқлар кураши, давлат ҳокимияти, индивидлар кураши ётади. Шу муносабат билан Иеринг хуқуқ тарихидаги барча улкан ютуқлар – қулликнинг, крепостнойликнинг барҳам топтирилиши, ер мулки эркинлиги, ҳунармандчилик, эътиқод ва ҳоказолар эркинлиги – буларнинг ҳаммаси шафқатсиз, кўпинча асрлар оша давом этадиган куашларда қўлга киритилиши лозимлигини, бундай ҳолларда хуқуқнинг йўли хамиша хуқуқлар қолдиқлари орқали белгиланишини алоҳида таъкидлаган.

Унинг эътироф этишича, мутлақ адолатли хуқуқ йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, хуқуқнинг қиммати унинг асосида ётган мақсадни амалга оширишдан иборатdir. Манфаатлар кураши асосида дунёга келган хуқуқ жамият ҳаётида адолат принципига, албатта, риоя қилиш шарти билан муайян бир шахслар иродасини бошқаларнинг манфаатларига бўйсундирувчи куч сифатида майдонга чиқади.

Мазкур илмий йўналиш намояндалари хуқуқ учун курашиш қонуний хуқуққа эга бўлган шахснинг ўз олдиаги мажбуриятидир, зеро хуқуқни ҳимоя қилиш, яъни хуқуқбузарликка қарши ҳаракат қилиш эса факат ўз-ўзига нисбатангина эмас, балки умуман жамиятга, давлатга нисбатан ҳам мажбуриятдир: ҳар бир шахс хуқуқни ҳимоя қиласар экан, аввало, ўзининг субъектив хуқуқи асоси бўлган объектив хуқуқ нормаларини муҳофаза этади деб ҳисоблайди.

**Психологик хуқуқ мактаби** (Петражицкий, Росс, Рейнер, Дюги, Мерилл). Ушбу назария XX аср бошларида кенг тарқалган. Мазкур назария вакилларининг фикрича, кишиларнинг руҳияти жамият, ахлоқ, хуқуқ ва давлатнинг ривожланишини белгилаб берадиган омилдир, ҳақиқий хуқуқ кишиларнинг ўз хуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги руҳий кечинмаларидир. Л.Петражицкийнинг таъкидлашича, тажрибаларга асосланувчи фан турмушнинг икки кўриниши – моддий ва руҳий

томонларини ўрганади. Ижтимоий воқелик ҳодисаларининг бири сифатида хуқук рухий дунёга тааллуқли бўлиб, у одамларнинг императив-атрибутив (мажбурийлик-даъвогарлик) кечинмаларидан ташкил топади. Инсон хатти-харакатлари эркин ва ўзаро боғлиқ бўлиши мумкин. Унинг фикрича, нормалар, буйруқ ва тақиқлар шахснинг ички кечинмалари ва ҳиссиётлари ифодасидир.

**Хуқукни тушунишда нормативлик назарияси** (Г.Кельзен, Р.Штаммлер, П.Новгородцев (XX аср)). Ушбу йўналиш бир қарашда хуқук ва унинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти ҳакидаги турли қарашларни жамлагандай туюлади. Бироқ синчиклаб қаралганда улардаги муайян бирлик ҳам кўзга ташланади. Нормативликнинг назарий қоидалари Р.Штаммлернинг “Хўжалик ва хуқук” китобида баён қилинган. У ўз қарашларида хуқуқнинг асосий мақсади шахслар эҳтиёжини қондиришдан иборат бўлган ижтимоий ҳаётни ташки тартибга солиш деб таърифлайди. Жамиятда ўзаро алоқада бўлган шахсларнинг биргаликдаги харакатларини у ижтимоий материя ёки хўжалик деб атайди. Хуқук билан хўжаликнинг ўзаро нисбатини белгилар экан, Штаммлер хуқуқни ижтимоий ҳаёт шакли ва шахсларнинг моддий неъматга оид муносабатини тартибга солувчи восита сифатида ифодалайди.

**Хуқуқнинг социологик мактаби.** Ушбу назария XX аср хуқуқшунослигининг асосий йўналишларидан биридир. Юридик фанлар вазифасини амалдаги хуқуқни расмий мантикий ўрганишдан иборат деб кўрсатувчи хуқуқий позитивизмдан фарқли ўлароқ, социологик мактаб дикқат марказини “жонли хуқук”, яъни хуқуқий муносабатлар тизимини, хуқук доирасидаги одамлар хулқ-атворини ўрганишга кўчириш керак деган фикр ташкил қиласиди. Эрлих ушбу йўналишнинг асосчиси бўлиб, унинг “Хуқук социологияси” (1911) китобида мазкур йўналишнинг асосий ғоялари тартибли баён қилинган. Россиялик олим Г.Ф.Шершеневич ҳам социологик мактаб вакилидир.

**Хуқуқнинг тарихий мактаби.** Ушбу назария XIX аср юридик фанида сезиларли даражада ривожланган йўналиш ҳисобланади. Хуқуқнинг тарихий мактаби намояндалари (Г.Гуго, Ф.Савињи, Г.Пухта в.б.) табиий хуқук ғояларига қарши чиққан. Мазкур назарияга кўра урф-одат ва анъаналар хуқуқнинг муҳим манбаидир. Кодификация ва бошқа “сунъий” усууллар рад этилган, хуқук эса “халқ руҳи”нинг изчил ривожланиши натижаси сифатида ифодаланган ва хуқуқнинг ривожланиши тилнинг ривожланишига ўхшатилган. Тарихий мактаб вакиллари урф-одатларни қонундан юқори қўйиб, реал мавжуд хуқуқни қонунчилик йўли билан ўзгартириш мумкинлигини инкор этади. Улар ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солиш тизимида урф-одатлар

аҳамиятини ғоятда бўрттириб кўрсатади. Бироқ ушбу назариянинг ижобий томонларини ҳам таъкидламаслик адолатдан бўлмайди. Айтайлик, мазкур назарияга кўра қонун чиқарувчи ўзининг субъектив хоҳиши бўйича нормаларни яратади. Бунинг учун у ижтимоий ривожланишининг объектив эҳтиёжларини, алоҳида одамлар манфаатларини билиши ва англаши ҳамда уларни ҳуқуқ нормаларида тўғри ифодалашлари лозим бўлади.

**Ислом ҳуқуқ доктринаси.** Муайян даражада рухсат бериладиган ва қўллаб-қувватланадиган шаклда диний шаклда ифодаланувчи нормалар тизими сифатида ислом ҳуқуқи VII–X асрларда араб мамлакатларида шаклланган ва у ислом динига асосланган. Ислом ҳуқуқ доктринасига кўра ҳуқуқ Аллоҳ томонидан белгиланади. Аммо ислом ҳуқуқининг шаклланишида Куръон оятларининг Пайғамбар (с.а.в.), саҳобалар, уламолар томонидан талқин этилиши катта аҳамиятга эга бўлган. Ислом ҳуқуқшунослари бўлган факихларнинг меҳнатлари асрлар давомида мана шу улкан масъулиятли ишга сарфланган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари янги ҳуқуқни яратишга эмас, балки Аллоҳ томонидан берилган ҳуқуқни амалда фойдаланишга мослаштиришга йўналтирилган. Ислом ҳуқуқини белгиловчи фикҳ соҳаси фақатгина Аллоҳнинг инсонларга кўйган ўзаро ҳуқукий қонун-коидаларини акс эттириш билан чекланиб қолмай, балки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади.

Мазкур назария вакилларининг фикрича ҳар бир ҳуқуқни қўлловчи, муайян масалани ҳал қилишда асосан куйидаги манбаларга таяниши лозим: **Куръони карим** – мусулмонларнинг муқаддас китоби, мусулмон ҳуқуқи учун раҳбарий коидалар тўплами (Аллоҳ томонидан Мухаммад пайғамбар(с.а.в.)га нозил қилинган); **хадис ёки сунна** – Мухаммад пайғамбар тўғрисидаги ҳамда унинг панд-насихатлари, ўғитлари ва қўрсатмалари билан боғлиқ ахлокий, диний меъёрлар бўлиб, улар Куръони каримни аниқлаштиришга ёрдам берувчи, ҳуқукий муносабатларни тартибга солишга кўмаклашувчи коидалар тўплами хисобланади; **ижмоъ** – халифалар, билимдон кишиларнинг Куръон коидалари асосида турли муносабатлар бўйича чиқарган ҳукмлари, қарорлари; **қиёс** – аналогия, ўҳшатиш йўли билан чиқарилган ҳукм (олдинги манбаларда ўз ифодасини топмаган фикр-мулоҳазаларни қамраб олади). Куръон, сунна, ижмоъ ва қиёсдан ташқари фикҳнинг бошқа ёрдамчи манбаларидан фойдаланиш ҳам мустасно этилмаган. Уларга ҳуқукий одатлар, қонунлар ва фатволар киради.

Юқорида қайд этилган манбалар билан бирга, янги бир фан – усули фикҳ, яъни мусулмон ҳуқуқшунослиги вужудга келган. Фикҳ ўз ичига шахснинг диний расм-русларни бажариш билан боғлиқ масалаларни тартибга соладиган ибодат нормалари ва шахслар ўртасидаги

муносабатларнинг қоидаси сифатида муомалот нормаларини қамраб олади. Ислом назариясига кўра хуқукий масалалар шариатнинг муомалот қисмига тегишли ҳисобланади.

### **Назорат учун саволлар:**

**1. Ижтимоий нормалар кишилар, уларнинг жамоалари ўртасидаги муносабатларни тартибга соловчи умумий хулқ-атвор қоидалари бўлса, хукуқ давлат томонидан ўрнатиладиган, ўзида эркинлик, тенглик ва адолат тамойилларини ифодалайдиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, бажарилиши умуммажбурий бўлган юриш-туриш қоидалари йиғиндиси ҳисобланади.** Шу билан бирга, хукуқ ва бошқа ижтимоий нормалар бир-биридан турли жиҳатларига кўра, хусусан, шаклланиш усуллари ва манбалари бўйича, ифода этиш шаклига кўра, кишилар онгига таъсир этиш хусусияти ва жавобгарлик моҳияти хамда амал қилиш соҳалари бўйича фарқ қиласи.

Айрим манбаларда ижтимоий муносабатларни тартибга солища хукуқнинг аҳамияти юқори эканлиги қайд этилса, бошқаларида ижтимоий нормалар муносабатларни тартибга солища самарали восита эканлигини билдирилади.

*Хукуқ ва бошқа ижтимоий нормаларнинг бир-биридан фарқли жиҳатларини муҳокама қилиши орқали вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

**2. Хукуқ тамойиллари** – бу хукуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга соловчи восита сифатидаги моҳиятини ифодаловчи бошланғич норматив асослар, энг асосий қарашлар, ғоялар ва қоидалардир. Хукуқ тамойиллари, авваламбор, хукуқ қонуниятларини ифодалайди, қолаверса, бутун хукукий тартибга солиш соҳасида амал қиласидиган ва барча субъектларга нисбатан кўлланадиган энг умумий нормалардан иборат бўлади. Хукуқ тамойиллари хукуқ ижодкори учун дастурий ғоялар сифатида майдонга чиқаркан, хукуқ нормаларини такомиллаштириш йўлларини белгилаб беради. Хукуқ тамойиллари Конституцияда, қонунлар ва кодексларнинг муқаддима ёки умумий қоидалар қисмида маҳсус тартибда белгилаб кўйилади.

Шу билан бирга, айрим хукуқшунослар амалиёт учун хукуқ тамойилларининг аҳамияти йўқ деган фикрни билдиришса, бошқалари эса мухим аҳамиятга эгалигини, хукукий тизим унга боғлик ҳолда ривожланишини таъкидлашади.

*Масалани атрофлича муҳокама қилиб, вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **4. Замонавий норма ва хуқуқ ижодкорлиги – норматив-хуқуқий хужжатлар таҳлили**

**Режа:**

1. Хуқуқ нормалари тушунчаси, белгилари ва мантиқий тузилиши: гипотеза, диспозиция ва санкция.
2. Хуқуқ нормаларини турларга ажратиш (таснифлаш).
3. Хуқуқ ижодкорлиги: тушунчаси, турлари ва тамойиллари
4. Қонун ижодкорлиги жараёни босқичлари
5. Норматив-хуқуқий хужжат тушунчаси, белгиси ва турлари

**Тушунчалар ва таянч иборалар:** Хуқуқ нормалари. Хуқуқ нормасининг тузилиши. Гипотеза. Диспозиция. Санкция. Хуқуқ нормаларининг таснифи. Хуқуқ ижодкорлиги. Қонун ижодкорлиги жараёни.

##### **1. Хуқуқ нормалари тушунчаси, белгилари ва мантиқий тузилиши: гипотеза, диспозиция ва санкция.**

"Норма" сўзи (лат.norma сўзидан олинган бўлиб) – у раҳбарий қоида, намуна, ўлчов деган маънони англатади.

*Норма қонун кучига эга бўлган маълум шахсга қаратилган ёки қаратилмаган хулқ-автор йигиндисидир. Норма, шунингдек, муддатсиз ҳам эмасдир. Хуқуқни чеклашининг фундаментал асоси ҳам қонунда нормаларда ифодаланади<sup>4</sup>.*

Хуқуқ нормалари ижтимоий нормалар таркибига кирувчи ахлоқ, одат, одоб, жамоат ташкилотларининг нормаларидан фарқ қиласи.

**Хуқуқ нормаси** - давлат томонидан ўрнатиладиган, маъқулланадиган, муҳофазаланадиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий юриши-туриши (хулқ-автор) қоидаси.

<sup>4</sup> Hans Kelsen. *General Theory of Law and State*. – Cambridge: Harvard University Press, 2009. –P.35.

*Хуқуқ нормасининг белгилари:*

- давлат томонидан ўрнатилади, халқнинг иродасини ўзида акс эттиради;
- давлат томонидан муҳофазаланади;
- умуммажбурийлик характерига эга;
- расмий аниқликка эга;
- норматив (ваколат берувчи ва мажбурият юкловчи) характерга эга.

Хуқуқ нормасининг характерли жиҳатларидан бири – бу унинг узок муддат давомида такрор-такрор кўлланилишидир.

Жамиятда юз берадиган сиёсий тортишувларни ҳал этишда ҳам ҳуқуқ нормаларининг ўрни ва роли муҳимдир. Шу билан бирга бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари таъсири остида инсонларнинг фикрлари, қарашлари ўзгариб бормоқда. Ҳуқуқ ҳам сиёсий мазмун касб этиб қолмоқда. Бироқ сиёсий ва ҳуқуқий нормалар ўртасида мувозанат бўлиши зарур”<sup>5</sup>.

Ҳуқуқ нормалари қуйидаги хусусиятларга эга:

- 1) халқнинг иродаси сифатида амал қиласи;
- 2) давлат нуқтаи назаридан энг муҳим деб хисобланган ижтимоий муносабатларни тартибга солади;
- 3) кўп маротаба кўлланилади ва узок муддат амалда бўлади;
- 4) халқ манфаатларига мос келадиган ижтимоий муносабатларни қўриклияди;
- 5) бир-бири билан узвий боғлиқ ва ягона ҳуқуқ нормаси тизими кўринишида мавжуд бўлади ва амал қиласи;
- 6) лозим бўлганда давлатнинг зўрлик кучи билан тавсифланади;
- 7) аниқ ва катъий шаклга эга ва х.

---

<sup>5</sup> Scott Veitch, Emilius Christodoulidis, Lindsay Farmer. Jurisprudence: Themes and Concepts. Second edition. – London – New York, Routledge, 2012. –P.32.

Хуқуқ нормасининг тузилишини билиш нафақат хуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланувчи органлар, балки хуқуқни қўллаш органлари учун ҳам муҳим роль ўйнайди. Биринчисига бу билимлар юридик қарор (кўрсатма)ларни тўғри талқин қилишга ёрдам берса, иккинчисига эса уларни ўз ўрнида ва тўғри қўллашга ёрдам беради.

Хуқуқ нормалари ўзининг бир бутунлиги, бирлиги, бўлинмаслиги билан ажralиб туради. Унинг учун алоҳида тузилиш ҳам хос бўлиб, элементларнинг ўзаро алоқаси ва маҳсус мазмунга эга эканлиги билан фарқланади. Хуқуқ нормаларининг тузилиши деганда унинг ички тузилиши ва элементлари бирлиги тушунилади.

*Хуқуқ нормасининг тузилиши* деганда – унинг юридик фаолияти эркинлигини таъминловчи ўзаро боғлиқ бўлган зарур элементларнинг мажмуи ёки бирлиги тушунилади.

*Хуқуқ нормасининг тузилиши:*

- Гипотеза;
- Диспозиция;
- Санкция.



**Гипотезада** ҳуқуқ нормасида белгиланадиган қоида қандай шароит ва ҳолатда ким томонидан амалга оширилиши кўрсатиласди. Гипотеза ҳуқуқ

нормасининг бир қисми бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган қоиданинг кучга кириши учун зарур бўлган муайян аниқ ҳаётий ҳолатлар (воқеа, ҳаракат, ҳолатлар) ўзининг ифодасини топади.

*Гипотезанинг қуидаги турлари мавжуд:*

- оддий гипотеза;
- мураккаб гипотеза;
- муқобил гипотеза.

**Диспозиция** ҳуқуқ нормасининг бир қисми бўлиб, унда гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ҳуқуқ субъектлари риоя этишилари лозим бўлган хатти-ҳаракат қоидаси (ҳуқуқ ва маъсураниятлари) ифодаланган бўлади.

*Диспозициянинг қуидаги турлари мавжуд:*

- императив (аниқ кўрсатилган, буйруқ берувчи);
- нисбий белгиланган;
- бланкет (ҳавола этувчи);
- тавсифловчи (тўлиқ баён этилган) ва б.

**Санкция** диспозицияда кўрсатилган қоидани бузган шахсга нисбатан давлат органи қўллаши мумкин бўлган таъсир чорасини белгилайди. Санкция ҳуқуқ нормасининг бир қисми бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган талабларни бажармаганлик учун берилиши мумкин бўлган жазонинг ёки тавсия этилган ҳаракатни содирик этганлик учун разбатлантиришининг тури ва ўлчови ифодаланган бўлади.

Ҳуқуқ нормаларининг ифодаланишига қараб санкция қуидагиларга бўлинади:

- нисбий аник;
- мутлақ аник;
- муқобил.

## **2. Ҳуқуқ нормаларини турларга ажратиш (таснифлаш)**

Ҳуқуқ нормаларини таснифлаш (классификация) ҳуқуқни тартибга солиш тизимида юридик нормаларнинг ўрни ва аҳамиятини тўғри ва аниқ белгилашга ёрдам беради.

Ҳуқуқ нормаларини қуидаги белгиларга қараб таснифлаш мумкин:

1) **функционал аҳамиятга қараб** бошланғич нормалар, умумий нормалар ва маҳсус нормаларга бўлинади.

- бошланғич нормалар - ижтимоий муносабатларни тартибга солишининг асосини, уларнинг мақсади, вазифаси, чегараси ва йўналишини ифодалайди.

- умумий нормалар - у ёки бу соҳа ҳуқуқининг умумий қисмига тааллукли бўлиб, тегишли ҳуқуқ йўналиши институтларининг бутун ёки кенг қисмига жорий қилинади.

- маҳсус нормалар – у ёки бу ҳуқуқ соҳаси йўналишининг алоҳида институтга тегишли бўлиб, маълум бир ёндош (яқин) ижтимоий муносабатларни ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тартибга солади.

2) **Ҳуқуқ соҳасига тегишлилигига қараб** конституциявий, фуқаролик, жиноят, маъмурий ва х.

3) **Характерига қараб** моддий, процесуал (жиноят процесси, фуқаролик процесси)

### **4) Ҳуқуқни тартибга солиш усулига қараб**

- императив (ҳокимиятлилик характерига эга фармойишларни мужассамлаштирувчи);
- диспозитив (мустақил қарашларни мужассамлаштирувчи);
- рағбатлантирувчи (ижтимоий фойдали юриш-туришларни);

- тавсиянома кўринишидаги нормаларга бўлинади.

### 5) Ҳаракат қилиш вақтига қараб

доимий ва вақтингчалик (Президент фармонлари фавқулодда ҳолат ҳақида).

Ҳар қандай хукуқ нормалари шахсга маълум ҳаракат (хулқ) шаклини кўрсатиб беради, шунга кўра уларни -мажбурият юкловчи, тақиқловчи, ваколат берувчи (баъзи хатти-харакатларни, юридик оқибатларни бажаришга имконият яратувчи) нормаларга ажратиш мумкин.

## 3. Ҳукуқ ижодкорлиги: тушунчаси, турлари ва тамоийиллари

*Ҳукуқ ижодкорлиги -бу энг аввало ваколатли давлат органларининг норматив-ҳуқуқий актларини яратиш, уларга ўзгартириши киритиш ёки уларни бекор қилишига қаратилган фаолиятидир.*

*Ҳукуқ ижодкорлиги турлари:*

- бевосита ҳукуқ ижодкорлиги (умумхалқ референдуми);
- давлат органларининг ҳукуқ ижодкорлиги (Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва б.);
- алоҳида мансабдор шахсларнинг ҳукуқ ижодкорлиги (Президент, вазирлар, хокимлар ва б.);
- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳукуқ ижодкорлиги.

*Ҳукуқ ижодкорлиги тамоийиллари:*

-илмийлик;

-профессионализм;

-қонунийлик;

-демократизм;

-ошкоралик;

-тезкорлик.

**Қонун ижодкорлиги** – давлатнинг ҳуқуқий нормаларини яратишга қаратилган энг мухим фаолият йўналишларидан бири. Қонун ва қонун чиқариш фаолияти билан боғлик ишлар жамият тараққиётининг барча босқичларида мухим ўрин тутган.

Қонунларнинг энг асосий ижтимоий вазифаси – жамиятда тартиб, интизом ва баркарорликни таъминлашдан иборат. Қонунчилик сиёсати – давлат сиёсатининг бир бўлаги бўлиб, унда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишининг асосий йўналишлари, принциплари, мақсадлари ўз ифодасини топади. Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти натижаларига қараб, яъни қонунлар ва бошқа норматив актларга қараб, давлат тўғрисида, унинг демократлигига, маданияти ва цивилизацияси даражасига баҳо берилади.

Ҳуқуқ ижодкорлигининг энг мухим характеристикасидан бири бўлиб, унинг давлат ёки давлат органлари фаолияти эканлиги хисобланади.

**Қонун ижодкорлиги фаолияти** – ваколатли давлат органининг қонунларни ишлаб чиқиши ва қабул қилишга қаратилган, аниқ мақсадга йўналтирилган иродавий фаолиятидир. Мазкур фаолият ижодий жараён бўлиб, бунда халқнинг иродаси аниқланади, шакллантирилади ва белгиланган тартибда қонун даражасига кўтарилади.

Қонун чиқариш фаолияти (ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти) ўзининг масъулиятлилиги ва мураккаблиги билан фарқ қиласи. Республика шаклидаги демократик давлатларда қонун чиқариш фаолияти, анъанага кўра, алоҳида сайлаб қуйиладиган орган томонидан амалга оширилади. Бундай орган турли мамлакатларда турлича номлар билан (АҚШда – конгресс, Францияда – Миллий Мажлис, Англияда – парламент, Германияда – Бундестаг, Эронда – Мажлис, Россияда – Федерал Мажлис

(Дума), Ўзбекистонда –Олий Мажлис, Польша, Литвада – Сем, Швецияда – Риксдаг ва ҳ.к) аталиб умумий қабул қилинган ягона ном парламент ибораси билан ифодаланади.

Юридик адабиётларда қонун ижодкорлик фаолияти ибораси қонун чиқариш фаолияти, қонун яратиш фаолияти, қонунчилик, хукуқ ижодкорлиги каби иборалар билан синоним сифатида қўлланилади.

#### **4. Қонун ижодкорлиги жараёни босқичлари**

Хукуқ ижодкорлиги жараёни (қонун яратиш) ўта масъулиятли, серқирра ва мураккаб жараён. Қонун кучга киргач ҳар бир юридик ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солища қатъий кучга айланади. Бу жараён мунтазам ва мувофиқлаштирилган кетма-кетликда рўй берувчи босқичларнинг йиғиндиси сифатида мавжуд бўлувчи аниқ хукуқий механизmdir. Бунда иш тегишли хукуқий муносабатлар соҳасини хукуқий тартибга солиш заруриятини ўрганишдан муаммоли вазиятни атрофлича таҳлил этишдан бошланади: сўнгра тажриба умумлаштирилиб, илмий асосланган материаллар тўпланади; навбатдаги вазифа режалаштирилаётган қонуннинг илмий ғоя (концепцияси) ва дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқишдан иборат бўлади; қонун лойиҳаси қонун чиқарувчи идора томонидан ўрганилади, муҳокама этилади ва ниҳоят қонун қабул қилинади.

Қонун ижодкорлиги жараёни - давлат олий вакиллик органининг Конституцияда белгиланган тартибда янги қонунларни яратишга, амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга қаратилган, шунингдек, эскирган қонунларни бекор қилиш борасидаги ҳаракатлари йиғиндиси бўлиб, у қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама этиш ва қабул қилишни ўз ичига олади.<sup>6</sup>

---

<sup>6</sup> Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. -Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2005. –Б.93.

**Қонун ижодкорлигининг қуийдаги турлари ажратиб  
күрсатилади:**

- Ваколатли давлат органларининг ҳуқук ижодкорлиги фаолияти;
- Халқнинг бевосита референдум орқали ҳуқук ижодкорлиги.

Масалан: *Ўзбекистонда қонуннинг парламент томонидан қабул қилинши ёки умумхалқ овоз берииш йўли билан қонун қабул қилиши.*

Қонуности ҳуқук ижодкорлиги. Бундай холларга, баъзида давлат олий вакиллик органларига кирмайдиган давлат органлари томонидан ҳуқук нормалари қабул қилинади ва ҳаракатга келтирилади. Бундай қонун ости актлари қонунни қабул қилишни таъминлаш учун муҳим ҳисобланади.

Қонун ости ҳуқук ижодкорлиги субъектларига – Президент, ҳукумат ва бошқа олий давлат органлари кириб, улар қонунга биноан юридик нормалар ва норматив актларни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Қонун ости ҳуқук ижодкорлигининг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари мавжуд:

Ижобий томонлари – унинг тезкорлиги, расмиятчиликнинг камлиги, тегишли органларнинг компетентлиги, ҳужжат қабул қилиниши билан боғлиқ шарт-шароитларни яхши билишларини айтиш мумкин;

Салбий томонлари – ҳуқуқий қарорнинг қабул қилиниши жараёнининг яширинлиги, норматив актларнинг кўплиги уларни кўллашни қийинлаштиради ҳамда жамият аъзолари томонидан назорат қилишни мураккаблаштиради.

*Қонун-бу норматив акт бўлиб, қонунчилик ҳокимияти органи (ёки референдум йўли билан) томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадиган, халқнинг иродасини ифодалайдиган, олий юридик кучга эга бўлган ва бирмунча муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуэжжат.*

## **Ўзбекистон Республикасида қонун ижодкорлиги жараёнининг боскичлари:**

1. Қонунчилек ташаббуси.
2. Қонунчилек ташаббуси асосида Қонунчилек палатаси томонидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши ва муҳокама қилиши.
3. Қонунни қабул қилиши ва Сенатга тақдим этиши.
4. Сенатда қонунни муҳокама қилиши ва маъқуллаши ҳамда имзолани учун Президентга юбориш.
5. Қонуннинг Президент томонидан имзоланиши.
6. Қонунни матбуотда расмий эълон қилиши.

Қонун яратишдан олдин жамиятда шундай қонун вужудга келишига эҳтиёж борми, деган саволга жавоб бериш лозим. Қонун ишлаб чиқишига киришишдан аввал мавжуд ижтимоий воқелик, ҳаёт, муаммоли вазият атрофлича ўрганиб чиқилади.

Шундай қилиб, у ёки бу қонуннинг яратилишига бўлган эҳтиёжни ўрганиш – қонунчилек жараёнининг бошланғич нуқтасидир. Қонунчилек фаолиятига таъсир этувчи ижтимоий омилларни қўйидаги турларга ажратиш мумкин: иқтисодий, сиёсий-хуқукий, социал-маданий, жуғрофий, демографик, экологик, миллий, илмий-ташкилий ва ҳ.клар

Қонунчилек фаолиятига таъсир қилувчи омиллар муайян механизм асосида ҳаракатланади.

Қонунни яратиш жараёни, яъни қонун чиқарувчи орган доирасида бевосита фаолият қонунчилек ташаббуси пайдо бўлишидан бошланади. Қонунчилек ташаббуси хуқукий муаммолари мағзини англаб этиш учун унинг қўйидаги мухим жиҳатларини пухта мушоҳада этиш талаб қилинади:

- 1) Қонунчилек ташаббуси хуқуқи тушунчаси ва моҳияти;
- 2) Қонунчилек ташаббуси амалга оширилиши натижасида вужудга келадиган хуқуқий муносабатнинг мазмуни;

3) Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқнинг субъектлари доираси ҳамда уларнинг ўзига хос ҳусусиятлари ва б.

Қонунчилик ташаббуси қатор ҳаракатлар мажмуи бўлиб, унда қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифи киритилади ва парламент янги қонун чиқариш, амалдагисини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш учун қабул қиласди.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи – бу Конституцияда белгиланган ваколатли давлат органлари, ташкилотлар ва шахсларнинг ҳуқуқи бўлиб, улар томонидан муайян қонун лойиҳасини ёки янги қонун қабул қилиш тўғрисида, шунингдек, амалдаги қонунни ўзгартириш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисидаги таклифни парламент эътиборга тақдим этилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ қўйидагилар қонунчилик ташаббуси ҳуқукининг субъектлари ҳисобланадилар:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуки субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Қонун лойиҳасини мухокама этиш – қонун яратиш жараёнининг мухим босқичидир. Бу босқич қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси тақдим этилгач, у сессия кун тартибига киргач бошланади. Шаклланган тажрибага кўра, қонун лойиҳаси икки хил кўринишда мухокама қилинади.

1) қонун лойиҳаси аксарият умумий қоидага биноан парламент (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланади) томонидан унинг йиғилишида муҳокама этилади.

2) мамлакат ҳаётининг ўта муҳим масалаларини тартибга солишга қаратилган қонунлар лойиҳаси парламент қарори билан кенг халқ муҳокамасига тақдим этилади.

Қонун лойиҳаси моддама-модда, бўлимлар ва боблар бўйича ёки ялпи муҳокама қилинади.

Қонунни қабул қилиш босқичининг аҳамияти ва масъулияти шундаки, бунда қонун лойиҳасига расмий юридик куч баҳш этилади, у қонунга айланади. Парламентда баъзи жиддий масалаларни ҳал этиш учун депутатлар малакали кўпчилигининг овоз бериши лозим бўлади. Овоз бериш очик, яширин ва номма-ном бўлиши мумкин.

Қонун қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга эга бўлади. Қонунларни эълон қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 84-моддасида ўз ифодасини топган. Унга мувофиқ, қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив хужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланишининг мажбурий шартидир.

Норматив-хуқуқий акт белгиланган тартибда ва тегишли шаклда эълон қилинмаган, ижрочилар эътиборига етказилмаган бўлса, уни ҳаракатдаги юридик кучга эга акт деб бўлмайди.

Қонуннинг давлат номидан эълон қилиниши – ваколатли идоралар томонидан маҳсус амалга ошириладиган хуқуқий функциясидир.

## **1. Норматив-хуқуқий хужжат тушунчаси, белгиси ва турлари**

Норматив-хуқуқий хужжат - ваколатли давлат органининг белгиланган тартибда қабул қилган, ижтимоий муносабатларни тартибга

солишга қаратилган, умуммажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи юридик хужжати хисобланади.

Норматив-хуқуқий хужжат умуммажбурий хулқ-автор қоидаларини ўз ичига олади хамда ўзининг қуидаги хусусиятлари билан ижтимоий нормаларнинг бошқа турларидан ажралиб туради:

- а) давлат номидан қонунда белгиланган тартибда қабул қилинади;
- б) ваколатли субъектларнинг хуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг маҳсули хисобланади;
- в) барча учун умуммажбурий қоидаларни ўрнатади, ўзгартиради (такомиллаштиради) ёки бекор қиласди;
- г) маҳсус процессуал тартибда амалга оширилади;
- д) муайян хужжатлаштирилган шаклга эга (қонун, фармон, қарор ва б.);
- е) муайян турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган;
- ж) уларда хуқукий қоиданинг мазмуни, яни хуқукий муносабат иштирокчиларининг хуқуқ ва бурчлари баён этилади;

Куйида юқорида кўрсатиб ўтилган норматив-хуқуқий хужжатларининг ҳар бирини юридик табиати таҳлил қилинади.

**Конституция** - (лотин. *constitutio* - ўрнатиш, тузилиш) - моддий маънода аввало инсон ва фуқаро хуқуқлари ва эркинликларини эълон қилувчи ва кафолатловчи, шунингдек ижтимоий тузум, бошқарув шакли ва давлат тузилиши, ҳокимият марказий ва маҳаллий органларини ташкил этиш асосларини, уларнинг ваколатлари ва ўзаро муносабатларини, давлат рамзлари ва пойтахтини белгилайдиган қонун хужжати, хужжатлар ёки конституциявий одатлар мажмуи. Расмий маънода барча қонунларга нисбатан олий юридик кучга эга бўлган асосий қонун. Конституция - энг олий хуқукий шакл бўлиб, унда конституциявий тузум қадриятлари, институтлари ва нормалари, давлат ҳокимиятининг ижтимоий алоқалари ва

муносабатларини давлат - хуқукий тартибга солиш асослари мустаҳкамлаб қўйилади.

Ўз юридик табиати ва моҳиятига кўра, Конституция бошқа норматив-хуқукий ҳужжатлардан қўйидаги муҳим жиҳатлари билан ажралиб туради:

**биринчидан**, Конституция маҳсус субъект томонидан ёки унинг номидан ўрнатилади;

**иккинчидан**, Конституциявий қоидалар таъсис эътувчи, йўналтирувчи, бирламчи аҳамиятга эга;

**учинчидан**, конституциявий тартибга солиш ўз хажмининг кенг қамровлилиги билан тавсифланади, яъни у ниҳоятда муҳим ва кенг кўламдаги ижтимоий муносабатлар доирасига таъсир кўрсатади;

**тўртинчидан**, Конституция алоҳида юридик хусусиятларга, яъни устуворликка, олий юридик кучга, ўзига хос муҳофаза шаклига, маҳсус тарзда қабул қилиниш ва ўзгартирилиш тартибига эга.

**Қонун** - инсон, жамият ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан энг муҳим деб ҳисобланадиган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситасидир. Қонунда ҳалқнинг давлат ҳокимиятига доир олий иродаси акс эттирилганлиги, унинг ижтимоий қадр-қимматини оширади. Қонун давлат олий вакиллик органларининг энг юқори кучга эга бўлган актиdir. Норматив-хуқукий актлар тизимида қонунлар асосий ўринни эгаллади. “Қонун” ибораси серқирра ва маънодордир. “Қонун” категорияси ижтимоий ва табиий фанлар томонидан кенг қўлланилади. Хусусан турли илмий адабиётларда “фалсафа қонунлари”, “табиат қонунлари”, “иктисодий қонунлар”, “ижтимоий тараққиёт қонунлари” каби тушунчалар тез-тез учраб туради. Шунингдек “юридик қонунлар” ибораси ҳам ишлатилади. Бу қонунлар турли фанларга тааллукли бўлишига қарамасдан, уларни бирлаштирувчи умумийлик мавжуд. Шунга кўра “қонун”нинг қўйидаги умумий универсал таърифини бериш мумкин, яъни қонун табиат ва жамиятдаги воқеа, ҳодиса ҳамда

жараёнлар ўртасидаги муносабатдир, шунингдек уларнинг энг муҳим, зарурий, барқарор ва такрорланиб турувчи алоқаси, боғланиши ва ўзаро таъсиридир.

**Конституциявий қонун** - қатор мамлакатларда конституциявий хукуқнинг бош манбаларидан бири. Роман-герман хукуқ оиласига киравчи мамлакатларда конституциявий қонун - бу конституцияга ўзгартишлар киритувчи қонун, Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон каби давлатларда эса конституциявий қонун конституцияда белгиланган масалалар бўйича қабул қилинади. Биринчи ҳолатда конституциявий қонунни қабул қилиш тартиби конституцияга ўзгартиш киритиш тартибига мос келади, иккинчи ҳолатда конституциявий қонун конституцияни ўзгартиш тартибидан фарқ қилиб, маҳсус мураккаблаштирилган тартибда, яъни қонун чиқарувчи идора аъзоларининг малакали қўпчилиги овози билан қабул қилинади. Алоҳида олинган давлатларда конституциявий қонун деб, мазкур давлат конституциясини ташкил этувчи қонунлар мажмуасига айтилади (м-н, Швецияда). Баъзи олимлар қабул қилиниши Конституцияда назарда тутилган қонунларни ҳам конституциявий қонун деб ҳисоблайдилар.

Конституциявий қонун - норматив-хукукий хужжатлар тизимида ўзининг юридик кучи ва аҳамиятига қўра конституциядан кейин турадиган қонун шакли. Конституциявий қонунлар конституцияда кўрсатилган масалалар бўйича қабул қилинади. Конституциявий қонунларни қабул қилиш тартиби жорий қонунларни қабул қилишга қараганда бирмунча фарқ қиласи. Жумладан, бундай қонунни қабул қилиш учун депутатларнинг мутлоқ қўпчилиги овози, яъни учдан икки қисм овоз берилиши талаб қилинади. 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги конституциявий қонун ана шундай қонунлар жумласига киради. Конституциявий қонунларнинг қабул қилиниши конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга сабаб бўлади. Масалан, мамлакатимизда 2002 йил 27 январь куни ўтказилган референдум натижаларига мувофиқ “Референдум

якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий қонун қабул қилинди ва иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бу қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVIII, XIX, XX, XXII бобларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Конституциявий қонунлар алоҳида норматив-хукуқий хужжат сифатида конституция билан бирга харакатда бўлиб, унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Кодекс (лот. “Codex” - қонунлар тўплами) - ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солувчи, устувор хукуқ нормаларини ўзида мужассамлаштирган ва тизимлаштирилган хукуқий акт - қонун бўлиб, унда хукуқ тармоғининг барча нормалари мантиқан мутаносиблаштирилади (масалан, фуқаролик кодекси, оила кодекси, жиноят кодекси ва б.) У катта миқдордаги турли хил нормаларни қамраб олса ҳам, ички мувофиқликка эга бўлган ягона бир бутун актдир. Кодекснинг таркибий қисмлари (боблар, бўлимлар, нормалар, институтлар) ўзаро узвий алоқадор бўлиб, муайян тизим тарзида жойлаштирилади. Анъанага қўра, қонунчилик соҳаларида уйғунлаштирувчи ва бошқарувчи фаол марказ ролини тегишли кодекслар ўйнайди. Кодекс оддий қонундан ўзининг мукаммаллиги, сайқал топғанлиги, барқарорлиги билан фарқ қиласди. Агар муайян қонунчилик соҳасида бир вақтнинг ўзида Кодекс ва бир неча қонун хужжатлари мавжуд бўлса, улар ичida кодекс юридик кучи ҳамда тартибга солиш имконияти жиҳатидан устунлик қиласди. Кодекслар ички мантифининг пишиқлиги, нормаларининг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги билан ажралиб туради.

Кодекслаштирилган актлар ўзининг хукуқий тартибга солувчи таъсир кучини ва аҳамиятини узоқ муддат давомида сақлаб қолади. Кодексдаги хукуқий нормаларнинг жойлашиши тегишли хукуқ тармоғи тизимининг акс эттирилиши тартибида ишлаб чиқилади. Кодекслар ижтимоий

муносабатларнинг жамиятдаги барча ривожланиш босқичларида мухим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда фуқаролик, фуқаролик-процессуал, жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарлик, меҳнат, хўжалик-процессуал, оила, ер, уй-жой, солик, божхона ва шу каби қатор **кодекслар амалда қўлланилиб келинмоқда**.

**Қонуности ҳужжатлари** - давлат ҳокимияти органларининг қонунга нисбатан пастроқ юридик қучга эга бўлган ҳуқуқий актлардир. Қонуности ҳужжати қонунга асосан ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан чиқарилади. Қонуности ҳужжатлари умуммажбурий тусдаги (норматив) ва умуммажбурий тусга эга бўлмаган (норматив бўлмаган) ҳуқуқий ҳужжатларга бўлинади. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунга кўра, Қонуности ҳужжати норматив тусдаги қонуности актларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг умуммажбурий тусдаги ҳуқукий актлари киради.

Давлат идорасининг қонунда расман ифодаланиши, унинг расмийлиги, юридик кўрсатмаларни баён қилишнинг аниқ ва тушунарлилигини таъминлаш учун қонунни қатъий тартибда ва олдиндан бирхилллаштирилган шаклларда ҳамда тегишли расмий реквизитларнинг (сарлавҳа, чиқарилган сана ва бошқалар) аниқ расмийлаштирилишини талаб этади. Норматив ҳужжатнинг ташқи расмий реквизитлари унинг расмий ҳусусиятга, юридик қучга эгалигидан далолат беради. Шунингдек, улар норматив ҳужжатни қабул қилган давлат органи, вақти ва қайси шаклда қабул қилганлигини кўрсатади.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар куйидаги реквизитларга эга бўлиши белгиланган:

ҳужжатнинг тури ва номи;

хужжат қабул қилинган жой, сана (Ўзбекистон Республикасининг қонунлари учун маъкулланган ва имзоланган сана ҳам), раками (вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган сана ва рўйхатга олиш раками ҳам);

тегишли норматив-хуқуқий хужжат матнини тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахснинг лавозими, имзоси, исмининг бош ҳарфи ва фамилияси.

***Назорат саволлари:***

1. Диспозиция тушунчаси, турлари ва ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг. Турлари бўйича қонунчиликдан мисоллар келтиринг.
2. Санкция тушунчаси, турлари ва ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг. Турлари бўйича қонунчиликдан мисоллар келтиринг.
3. Хуқуқ нормаси тушунчаси, белгилари ва хусусиятларини изоҳлаб беринг.
4. Хуқуқ ижодкорлиги тушунчаси, турлари ва тамойиллари ёритиб беринг.
5. Қонун ижодкорлиги жараёни: тушунчаси, принциплари ва босқичлари.

## **5. Ҳуқуқий хулқ-атвор. ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик тушунчаларини шакллантириш**

**Режа:**

1. Ҳуқуқий хулқ-атвор тушунчаси.
2. Ҳуқуқий хулқ-атворнинг турлари (кўриниши).
3. Ҳукуқбузарликнинг таркибий элементлари.
4. Юридик жавобгарлик тушунчаси.

**Шахснинг ҳуқуқий хулқ-атвори** – бу шахс томонидан юридик нормалар кўрсатмаларига мос келадиган хатти-харакатларнинг амалга оширилишидир. Яна бу – қонунга итоат этувчи хатти-харакат ҳамдир.

**Ҳуқуқий хулқ-атвор** – бу ҳуқуқ нормаларида мос келадиган, юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган, ижтимоий фойдали аҳамиятга эга бўлган, ҳуқуқ субъектларининг онгли равишдаги хулқидир.

Ҳуқуқ нуқтаи назаридан хулқ-атвор ҳуқуққа мос келувчи, юридик бетараф ва ҳуқуққа зид келувчи бўлиши мумкин.

**Ҳуқуқий хулқ-атвор элементлари:**

- субъектлар (жисмоний ва юридик шахслар);
- обьектлар (предмет ва субъект хулқ-атвори);
- обьектив томони (хулқ-атворнинг ҳаракат ва ҳаракатсизлик кўринишлари);
- субъектив томони (субъектнинг масъулиятлилик даражаси).

Ҳуқуқий хулқ-атворнинг қўйидаги уч тури (кўриниши) мавжуд:

**1. Фаол ҳуқуқий хулқ-атвор.** Бу фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг қўшимча вақт, куч-ғайрат, баъзан эса моддий маблағлар сарфлаш билан боғлиқ бўлган бир мақсадга йўналтирилган, ташаббусга асосланган қонуний фаолиятидир.

Ўзини ҳимоя қила олиш, яшаш ва ривожланиш учун нормал шароитларни таъминлаш, қонун доирасида эркин бўлиш, қонунларнинг

ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига таъсир кўрсатиш, давлат тимсолида ўз химоячисига эга бўлиш учун шахс иқтисодий, сиёсий, хуқуқий, ахлоқий ва бошқа жиҳатлардан фаол бўлиши керак. Шахснинг хуқуқий фаоллиги – бугунги кун талабидир. Хуқуқий фаолликни намоён қилишнинг шакллари хилма-хилдир. Бу сидқидилдан қилинган хизмат фаолияти ҳам, партиялар, жамоат бирлашмаларининг ташкил қилиниши ва уларнинг ишида иштирок этиш, қонун лойиҳаларининг муҳокамасида қатнашиш ва турли давлат орғанлари билан ҳамкорлик қилиш қўринишида бўлиши мумкин.

**2. Одатий хуқуқий хулқ-атвор.** Фаол хатти-харакатдан фаркли ўлароқ, у қўшимча маблағлар, куч-ғайратлар сарф қилиш билан боғлиқ бўлмайди. Бу инсоннинг хуқуқий нормаларга мос келадиган кундалик майший турмуши ва бошқа хаётидир. Хулқ-атворнинг ушбу тури доирасида фуқаролар ўзларининг хуқуқий мажбуриятларини бажарадилар, юридик аҳамиятга молик бирон-бир хатти-харакатни содир этадилар. Бироқ бу ўринда уларнинг фаоллиги хуқуқий талаблар даражасидан ортиб кетмайди. У одатий бўлиб, кишининг оила, давлат, жамиятдаги нормал ҳаётий фаолияти учун зарурдир. Инсон-фуқаронинг моддий, маънавий ва бошқа эҳтиёжлари худди шу тарзда қондирилади.

**3. Пассив (маргинал) хуқуқий хулқ-атвор.** Бундай хулқ-атворли шахслар хуқуқ кўрсатмаларига мос фаолият юритсаларда, бунда улар ушбу ҳаракатларни давлат мажбурловидан, ноҳуқуқий ҳатти-харакатлари учун тегишли тартибда жазоланишларидан қўрққанликлари учун амалга оширадилар.

**Хуқуқбузарлик** – бу хуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қўринишида содир этиладиган, хуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга заарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмишdir.

Бундай қилмиш қонун билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга заарар етказиши ёки заарар етказиш хавфини түғдириши мумкин.

### **Хуқуқбузарликнинг асосий белгилари:**

- жамият ва шахс учун ижтимоий хавфлилик;
- ҳуқуқка зид характерга эгалиги;
- айбли қилмиш;
- зарарли оқибат келтириб чиқаради;
- кишиларнинг эрки ва онгига боғлиқ бўлган ҳолда, улар томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклида амалга оширилади ва бошқалар.

### **Хуқуқбузарликнинг элементлари:**

- обьекти (хуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар);
- объектив томони (хуқуқнинг бузилиши ва унинг ижтимоий хавфлилиги);
- субъекти (хуқуқбузарликни содир этган шахслар);
- субъектив томони (хуқуқбузарлик оқибатидан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли қилмишга бўлган онгли-рухий муносабат).

Ўз навбатида хуқуқбузарлик **объектив томонининг қўйидаги элементлари мавжуд:**

- 1) хуқуқка қарши қилмиш;
- 2) зарарли оқибат;
- 3) хуқуқка карши қилмиш ва зарарли оқибат ўртасидаги сабабий боғлиқлик;
- 4) жойи, вакти, усули ва мухит.

Хуқуқбузарлик субъектив томонининг зарурый белгиси айбdir.

**Айб** – хуқуқбузарнинг хуқуқка хилоф ҳатти-ҳаракатига ва унинг ижтимоий хавфли оқибатига нисбатан қасд ёки эҳтиётсизлик қўринишидаги муносабати.

**Қасд** – шахснинг хуқуқка хилоф ҳатти-ҳаракатини содир қилаётганида, бу ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг хуқуқка хилофлигини, ижтимоий хавфлилигини, унинг оқибатини англаши ёки тушуниши (тўғри

қасд), ёки бу муносабатнинг маълум оқибатни келтириб чиқаришига онгли равишда йўл қўйиши (эгри қасд).

**Эҳтиётсизлик** – шахснинг ҳатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олишни назарда тутиб, бепарволик билан ўзига-ўзи ишониб ҳаракат (ҳаракатсизлик) қилиши.

Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра хукуқбузарликнинг жиноят(одам ўлдириш, ўғрилик, фирибгарлик ва х.). ва ножўя иш кўринишидаги турлари мавжуд.

Ножўя иш кўринишидаги хукуқбузарлик ўз навбатида фуқаролик-хукуқий (моддий зарар етказиш, мажбуриятни бажармаслик ва х.); маъмурий-хукуқий (майда безорилик, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ва х.к); интизомий-хукуқий (ишга келмаслик, кеч қолиш ва х.)ларга бўлинади.

**Савол:** Хукуқбузарлик келиб чиқишининг ижтимоий сабабларини мухокама қилинг.

**Хукуқбузарлик обьекти** – бу хукуқ билан тартибга солинадиган ва муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлардир. Жиноят хукуқи назариясида жиноятларнинг умумий, маҳсус ва бевосита обьектлари фарқланади.

**Хукуқбузарликнинг обьектив томони** – бу хукуқка зид ҳатти-ҳаракатнинг ташқи белгисидир. Айнан шундай белгига асосан хукуқбузарлик ҳақида, у қандай рўй бергани ва қанчалик заарар келтиргани ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин бўлади.

**Хукуқбузарликнинг обьектив томонини таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатdir:**

1) Ножўя ҳаракат – яъни инсон иродаси ва ақл-заковати назоратида бўлган ва ҳаракатда ёки ҳаракатсизликда ифодаланадиган хулқ-атвордир. Ҳаракат – кишининг фаол ҳатти-ҳаракати, ҳаракатсизлик – пассив хулқ-атвор ҳисобланади. Шахс ҳаракат қилишга мажбур бўла туриб, яъни ўз

хуқуқий мажбуриятларини бажариши керак бўлгани ҳолда харакатсизликка йўл қўйиши хукуқбузарликка киради.

2) Хатти-харакатнинг хукукка зидлиги, яъни юридик нормалар кўрсатмаларига зидлиги туфайли хукуқ томонидан тақиқланади. Ҳукукка зидлик, яъни хатти-харакатнинг қонун билан тақиқланиши уч хил усул:

биринчиси, тўғридан-тўғри тақиқлаш орқали (мехнат қонунларига биноан, заарли меҳнат шароитларидағи оғир ишларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади);

иккинчиси, нормада хукукка зид хатти-харакат аникланиб, уни содир этганлик учун жазо чораси белгиланганида билвосита тақиқ орқали (бу – ёзма ифодаланган ёки оддийгина номи келтирилган хатти-харакат қонун билан тақиқланган демақдир; чунончи Жиноят кодексининг маҳсус қисми барча нормалари бунга мисол бўла олади);

учинчиси, ҳуқуқий нормада ижобий, қонунда ифодаланган хатти-харакатни баён этиш орқали (бундай вазиятда хатти-харакатнинг бошқа, унга қарама-карши тури мақсадга мувофиқ бўлмайди ва шунинг учун тақиқланган хатти-харакат ҳисобланади; масалан, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи харидорга буюмни, харидор эса сотувчига пулни беришга мажбур бўлади, бироқ бу – хатти-харакатнинг бошқа турига кўра – пул ёки буюмнинг берилмаслиги тақиқланади деганидир) ифодаланади.

3) Қилмиш натижасида етказилган зарар – ҳукуқбузарлик натижасида юзага келадиган салбий ва шунинг учун номақбул оқибатдир. Ушбу салбий оқибатлар мулкий (мулқдан айрилиш, бой берилган фойда), номулкий (ҳақоратлаш, бўхтон), ижтимоий (ўз хукуқини амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўлиш), шахсий (хаётдан қўз юмиш, соғлиққа зарар етказиш) ва бошқа хусусиятга эга бўлиши мумкин.

4) Қилмиш билан етказилган зарар ўртасидаги сабабий боғланиш. Ҳукуқдаги сабабий боғланиш – ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик бўлиб, улардан бири – заруратни иккинчиси – оқибатни туғдиради.

**Хуқуқбузарлик субъекти** – бу хуқуқقا зид айбли қилмишни содир этган шахс, яъни хуқуқбузардир. Ҳар қандай шахс ҳам хуқуқбузарлик субъекти хисобланмайди, фақат ўз қилмишига жавоб берадиган, ақли расо шахсгина шундай субъект сифатида тан олинади.

**Хуқуқбузарликнинг субъектив томони.** Бу жиҳат айлов билан боғлиқ. Содир қилинган қилмишига нисбатан шахснинг руҳий муносабати сифатида айб турли шаклларга эга. У қасдан ва эҳтиётсизликдан содир бўлиши мумкин. Қасд ўз навбатида – тўғри ва эгри қасдга бўлинади.

**Юридик жавобгарлик** - бу хуқуқбузарга нисбатан хуқук нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини кўллашдир. Бу чоралар: шахсий (озодликдан маҳрум этиш); мулкий (жарима); ташкилий (муайян хуқуқдан маҳрум этиш; ишдан бўшатиш) характерга эга бўлиши мумкин.

**Юридик жавобгарлик хуқуқбузарликнинг турларига кўра қуидагиларга бўлинади:** жиноий-хуқуқий, фуқаролик-хуқуқий, маъмурий-хуқуқий, интизомий-хуқуқий.

Жиноий ва фуқаролик хуқуқий жавобгарликни белгилаш суд томонидан амалга оширилади.

**Юридик жавобгарлик куидаги белгилари билан характерланади:**

- юридик жавобгарлик давлат мажбурлов чоралари билан боғлиқ;
- юридик жавобгарлик хуқуқбузарлик билан боғлиқ;
- юридик жавобгарлик хуқуқбузар учун салбий оқибатларни келтириб чикаради (озодликдан, ота-оналиқдан маҳрум бўлиш ёки содир этилган қилмиши учун жарима тўлаш ва хоказо);
- нормаларнинг санкциясида ўрнатилган бўлади;

**Юридик жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар:** зарурий мудофаа; охирги зарурат; буйрукни ёки бошқача тарздаги расмий вазифани бажариш; муомалага лаёқатсизлик ва х.

Юридик жавобгарлик-хуқуқбузарга нисбатан хуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш бўлиб, бунда айбдор шахс муайян хуқуқлардан (шахсий, ташкилий ва хоказо) маҳрум этилади.

**Савол:** Қонунчилик ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда юридик жавобгарликнинг турларини таҳлил қилинг, ҳамда уларнинг хуқуқбузарликларни олдини олий ва хуқуқбузарни ахлоқан тузатишдаги самарасини мухокама қилинг.

#### **Назорат саволлари:**

1. Хуқуқий хулқ-атвор деганда нима тушунилади ва у қандай кўринишларда бўлади?
2. Хуқуқий хулқ-атворнинг қандай турлари (кўриниши) мавжуд?
3. Хуқуқбузарликнинг таркибий элементларини нималар ташкил этади?
4. Юридик жавобгарлик тушунчасини ёритиб беринг.

## **6. Мамлакатда қонунийликни таъминлашда ҳуқуқ устуворлиги ва ҳуқуқий тартибот масалалари**

**Режа:**

1. Ҳуқуқ устуворлиги тушунчаси, мазмуни, моҳияти.
2. Қонунийлик тушунчаси, принциплари ва унинг норматив ва ижтимоий асослари.
3. Қонунийлик кафолатлари ҳамда қонунийликни таъминлашда Конституциянинг аҳамияти.
- 4 Ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартиботи. Интизом.

**Таянч сўзлар:** қонунийлик – барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор ва юридик шахслар ҳамда фуқаролар томонидан амалдаги қонунларга аниқ ва оғиши майриоя қилиши.

Ҳуқуқий тартибот – бу ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ нормаларида белгиланган қоидаларга тўла ва аниқ риоя қилишилари натижасида ўрнатиладиган ижтимоий муносабатлар тизимиdir.

Қонунийликнинг кафолати – бу қонун ва қонун ости актлари амал қилишини таъминловчи, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳамда давлат, жамият манфаатларини тўсиқларсиз амалга оширувчи усуслари, шартшароитлариidir.

### **1. Ҳуқуқ устуворлиги тушунчаси, мазмуни, моҳияти.**

Ҳозирда ҳуқуқ устуворлиги тушунчасининг кўп қўлланиб келининаётнини гувоҳи бўлиш мумкин. Ҳуқуқ устуворлиги тушунчасининг инглизча таржимаси “The Rule of Law” бўлиб, у айниқса халқаро ташкилотлар, ривожланган хорижий мамлакатларда тез-тез ишлатиб турилади.

Ҳуқуқ устуворлиги ҳуқуқшунослар учун яратилган тушунча эмас. Хавфсизлик, ҳуқуқ, адолат ва бошқарувнинг кундалик масалалари ҳаммамизга таъсир қиласи. Бунда, айнан ҳуқуқ устуворлиги коррупциянинг камайиши, қашшоқлик ва касалликка қарши курашишга ва одамларни катта-кичик адолатсизликлардан ҳимоя қилишга хизмат қиласи. Бу адолат, имконият ва тинчликка асосланган ривожланишни истовчи жамиятлар, шунингдек ҳисобдор ҳукумат ва инсоннинг асосий ҳуқуқларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга эришиш учун замин яратади. Шундай экан, ҳар ким ҳуқуқ устуворлигига эришишдан манфаатдордир. Масалан, коррупция даражаси юқори бўлган, инсон ҳуқуқлари поймол этиладиган, мулкий ҳуқуқлар кафолатланмаган ҳамда низоларни ҳал этишининг самарали механизмлари аниқ белгиланмаган давлатга чет эл инвесторлари сармоя олиб киришни афзал кўрмайдилар. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқ устуворлигининг иқтисодий соҳага ҳам бевосита таъсири борлигидан дарак беради.

Шу боис, хуқук устуворлиги бугунги кунда дунё ҳамжамияти интилаётган глобал идеалдир.

2011 йилда БМТ даражасида “Хуқук устуворлиги кўрсаткичлари” эълон қилинди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2012 йилда олий даражадаги учрашуви натижаси сифатида “хуқук устуворлиги барча давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан бир хилда қўлланилиши тўғрисида” қарор (Декларация) қабул қилинди.

2006 йилда Дунё мамлакатларида хуқук устуворлигининг ҳолатини баҳолаш ва тегишли тартибда рейтингини шакллантириш бўйича маҳсус халқаро нодавлат ташкилоти ташкил этилган. Ушбу ташкилот Бутунжаҳон одил судлов дастури халқаро нотижорат ташкилоти (The World Justice Project – WJP)дир. Ушбу ташкилот дунёнинг 120 дан ортиқ давлатлари ўртасида хуқук устуворлиги соҳасидаги маълумотларни тадқиқ этади ва ўта долзарб ва холис маълумотларни акс эттиради.

2019 йилги рейтинг натижаларига кўра Ўзбекистон хуқук устуворлиги индекси бўйича 0.46 бал билан 126 давлат орасидан 94 ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йилда 0.47 бал билан 126 давлат орасидан 92 ўринни эгаллади<sup>7</sup>.

Мамлакатимизда Ўзбекистоннинг халқаро индексларда яхши кўрсаткичларга эришиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. 2019 йил 25 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ–4210-сон қарори қабул қилинди<sup>8</sup>. Қарорда Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга тўсқинлик қилаётган мавжуд ҳақиқий муаммоларнинг тизимли таҳлилини олиб бориш, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланди.

Хуқук устуворлиги тушунчасига қўплаб таърифлар берилган бўлсада, унинг ягона таърифи мавжуд эмас. Бунинг боиси шундаки, хуқук устуворлигиги нисбатан турли ёндашувларнинг мавжудлигидир.

Хуқук устуворлиги борасида илк ғоялар қадимги юнон ва ўрта аср мутафаккирларининг қарашлари билан боғлик. Қирол илоҳий хуқуқларга эга бўлгани боис у давлат қонунларидан устун деб хисобланар эди. Шотландиялик илоҳиётшунос Сэмюэль Резерфорд эса хуқук устуворлиги тушунчасидан қиролнинг илоҳий хуқуқига қарши олиб борган баҳс-мунозарада фойдаланган эди.

Хуқук устуворлиги тушунчасининг замонавий тарздаги илк талқини конституциявий хуқук соҳаси бўйича олим ва юрист инглиз **Альберт Вэнн Дайси** (1835-1922) хисобланади. У “Конституциявий қонунни ўрганишга кириш” (Introduction to the Study of the Law of the Constitution, 1885) номли асарда хуқук устуворлиги тушунчасини таҳлил этган. Хусусан, қуйидаги фикр билдиради. “Ҳеч ким қонундан устундан бўлолмайди. Ҳар қандай

<sup>7</sup> Қаранг. [https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-ROLI-2020-Online\\_0.pdf](https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-ROLI-2020-Online_0.pdf)

<sup>8</sup> Қаранг <https://www.lex.uz/docs/4215422>

шахс мартабаси ва ҳолатидан қатъий назар қироллик қонунларига бўйсуниши шарт ва суд олдида жавобгар бўлади.” Кейинчалик ушбу қараш бир қатор олимлар томонидан ривожлантирилган<sup>9</sup>. Натижада, ҳуқуқ устуворлигини тушунишга нисбатан икки хил ёндашув вужудга келган<sup>10</sup>.

**1. Ҳуқуқ устуворлигига формал ёндашув.** Америкалик юрист файласуф Лон Фуллер (1902-1978) “The Morality of Law” асарида (1964) қонунлар қуидаги муайян принципларга жавоб бериши кераклигини айтади.

**Умумийлик.** Мазкур принципга кўра қонун муайян шахсларга эмас, балки жамиятнинг барча аъзоларига қаратилиши керак.

**Оммавий эълон қилиниш.** Қонунлар оммага эълон қилиниши зарур. Шунингдек, фуқаролар исталган вақт уларни топа олиши керак.

**Проспективлик.** Қонунлар ўтмишдаги муайян хулқ-атворни таъқиқилашдан кўра фуқароларнинг келажакдаги хулқ-атвори қандай бўлиши кераклигини аниқлаштириб бериши керак.

**Тушунарлилик.** Қонунлар фуқароларга тушунарли бўлиши керак. Зеро, қонунларда қандай хулқ-атвор таъқиқланаётгани, қандай хулқ-атвор талаб қилинаётгани, қандай хулқ-атворга рухсат берилаётгани аниқ баён этилиш керак.

**Ўзаро зид келмаслик.** Қонунлар бир-бирига зид келмаслиги керак. Бир қонун бошқа қонун рухсат берган хулқ-атворни таъқиқламаслиги керак.

**Иложсиз хулқ-атворни талаб қилмаслик.** Қонунлар фуқаролардан уларнинг имконият доирасидан ташқарида бўлган, яъни бажарилиши иложсиз бўлган хулқ-атворни талаб этмаслиги керак.

**Барқарорлик.** Қонунлар тезда ўзгариши керак эмас. Яъни, қабул қилинган қонунлар барқарор бўлиши керак.

**Ўзаро мувофиқлик.** Қабул қилинган қонунлардан англашилаётган маъно ва уларнинг ижроси ўртасида мувофиқлик бўлиши зарур. Яъни, қонун ижрочилар томонидан унда назарда тутилганидан бошқача тазда ижро этилмаслиги керак.

Кейинчалик бир қатор олимлар юқоридаги принципларга мустақил суд ҳокимияти, демократизм, одил судовга бўлган ҳуқуқ, айбиззлик презумцияси каби бошқа бир қанча принципларни ҳам киритдилар.

**2. Ҳуқуқ устуворлигига мазмун жиҳатдан ёндашув.** Буюк Британиялик судья ва профессор Том Бингхэм (1933-2010) “Ҳуқуқ устуворлиги” номли асарида (2010) ҳуқуқ устуворлигига формал ёндашишдан кўра қонун ҳужжатларининг мазмунига эътибор бериш кераклигига урғу беради. Юқоридаги принциплар қонун чиқарувчилар учун

<sup>9</sup> Батафсил қаранг <https://plato.stanford.edu/entries/rule-of-law/#:~:text=The%20Rule%20of%20Law%20comprises,norms%20that%20govern%20a%20society>.

<sup>10</sup> Қаранг <http://oulawstudent.blogspot.com/2018/04/return-to-rule-of-law-part-3.html>

формал инструмент эканини айтиб, қабул қилинадиган қонун хужжатларида нормалар хуқуқни ташкил этиши учун улар, энг аввало, инсоннинг табиий хуқуқларининг ҳурмат қилинишини эътиборга олиши зарур. Зеро, тарихда АҚШ да қуллик хукм сурган, Германияда нацистлар, Жанубий Африкада апатрит хукумат, собиқ иттифоқда коммунистик партия бошқарувда бўлган даврларда гарчанд қонунлар деярли формал принципларга амал қилинган ҳолда қабул қилинса-да, уларнинг мазмунида инсон хуқуқлари ва эркинликларининг поймол этилишини кузатиш мумкин эди.

Шу боис, хуқуқ устуворлигига мазмун жиҳатдан ёндашув тарафдорлари формал ёндашув тарафдорлари томонидан илгари сурилган принципларни инкор қилмаган ҳолда унга қўшимча сифатида қабул қилинадиган қонун хужжатлари инсон хуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиши, уларни таҳқирламаслиги, лозимлигига ургу берадилар. Шундагина адолатли қонунлар қабул қилинишига эришилади.

Хуқуқ устуворлиги атамаси кўплаб халқаро хужжатларда учраса-да, аммо унга норматив таъриф берилмаган. Баъзилар хуқуқ устуворлигини илмий доктрина, яъни олимларнинг илмий қарашлари маҳсули дея қарайдилар. Албатта, бу тўғри фикр. Бироқ, хуқуқ устуворлигини принцип деб хисоблайдиганлар мавжуд. Зеро, хуқуқ устуворлиги тушунчasi олимлар томонидан илгари сурилиб, тадқиқ этилиб доктринага айланган ва кейинчалик мазкур тушунча халқаро ва миллий хужжатларда акс этиб, унга давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг принципларидан бирига айнланган, десак нотўғри бўлмайди.

Шундан келиб чиқиб, 2004 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби хуқуқ устуворлигига қуидагича таъриф берган эди.

**Хуқуқ устуворлиги** – бу шундай бошқарув тизимики, унга биноан оммавий эълон қилинадиган, бир хил даражада ижро қилинадиган, мустақил судлар томонидан ишни қўришда таяниладиган, инсон хуқуқлари соҳасида халқаро стандартлар ва нормалар талабларига мувофиқ келувчи қонунларга барча шахслар, давлат ва хусусий муассасалар ҳамда ташкилотлар, шу жумладан, давлатнинг ўзи ҳам риоя қиладилар. Бу, айни пайтда, қонуннинг устунлиги, қонун олдида ҳамманинг тенглиги, қонун олдида жавобгарлик, қонунларни қўллашда адолат, давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимоти, қарорлар қабул қилишда халқнинг иштироки, қонунларнинг тушунарлилиги, ҳокимият ваколатларини суистеъмол этишдан тийилиш, хуқуқий ва процессуал шаффофлик сингари принципларни таъминлашга қаратилган чораларнинг кўрилишини талаб этади.

*(Report of the Secretary-General: The rule of law and transitional justice in conflict and post-conflict societies (S/2004/616)<sup>11</sup>.*

<sup>11</sup> <https://www.un.org/ruleoflaw/what-is-the-rule-of-law-archived/>

Юқоридаги таърифда ҳуқуқ устуворлигига ҳам формал, ҳам мазмунан ёндашувнинг ҳисобга олинганини кузатиш мумкин. Шу боис, Бутунжаҳон одил судлов дастури халқаро нотижорат ташкилоти томонидан давлатларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлашга ҳуқуқ устуворлигига ҳам формал, ҳам мазмунан ёндашувдан келиб чиқадиган факторларни ҳисобга олади.

Ҳуқуқ устуворлигига берилган таърифдан кўриниб турибдики, ҳуқуқ устуворлиги бу қабул қилинган биронта қонуннинг устунлиги эмас, балки бу бир тизимдир. Бу тизим ўз навбатида қонун устуворлигини ҳам ўз ичига олади. Демак, ҳуқуқ устуворлиги қонун устуворлигини ҳам ўз ичига олади. Бироқ, ҳар қандай қонуннинг устунлигини таъминлаш ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш дегани эмас. Сабаби, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этувчи, адолатсиз қонунларнинг қабул қилиниши ва унинг устунлигини таъминлашга интилиш ҳуқуқ устуворлигини келтириб чиқармайди. Ҳуқуқ устуворлигига эришиш учун, энг аввало, адолат, эркинлик ва тенгликни таъминловчи қонунларни қабул қилиш керак бўлади. Зоро, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар ва нормалар ҳам айни шу нарсани талаб этади.

## **2. Қонунийлик тушунчаси, принциплари ва унинг норматив ва ижтимоий асослари.**

**Қонунийлик** – бу ҳуқуқ субъектлари томонидан қонунлар ва қонун ости актларига тўла ва аниқ амал қилинишидир. Қонунийлик – ҳуқуқ ва ҳокимият, ҳуқуқ ва давлатнинг узвий боғлиқлигига ўз ифодасини топадиган, ижтимоий-сиёсий ҳаётга ҳуқуқий тус берадиган кенг маънодаги сиёсий-ҳуқуқий ҳодиса.

**Қонунийлик** – ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ ва қонун ҳукмронлигидан, ижтимоий муносабатлар барча иштирокчилари томонидан ҳуқуқий нормалар қўрсатмаларини оғишмай амалга ошириш, мансабдор шахслар фаолиятидаги ҳуқуқбузарлик ва зўравонликка қарши изчил курашиш, жамиятда тартиб ва уюшқоқликни таъминлашдан иборат ижтимоий-сиёсий режимдир.

### **Қонунийликнинг асосий тамоиллари:**

1. Конституция ва қонунларнинг бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан устунлиги.
2. Ҳуқуқ субъектларининг қонун ва суд олдидаги тенглиги.
3. Ҳокимият органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятида зўравонликка йўл қўйилмаслиги.
4. Инсон (фуқаролар) ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатланганлиги.
5. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни мамлакатнинг бутун худудида бир хил қўлланилиши ва талқин этилиши.
6. Максадга мувофиқликнинг қонунийликка қарши қўйилмаслиги.
7. Қонунийликнинг маданият билан узвий боғлиқлиги.

### **3. Қонунийлик кафолатлари ҳамда қонунийликни таъминлашда Конституциянинг аҳамияти.**

Қонунийликнинг кафолати – бу қонун ва қонун ости актлари амал қилишини таъминловчи, фуқароларнинг хуқуқларини ҳамда давлат, жамият манфаатларини тўсикларсиз амалга оширувчи усуслари, шартшароитлариdir.

#### **Қонунийликни амалга ошириш кафолатининг турлари:**

1. иқтисодий (жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, мулкчиликнинг турли шакллари, иқтисодий эркинлик ва б);
2. сиёсий (конституцион тузумнинг демократлаштирилиш даражаси, жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий плюрализм (фикрлар хилма - хиллиги) кўппартиявийлик, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши ва б);
3. ташкилий (қонун ва қонун ости актларига амал қилинишини назорат қилувчи маҳсус органлар (суд, милиция, прокуратура ва б.)нинг фаолияти);
4. хуқуқий (қонунийликни амалга ошириш учун барча хуқуқий нормаларни бажариш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уни бузган кишиларга нисбатан тегишли жазо чораларини кўллаш);
5. жамоатчилик (жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ҳамда фуқароларнинг қонунийлик ва хуқуқ тартиботни мустаҳкамлашда иштирок этиши).

Хуқуқ устуворлигининг таркибий қисми бўлган қонуннинг устуворлиги принципи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 14-моддаси ҳамда III боби 15 ва 16-моддаларида мустаҳкамланган. Конституциянинг 14-моддасига кўра, давлат ўз фаолиятини қонунийлик принципи асосида амалга оширади. Конституциянинг 15-моддаси биринчи қисмига мувофиқ эса Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг усутунлиги сўзсиз тан олинади. 15-модданинг иккинчи қисми 14-моддадаги қонунийлик тушунчаси билан бевосита боғлиқдир. Унга кўра, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Бунинг маъноси шундаки, Президентдан тортиб энг қути бўғиндаги мансабдор барча шахслар Конституция ва қонунлар билан берилган ваколатларга эгалар. Уларнинг ушбу ваколати инсоннинг конституциявий хуқуқ ва эркинликлари бошланадиган нуқтада тугайди. Фуқаролар Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган хуқуқларидан ўз ихтиёрлари билан фойдаланадилар. Бироқ, улар Конституция ва қонунларда белгиланган мажбуриятларни

бажаришга мажбурдирлар. Шунингдек, фуқаролар Конституция ва қонунлар таъқиқлаган нарсалардан бошқа барча ишларни амалга оширишда эркиндиirlар.

#### **4. Ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартиботи. Интизом.**

Ҳуқуқни амалга ошириш ва ҳуқуқий норма талабарини бажариш қонунийликнинг асосий талабидир. Бу талабнинг амалга оширилиши, эркин ижтимоий муносабатларда шундай тартибини ўрнатишга олиб келиши керакки, бунда субъектив ҳуқуқ қаршиликсиз амалга оширилиши, юридик мажбуриятлар эса 490 оғишмай бажарилиши лозим. Қонунийлик асосида ўрнатилган бундай тартибот ҳуқуқий тартибот дейилади. Демак, ҳуқуқий тартибот қонунийлик талабарини амалга ошириш асосида вужудга келган ижтимоий муносабатларнинг муайян ҳолатидир. Қонунийлик билан ҳуқуқий тартибот бир-биридан фарқ қиласи: қонунийликнинг мазмуни ҳуқуқий нормаларга қатъий ва оғишмай риоя этишда ифодаланса, ҳуқуқий тартибот эса, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг халқатвори, уларнинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларига мувофиқ келишида ифодаланади. Давлат жамиятда ўрнатилган ҳуқуқий тартиботнинг бош кафолатидир. Шундай қилиб, ҳуқуқий тартибот ҳуқуқий муносабатлар доирасида, мазкур муносабатларнинг иштирокчилари ўз субъектив ҳуқуқларини амалга оширишлари ва юридик мажбуриятларини бажаришлари натижасида вужудга келади. Қонунийликни амалга ошириш ҳуқуқий тартиботни таъминлаш воситаларидан бири бўлса, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш эса, ўз навбатида қонунийликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ҳуқуқий тартибот - ҳуқуқий нормаларни қўллаш натижасида ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинганлигини ўзи-да ифодалайди. Ушбу тартибот қонуларнинг аниқ амалга оширилиши воситасида ўрнатилади. Бунда фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми сақланади ва уларнинг ҳуқуқий лаёқати қаршиликсиз амалга оширилиши мумкин бўлади. Қонуларсиз қонунийлик бўлмаганидек, ҳуқуқий муносабатларсиз ҳуқуқий тартибот ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга, ҳуқуқий тартибот билан ҳуқуқий муносабатларнинг йиғиндисини тенглаштириб бўлмайди. Маълум гурухдаги ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ билан тартибга солиниши ҳуқуқий муносабатлар йиғиндисини ташкил қиласи, яъни шу муносабат иштирокчилари учун қонунда аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар кўрсатилган бўлади. Аммо ҳуқуқий тартибот учун бу етарли эмас, шу боис субъектив ҳуқуқларнинг амалга оширилиши, юридик мажбуриятларнинг қатъий бажарилишини таъминловчи кафолатлар бўлиши зарур. Ҳуқуқий тартибот ҳуқуқ бўлган жойда, ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилиши таъминланган жойда мавжуддир. Жамоат тартиби - ҳуқуқий нормаларни амалга оширишни ва жамият турмуш қоидаларини (шу жумладан, аҳлоқ, одоб ва бошқа ҳуқуқий бўлмаган ижтимоий юриш-туриш қоидаларини) хурмат қилишни талаб этади. Жамоат тартибини бузиш факат ҳуқуқий нормаларни эмас, балки турмуш қоидаларини ҳурмат қилмаслик

тартибот эса, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг халқатвори, уларнинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларига мувофиқ келишида ифодаланади. Давлат жамиятда ўрнатилган ҳуқуқий тартиботнинг бош кафолатидир. Шундай қилиб, ҳуқуқий тартибот ҳуқуқий муносабатлар доирасида, мазкур муносабатларнинг иштирокчилари ўз субъектив ҳуқуқларини амалга оширишлари ва юридик мажбуриятларини бажаришлари натижасида вужудга келади. Қонунийликни амалга ошириш ҳуқуқий тартиботни таъминлаш воситаларидан бири бўлса, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ҳуқуқий тартибот - ҳуқуқий нормаларни қўллаш натижасида ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинганлигини ўзи-да ифодалайди. Ушбу тартибот қонуларнинг аниқ амалга оширилиши воситасида ўрнатилади. Бунда фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми сақланади ва уларнинг ҳуқуқий лаёқати қаршиликсиз амалга оширилиши мумкин бўлади. Қонуларсиз қонунийлик бўлмаганидек, ҳуқуқий муносабатларсиз ҳуқуқий тартибот ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга, ҳуқуқий тартибот билан ҳуқуқий муносабатларнинг йиғиндисини тенглаштириб бўлмайди. Маълум гурухдаги ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ билан тартибга солиниши ҳуқуқий муносабатлар йиғиндисини ташкил қиласи, яъни шу муносабат иштирокчилари учун қонунда аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар кўрсатилган бўлади. Аммо ҳуқуқий тартибот учун бу етарли эмас, шу боис субъектив ҳуқуқларнинг амалга оширилиши, юридик мажбуриятларнинг қатъий бажарилишини таъминловчи кафолатлар бўлиши зарур. Ҳуқуқий тартибот ҳуқуқ бўлган жойда, ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилиши таъминланган жойда мавжуддир. Жамоат тартиби - ҳуқуқий нормаларни амалга оширишни ва жамият турмуш қоидаларини (шу жумладан, аҳлоқ, одоб ва бошқа ҳуқуқий бўлмаган ижтимоий юриш-туриш қоидаларини) хурмат қилишни талаб этади. Жамоат тартибини бузиш факат ҳуқуқий нормаларни эмас, балки турмуш қоидаларини ҳурмат қилмаслик

натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Жамоат тартиби ҳуқуқий тартиботга нисбатан кенг маънони англатади. Жамиятда ҳуқуқий тартиботнинг ўрнатилиши ва амалга оширилиши муайян раҳбарий ғоялар, принциплар асосида амалга оширилади. Ҳуқуқий тартибот принциплари қонунийлик, ҳуқуқий тартиботнинг ягоналиги, иерархияга асосланганлик,adolatlılık, ҳуқуқий тартиботнинг кафолатланганлиги, нормативлиги

кабилардан иборат. Қонунийлик – давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мавжуд норматив-ҳуқуқий хужжатларга оғишмай

амал қилишини англатади. Ҳуқуқий тартиботнинг ягоналиги принципига қўра мамлакатнинг бутун худудида ягона ҳуқуқий муҳит, ҳуқуқий тартиб ўрнатилади, мазкур ҳуқуқий тартиботга тўғри келмайдиган бошқа тарздаги тартиб ўрнатиш қатъян ман этилади. Иерархияга асосланганлиги - ҳуқуқий тартиботни амалга оширишда ижтимоий муносабатлар иштирокчилари нормативҳуқуқий хужжатларнинг поғонама-поғона жойлашганлиги принципига риоя этишини англатади. Адолатлилик – ҳуқуқий тартиботнинг асосий принципи ҳисобланади. Жамиятда ўрнатилган ҳуқуқий тартибот адолат ғояси билан йўғрилган бўлиши лозим, шундагина жамият аъзолари бундай ҳуқуқий тартиботга ихтиёрий риоя қилишлари мумкин. Ҳуқуқий тартиботнинг жамият барча аъзолари учун мақбул

бўлиши талаб этилади. Ҳуқуқий тартиботнинг кафолатланганлиги – жамиятда ўрнатилган ҳар қандай ҳуқуқий тартиб давлатнинг ташкилотчилик фаолияти ва мажбурлов кучи билан таъминланади. Ҳуқуқий тартиботни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар етакчи ўринни эгаллайди. Суд, прокуратура ва ички ишлар органлари ўзларининг кундалик фаолиятида жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган вазифаларини амалга оширадилар ва шу йўл билан жамиятда ҳуқуқий тартибот ўрнатадилар. Ҳуқуқий тартиботнинг нормативлиги – жамиятда мавжуд ижтимоий муносабатларнинг амалга ошиши ҳаммага бирдек мажбурий бўлган ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солинади; ҳуқуқий муносабат субъектлари ва уларнинг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлари доираси ҳамда ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи юридик фактлар қонун билан белгиланади; ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳаракатлари аниқлаштирилади. Назоратга олинганлиги. Ҳуқуқий тартибот давлат ва жамият томонидан ўрнатилади ва назоратга олинади. Ҳуқуқий тартибот ўрнатилган жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилади, фуқаролар ўз мажбуриятларини ихтиёрий бажарадилар. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий хулқ-атворини амалга оширишга, қонун ва қонун ости ҳужжатларини сифатли тарзда яратишга ҳамда ҳуқуқни тўғри татбиқ этишга эришилади. Юқорида қайд этилган принципларга таянган ҳолда жамиятда ҳуқуқий тартибот ўрнатилади. Юридик адабиётларда ҳуқуқий тартиботни турларга ажратиш, яъни таснифлаш мавжуд ва у бир неча шаклларда намоён бўлади: биринчидан, худудий миқёсига қўра мамлакат,

вилоят ва туман миқёсида ўрнатилган хуқуқий тартибот; иккинчидан, хуқуқ соҳасига кўра: конституциявий, молиявий, маъмурий, жиноий-хуқуқий ва бошқа хуқуқ соҳалари доирасида ўрнатилган хуқуқий тартибот; учинчидан, хуқуқий таъсирига кўра умумхуқуқий, соҳавий ва алоҳида нормалар билан ўрнатиладиган хуқуқий тартибот. Ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солиш муайян тартибни жорий қилиш, кишиларнинг ўзаро муносабатларида мустаҳкам интизомни қўллаб-куватлашни назарда тутади. Жамиятда қонунийлик, жамоат ва хуқуқий тартиботнинг таъминланнишига кучли интизом орқали эришилади. Интизом – давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек корхона ва муассасаларда ўрнатилган, амал қилиниши лозим бўлган ички кун тартиби қоидаларидир. Хуқуқшуносликда интизомни таснифлашнинг кўп турлари бўлиб, уларни шартли равишда уч гурухга бўлиб ўрганиш мумкин. Булар давлат интизоми, ҳарбий интизом ва меҳнат интизоми каби турлардан иборат. Давлат интизоми – давлат томонидан ўрнатилган ва шу ҳудудда яшовчи барча фуқаролар учун мажбурий аҳамиятга эга. тартиб-қоидаларга риоя этишидир. Давлат интизоми муайян давлат ҳудудида ўрнатилади, мазкур давлат фуқаролари учун тааллуқли бўлади. Интизомни бузиш юридик оқибатларни келтириб чиқаради, ўрнатилган интизом давлат томонидан қўллаб-куватланади. Ҳарбий интизом деганда барча ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий низомлар, командирлар (бошликлар) нинг буйруқлари билан белгиланган тартиб ва қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этиши тушунилади. Ҳарбий интизомга ҳарбий бурч, шахсий масъулият ва мислсиз садоқат каби омиллар орқали эришилади. Юксак ҳарбий интизомга эришишнинг асосий йўналишлари

қўйидагиларда ифодаланади: – ҳарбий хизматчиларда юксак ахлоқий-рухий ва жанговар

фазилатларни тарбиялаш, командирларнинг буйруқларига онгли тарзда бўйсуниш;

– ҳар бир ҳарбий хизматчининг ўз мажбуриятлари ва ҳарбий низомлар талабларини бажариш масъулияти;

– ҳарбий қисмда ички тартибга бўйсуниш, барча ҳарбий хизматчилар томонидан кун тартибига қатъий риоя қилиш;

– жанговар тайёргарликни пухта ташкил этиш ва у барча

шахсий таркибни қамраб олиши. Ҳарбий интизом қўймондонларнинг ўз қўл остидагиларга кундалик талабчанлиги, хизматчиларнинг ижро интизомини назорат қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг шаънини ҳурмат қилиш ва бу ҳақда доимо ғамхўрлик, ишонтириш, мажбурлаш, жамоатчилик таъсирини оқилона уйғунлаштириш ва ўринли қўллаш каби омилларга таянган ҳолда амалга оширилади. Меҳнат интизоми деганда, меҳнат жамоаларининг, ҳар бир ходимнинг меҳнатга муносабати, хатти-ҳаракатларининг белгиланган тартиби тушунилади. Меҳнат интизоми корхона (муассаса, ташкилот) раҳбарияти томонидан ўрнатилади ва унга барча ходимларнинг риоя этиши мажбурийдир. Ўрнатилган интизомнинг бузилиши ходимларни танбех, хайфсан ҳамда меҳнат шартномасини бекор

қилиш каби интизомий жавобгарликка тортишга асос бўлади. Демак, интизом қонунийлик, хуқуқий тартибот ва жамоат тартибининг узвий, таркибий бўғини ҳисобланади. Жамият аъзоларининг алоҳида гурухлари фаолият кўрсатаётган ташкилот, корхона, ҳарбий қисмлар ва бошқаларда интизомнинг ўрнатилиши, бутун жамиятда қонунийлик, хуқуқий тартибот ва жамоат тартибининг ўрнатилишига кўмаклашади. Шундай қилиб, муайян давлат ва жамият тараққиёти инсон ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг таъминланиши, қонунийлик талабларининг қатъий равишда бажарилиши, жамиятда хуқуқий тартибот ва жамоат тартибининг қарор топиши билан чамбарчас боғлиқдир.

**Хуқуқий тартибот** – бу хуқуқ субъектларининг хуқуқ нормаларида белгиланган қоидаларга тўла ва аниқ риоя қилишлари натижасида ўрнатиладиган ижтимоий муносабатлар тизимиdir.

Хуқуқ, қонунийлик, хуқуқ-тартибот – давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим таркибий қисмларидир. Бироқ хуқуқ-тартибот – хуқуқ яратиладиган ва хуқуқий тартибга солишининг бутун механизми ишга солинадиган пировард мақсад эмас. Мазкур мақсад – хуқуқ ёрдамида у ёки бу ижтимоий муносабатларни ўзгартириш, мустаҳкамлаш ёхуд сиқиб чиқариш, яъни ё хукмрон синфга ёки бутун халқقا мақбул тартибни ўрнатишдан иборат. Хуқуқий тартибга солишининг асосий мақсади барқарор ижтимоий муносабатлар ва тартибни таъминлашдан иборат бўлиши лозим.

**Хуқуқий тартиботнинг хусусиятларига қўйидагилар киради:**

- у хуқуқ нормаларида кўзда тутилган бўлади;
- муайян хуқуқ нормаларини ҳаётга тадбиқ этиш натижасида юзага келади;
- давлат томонидан таъминланади;
- кишиларнинг ҳаётини енгиллаштириб, уларнинг янада эркин бўлишлари ҳамда ижтимоий муносабатларни ташкилий жиҳатдан юзага келиши ва амалда бўлиши учун шарт-шароит яратади;
- қонунийликнинг натижаси сифатида юзага чиқади.

**Назорат саволлари:**

1. Хуқуқ устуворлиги нима? Хуқуқ устуворлиги тушунчасига қандай ёндашувлар бор?
2. Қонунийлик принциплари ҳамда унинг мазмун моҳияти?
3. Қонунийлик кафолатлари айнан қандай кафолатларда намоён бўлади?
4. Қонунийликни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси конституциясининг аҳамиятини ёритинг.
5. Хуқуқий тартибот нима? Хуқуқий тартиботнинг хусусиятларини келтиринг.

## **7. Давлат ва хуқуқнинг ривожланиш истиқболлари**

**Режа:**

1. Фуқаролик жамияти тушунчаси, белгилари, таркибий элементлари;
2. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий асослари;
3. Хуқуқий давлат назарияси;
4. Хуқуқий давлатнинг асосий белгилари ва принциплари;
5. Хуқуқ устунлиги концепцияси.

**• Фуқаролик жамияти қандай жамият ва у нималарга асосланади?**

**Фуқаролик жамияти** – ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, хуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳукуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чукур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик хуқуқий жамиятдир.

Фуқаролик жамиятининг қўйидаги асосий белгилари ва хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Жамият ва шахс эҳтиёjlари тизимида фаол ижобий фаолият ва меҳнатнинг роли алоҳида мазмунга эга бўлиши. Меҳнатга асосланган ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар тизимининг қарор топиши.

2. Жамият мазмуни, унинг ривожланиш қонуниятлари моҳиятининг хусусий мулкчилик муносабатлари орқали белгиланиши.

3. Хусусий мулк барча мулк шакллари қатори равнақ топиши ва уни муҳофазалашда қонуннинг, давлат ҳокимиятининг алоҳида ўрин тутиши.

4. Фуқароларнинг юридик жиҳатдан бир хил мақомга эгалиги ва қонун олдида тенглиги. Жамиятда адолатли суд тизимининг қарор топиши ва унинг фуқароларни ҳимояловчи посбон идорага айланиши.

5. Шахснинг хусусий ҳаёти ва иқтисодий фаолиятига давлат аралашувининг қонун доирасида чекланиши. Хуқуқий давлатчиликнинг мавжуд бўлиши.

6. Шахснинг давлат ҳокимиятига нисбатан мулкий ва иқтисодий мустақиллиги.

7. Давлат, давлат идоралари ва фуқаролар хуқуқнинг тенг субъекти сифатида муносабатга кириша олиши, уларнинг судда тенг тарафлар сифатида майдонга чиқа олиши. Фуқаролар хукуқларини кафолатлаш ва устувор таъминлаш механизмларининг яратилганлиги.

8. Фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг мавжудлиги.

9. Жамиятнинг юксак маънавий-маданий ва ахлоқий ривожланганлиги; инсонлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро хурмат, иймон-инсоф доирасида, шахс қадрини эъзозлаш асосига қурилганлиги ва бошқалар.

Фуқаролик жамияти институтларини куйидаги мезонлар бўйича таснифлаш мумкин:

**1. Иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатлантирувчи тузилмалар:** хусусий мулк асосида вужудга келадиган ва фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлари; ижара асосида ишловчи жамоалар; ҳиссадорлик жамиятлари; молиявий жамғарма ҳамда уюшмалар; ишлаб чиқариш корпорация, концернлари ва бирлашмалари; тадбиркорлар уюшмалари (палатаси) ва бошқалар.

**2. Ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар:** оила ҳамда унинг манфаатларини акс эттирувчи маҳсус ташкилотлар; таълим-тарбия муассасалари (мактаб, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасалари); жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари; мустақил ОАВ; диний ташкилотлар; миллий-маданий марказлар; ихтиёрий кўнгилли жамиятлар; жамоатчилик фикрини аниқлаш ва ўрганиш институтлари; турли ижтимоий ихтилофларни адолатли ҳал этувчи тузилмалар ва бошқалар.

**3. Сиёсий соҳадаги манфаатларни акс эттирувчи институтлар ва тузилмалар:** сиёсий партиялар; ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар; сиёсий мухолифатнинг мавжудлиги; инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи институтлар ва бошқалар.

**Ўз навбатида фуқаролик жамияти институтларининг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти қўйидагиларда намоён бўлади:**

- аҳолини турли ижтимоий гурухлари манфаатларини ифода этади;
- фуқаролар онгига демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй берадиган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда муҳим омил саналади;
- улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришнинг асосий воситаси ҳисобланади;
- миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва миллий дунёқарашини юксалтиришда, миллий ғоя ва миллий истиқбол мағкурасини жорий этишда уларнинг имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади;
- бутун жамият аҳамиятига молик масалаларни ҳаётга тадбиқ этишда улар давлатнинг тенг ҳуқуқли ижтимоий ҳамкори ҳисобланади;
- нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғуларигини қарор топтиради ва мустаҳкамлайди.

Фуқаролик жамияти ниҳоятда мураккаб ҳамда серқирра ижтимоий ҳодисадир. Шу боис уни иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий асослар бўйича таърифлаш мумкин.

**Иқтисодий асос.** Фуқаролик жамияти хусусий мулкчиликка кенг йўл берувчи ва унга асосланувчи бозор иқтисодиёти муносабатларига, эркин иқтисодий фаолият таъминланган шарт-шароитга таянади. Айнан хусусий мулкчилик муҳити ва муносабатлари қарор топган жамиятда шахснинг мулкий мустақиллиги, иқтисодий фаолият юритишдаги эркинлиги таъминланади. Худди шу аснода шахс давлат ҳокимиятига нисбатан автоном, мустақил мавқени эгаллайди. Давлат хусусий ҳаёт соҳасига, шахс ва ташкилотларнинг қонуний иқтисодий фаолиятига аралашмаслиги лозим.

Фуқаролик жамияти концепциясини яратишга катта ҳисса қўшган немис файласуфи Гегель, ушбу жамиятни буржуача ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи сифатида тушунган. У бунда икки асосий принципни ажратиб кўрсатган:

**биринчидан, шахслар ўз хусусий манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қиласидилар;**

иккинчидан, инсонлар шундай ижтимоий муносабатлар тизимини вужудга келтирадиларки, бунда ҳар ким бошқа шахсга боғлиқ бўлади.

Хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий тузилма бўлмиш фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти муносабатлари тизимидан иборатdir. Бундай муносабатларга ишлаб чиқаришдаги рақобат ва унда ҳокимиятнинг маъмурий аралашувини чеклаш орқали эришилади. Фуқаролик жамияти инсоннинг ижодий фаоллигини намоён этишга йўл очувчи муносабатлар шаклланган тақдирда зоҳир бўлади. Тарихдан маълумки, хусусий мулк нафақат жамиятни турли қатламларга ажратган, балки ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган ташаббусни рағбатлантирган, ҳокимиятга нисбатан мустақил (автоном) тузилмаларни вужудга келтирган.

Ўзбекистонда ҳам хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодий муносабатлар тизими қарор топмоқда, тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очилиб, тегишли ташкилий ва ҳуқуқий механизmlар вужудга келтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқаролик жамиятининг қарор топишини хусусий мулкнинг қатый мавқега эга бўлиши билан боғлайди. Шу асосда ҳозирги пайтда жамиятда кенг кўламда хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда.

**Сиёсий асос.** Сиёсий нуқтаи назардан баҳолаганда, фуқаролик жамиятидаги сиёсий тизим ва сиёсий бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ҳуқуқий давлатчилик ифода этади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятининг сиёсий моҳиятини, сиёсий шаклини ташкил этади. Бу икки ҳодисанинг ўзаро муносабати шакл билан мазмуннинг ўзаро алоқадорлигини акс эттиради. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, фуқаролик жамияти тўла маънода мавжуд бўлишининг шак-шубҳасиз шарти ҳуқуқий давлатнинг мавжудлигидир. Ва, аксинча, ҳуқуқий давлат фақат фуқаролик жамиятидек ижтимоий маконда қарор топиши ва фаолият юритиши мумкин.

Фуқаролик жамияти билан ҳуқуқий давлатнинг ўзаро нисбатини

иқтисод билан сиёсатнинг нисбати тарзида изоҳлаш ўринли бўлади. Буни Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Зеро, иқтисодий ислоҳотлар тегишли демократик сиёсий тузилмалар, институтлар мавжуд бўлишини тақозо этади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида мулк шаклини ўзгартириш, хусусийлаштириш жараёнларини амалга оширишга қаратилган давлат тузилмалари вужудга келтирилди. Ҳукумат иқтисодиётни бошқаришнинг бозор усулларига ўтмоқда. Вазирлар Маҳкамаси аппарати бевосита соҳавий маъмурий бошқарувдан қайтиб, бошқарувнинг функционал тизимиға ўтди. Бунинг маъноси шуки, ҳукумат хўжалик юритувчилар фаолиятига бевосита аралашмайди, иқтисодиётни давлат йўли билан бошқармайди. У иқтисодиётни бозор йўлига ўтказишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқади, иқтисодий жараёнлар ва иқтисодий комплекслар фаолиятини уйғуллаштириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, хўжалик юритиши шаклларини такомиллаштириш, таркибий ва институционал қайта ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш, тадбиркорлик ва рақобатчиликни ривожлантириш билан шуғулланади.

Фуқаролик жамиятининг сиёсий тавсифланиши факат давлат тузилмаларини ривожлантиришдан иборат эмас. Демократия равнақ топиши учун фуқаролик жамиятида ҳурфикарлилик, сиёсий плюрализм ҳам қарор топиши зарур. Бунинг учун жамиятда том маънодаги кўпартиявийлик, жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг кенг кўламли тизими, тадбиркорларнинг иттифоқлари, уюшмалари, меҳнаткашлар мустақил бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими вужудга келтирилиши лозим, токи бу тузилмалар давлат идоралари билан тенг ҳукуқли муносабатларга кириша олсин.

Фуқаролар ва уларнинг уюшмалари давлат идоралари билан мулоқотда ҳукуқнинг тенг субъектлари сифатида муносабатга киришадилар. Башарти, бу тенг ҳукуқий муносабатларда томонлардан бирининг ҳукуқига, манфаатига путур етказилса, у судга мурожаат этиши ва қонуний асосларда суд тартибида ўз ҳукуқини тиклашга эришиши мумкин. Ҳукуқий давлат нафақат фуқаролик жамиятини бошқарувчи тизим, балки ўзини ўзи бошқарувчи фуқаролик жамиятига боғлиқ, унинг манфаат ва эҳтиёжларига бўйсунувчи тизим сифатида майдонга чиқади.

**Маънавий-ахлоқий асос.** Фуқаролик жамияти чукур маънавий, юксак маданий инсоний муносабатлар замирига таянади. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида бир нарса устуворлик қиласи, яъни инсон бенихоя даражада улуғланади, умуминсоний қадриятлар эъзозланади, улар мўътабар ва муқаддас саналади. Бунда инсоннинг қадр-киммати, меҳр-оқибат, ахлоқий поклик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби олий қадриятлар одамлар ўртасидага муносабатларнинг белгиловчи мезони сифатида майдонга чиқади.

Фуқаролик жамиятида эркинлик, қонун олдида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолатнинг таъминланиши ҳамма фуқароларнинг ижодий салоҳияти ва истеъдодининг бевосита рўёбга чиқарилишига имконият

яратилади.

- **Хуқуқий давлат қандай белгиларга эга бўлади:**

“Хуқуқий давлат” ибораси илк бор XIX асрнинг дастлабки ўттиз йилида немис олимлари К.Велькер ва И.Х.Фрайхер фон Аретин асарларида учрайди. Бироқ ушбу тушунча (*Rechtstaat*)нинг биринчи юридик таҳрири ва унинг илмий амалиётга киритилиши уларнинг ватандоши Роберт фон Моль томонидан 1832 йили амалга оширилган. У хуқуқий давлат ҳақидаги таълимотга узлуксиз ривожланиб борувчи категория сифатида қараган. Айтиш мумкинки, хуқуқий давлат ҳақидаги ғоя шу даврлардан бошланиб, юз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида немис олимлари ва сиёsatдонларининг ақл-заковатларини банд этиб келди. Иеринг, Еллинек, Дюги, Орну, Паунд, Спенсер ва бошқалар тимсолида Фарбий Европа илфор сиёсий-хуқуқий тафаккури ўз даври ва ўтмиш тажрибаси нуқтаи назаридан хуқуқий давлат назариясини шакллантирганлар.

**Р.Иеринг** (1818-1892 йиллар) хуқуқий давлат фақатгина давлат ҳокимиятининг ўзи белгилаган тартибда ўзи бўйсунадиган жойда, узилкесил хуқуқий барқарорликка эга бўлган ерда мавжуд бўлади, деб ҳисоблади. Фақат хукуқ хукмронлигидагина миллий фаровонлик, савдо ва хунармандчилик гуллаб-яшнайди, халққа хос бўлган “ақлий ва ахлоқий кучлар” авж олади. Еллинек (1851-1911 йиллар) концепциясида давлат ўз халқи умумий манфаатларининг вакили сифатида, хукмронлик қилувчи, жамиятни юксак даражада ривожлантириш йўлида биргаликдаги индивидуал, миллий ва умуминсоний манфаатларни қондирувчи юридик шахс ҳисобланган халқ иттифоқи сифатида таърифланади.

**Хуқуқий давлат** - бу давлат хуқуқий асосда ташкил топадиган ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида хукуқ устуворлик қиласидиган давлат.

**Хуқуқий давлатнинг белгилари ва тамоиллари:**

- қонуннинг устуворлиги тамоили;
- давлат ва давлат органларининг хукуқ билан алоқадорлиги;
- демократик хукуқ ва эркинликлар билан боғлиқ барча институтларнинг мавжудлиги;
- инсон (фуқаролар) хукуқ ва эркинликларининг давлат томонидан эълон қилинганлиги, ҳимоя қилиниши ва кафолатланиши;
- ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги;
- давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланганлиги;
- давлат ва шахснинг ўзаро маъсуллиги.

**Назорат саволлари:**

1. Фуқаролик жамияти тушунчаси ҳақида гапиринг.
2. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий асосларини айтинг.
3. Хуқуқий давлатнинг асосий белгилари ва принципларини сананг.
4. Хукуқ устунлиги концепцияси ҳақида гапиринг.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машғулот. Давлат ва хуқуқнинг келиб чиқишини масофавий таълим технологиялари асосида ўқитиш**

1. Жамият қандай ҳодиса ва унинг ривожланишига қайси омиллар таъсир этади?
2. Европада давлатларнинг вужудга келишида асосий омил бўлиб нималар хизмат қилган?
3. Тегишли адабиётларда давлатларнинг келиб чиқиши турли хил назариялар доирасида тадқиқ этилишининг сабабини нималарда кўриш мумкин?
4. Давлатнинг келиб чиқишида Ғарб ва Шарқ моделларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?
5. Масофавий ўқитиш деганда нимани тушунасиз?

### **2-амалий машғулот. Давлат функциялари тўғрисидаги билимларни шакллантиришдаги ёндашувлар**

1. Давлат функциялари деганда нимани тушунасиз?
2. Давлат функцияларининг хусусиятларини сананг?
3. Давлат функциясининг давлат мақсади ва вазифалари билан ўзаро нисбатини айтинг.
4. Давлат мақсадининг хусусиятларини айтинг?
5. Давлатнинг вазифалари сананг?

**З-амалий машғулот. Ижтимоий муносабатлар ва хуқуқий масалалар моҳиятини очиб беришда казуслардан фойдаланиш**

**1-топширик**

1. Ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий нормаларнинг ўзаро алоқадорлиги нималарда кўринади?
2. Ижтимоий нормаларнинг турларини сананг?
3. Хуқуқ деганда нима тушунилади?
4. Хуқуқнинг асосий белгилари нималардан иборат?

**2-топширик**

- 1.Хуқуқ тамойилларини тушунтиринг?
- 2.Хуқуқ тамойиллари таъсир этиш доирасига кўра қандай тамойилларга бўлинади?

#### **4-амалий машғулот: Замонавий норма ва хуқуқ ижодкорлиги - норматив-хуқуқий хужжатлар таҳлили**

##### **1-топшириқ**

1. Хуқуқ нормаси қандай қоида?
2. Хуқуқ нормасининг белгилари қайсилар?
3. Хуқуқ нормасининг характерли жиҳатларидан бирини айтинг?

##### **2-топшириқ**

1. Хуқуқ нормалари қандай хусусиятларга эга?
2. Хуқуқ нормасининг тузилиши деганда...? Хуқуқ нормасининг тузилиши нечта?

#### **5-амалий машғулот. Хуқуқий хулқ-атвор, хуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик тушунчаларини шакллантириш**

1. Хуқуқий хулқ-атвор деганда нима тушунилади ва у қандай кўринишларда бўлади?
2. Хуқуқий хулқ-атворнинг нечта (кўриниши) мавжуд?
3. Хуқуқбузарлик деб нимага айтилади?
4. Хуқуқбузарликнинг асосий белгилари қайсилар?
5. Хуқуқбузарлик объектив томонининг қандай элементлари мавжуд?

## **6-амалий машғулот. Мамлакатда қонунийликни таъминлашда ҳуқуқ устуворлиги ва ҳуқуқий тартибот масалалари**

1. Қонунийлик нима ва унинг асосини нималар ташкил этади?
2. Қонунийликнинг асосий тамойиллари қайсилар?
3. Қонунийликни амалга ошириш кафолатининг турлари қайсилар?
4. Ҳуқуқий тартиботнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Ҳуқуқий тартиботнинг хусусиятларига қайсилар киради?

## **7-амалий машғулот: Давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш истиқболлари**

### **1-топшириқ**

1. Ҳуқуқий давлат – бу ...?
2. Ҳуқуқий давлатнинг белгилари ва тамойилларини сананг?
3. Ҳуқуқий давлат қандай белгиларга эга бўлади?

### **2-топшириқ**

1. Сиёсий соҳадаги манфаатларни акс эттирувчи институтлар ва тузилмалар қайсилар?
2. Иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатлантирувчи тузилма?
3. Ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар?

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Амалий йўналтирилган, кўникма ва малакаларни мустаҳкамловчи услублар ўз хусусиятларига кўра инновацион ҳисобланади. Уларга: ташкилий-фаолиятли ўйинлар (ТФЎ), ишchan ва ролли ўйинлар, персоналларнинг мулокоти, ижодий ишлар, психотехника, ролли тренинг, “Case-study” ва бошқалар киради. “Case-study” – турли вазиятларнинг тавсифидан, яъни кейслардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда аниқ кўникмаларни шакллантириш техникасидир

*Кейс* — бирор ташкилотдаги қандайдир аниқ реал вазиятнинг ёзма тавсифидир. Ундан фойдаланиш мобайнида ўқувчилардан вазиятни таҳлил қилиш, муаммонинг моҳиятини кўриб чиқиш, мумкин бўлган вариантларни таклиф этиш ва улардан энг мақбулини танлаш сўралади.

Ихтиёрий *кейс* ўқитувчига, уни таълим жараёнининг ихтиёрий босқичларида, жумладан, ўқитиш ва унинг натижаларини назорат қилиш мобайнида фойдаланиш имкониятини беради.

### 1-масала

Давлат ва ҳукуқнинг вужудга келиши, жамият ривожи кўп жиҳатдан инсонларнинг турмуш тарзи, дунёқарashi ва эҳтиёжлари тизимининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатган табиий шарт-шароитларга боғлик.

*Жамият ривожланишига таъсир этадиган омилларни атрофлича муҳокама этинг.*

### 2-масала

Жамият кишиларнинг тарихан ташкил топган ҳамкорлик фаолиятларининг маҳсули, мажмуаси сифатида тушунилади. Инсонлар фаолияти ва улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жамиятнинг асосий мазмунини ташкил этади. Жамиятдаги ҳамма нарса (моддий ва маънавий бойликлар, инсонларнинг яшashi учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш в.б.) муайян фаолият жараёнида амалга ошади. Бундай фаолият сирасига мулкий, ишлаб чиқариш, оиласи, сиёсий, хукукий, ахлокий,

диний ва уларга мос келувчи муносабатлар киради. Айнан ижтимоий муносабатлар шахсни ижтимоий гурухлар, жамият билан боғлади.

*Жамиятда юз берадиган қандай ижтимоий муносабатлар давлатнинг пайдо бўлишида муҳим аҳамият касб этганлигини муҳокама қилинг.*

### **3-масала**

Европада давлатларнинг вужудга келишида асосий омил бўлиб хусусий мулкнинг шаклланиши муносабати билан жамиятда мулкий тенгсизликнинг ва шу асосда табақаланишнинг юзага келишига хизмат қилган. Осиёда эса суформа дәҳқончиликнинг ривожланиши натижасида йирик ирригацион тармоқларни ташкил этиш юзасидан оммавий ишларни йўлга қўйишнинг зарурати асос бўлган. Шу билан бирга, турли халқларда давлатнинг юзага келишида юқоридаги омиллар билан бир қаторда бошқа омиллар ҳам муҳим ўрин тутган.

*Давлатнинг юзага келишига таъсир қилган омилларни муҳокама қилинг.*

### **4-масала**

Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳукуқий демократик давлат қуриш шароитида Ўзбекистон Республикаси функцияларининг ўзгариши ва янгиланиши борасида қандай ўзгаришлар қилиш мумкинлигини муҳокама қилинг.

### **5-масала**

Жамият ва давлатнинг алоқаларини аниқлаш, давлатнинг жамият сиёсий тизимидағи ўрни вамавқеини кўрсатиб берадиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсийомилларни белгилаб олиш мумкин. Сиёсий тизим инсонлар фаолиятининг алоҳида соҳаси – сиёсат, сиёсий муносабатлар ва алоқалар соҳаси билан боғлиқ. У муайян сиёсий ироданинг маҳсулисифатида вужудга келади ва бу ироданинг амалга оширилишигасафарбар этилган воситаларнинг институциявий (ташкилий-тузилмавий) расмийлашган шакли тарзида намоён бўлади.

*Турли жамиятлардаги сиёсий ҳаёт шаклларининг ривожига кўра демократик сиёсий тизимлар, авторитар сиёсий тизимлар ва тоталитар сиёсий тизимларнинг ўзига хос томонларини мисоллар ёрдамида муҳокама қилинг.*

## **6-масала**

Хуқуқ тармоқлари - ижтимоий муносабатларнинг катта бир яхлит соҳасини тартибга солувчи хуқуқий нормалар мажмуидан иборат хуқуқ тизимнинг йирик таркибий қисмидир. Ҳозирги пайтда, Ўзбекистонда мавжуд энг асосий хуқуқ тармоқлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, предмети ва тартибга солиш усули хусусиятлари, ҳар бир тармоқнинг яхлит хуқуқ тизимида эгаллаган ўзига хос ва мос ўрнига, уларнинг ўзаро фарқларини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

*Ҳозирда Ўзбекистонда мавжуд ҳуқуқ тармоқларини мисоллар ёрдамида муҳокама қилинг*

## **7-масала**

Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи кишилар бир-бирлари билан нафақат ишлаб чиқариш муносабатларига балки ҳуқуқий муносабатларга ҳам киришадилар. Хусусан, мулкчилик соҳасидаги бундай муносабатлар мулкка эгалик қилиш ва эгалик қилмаслик ҳуқуқига тааллуклидир. Шу маънода мулкчилик муносабатлари ҳуқуқий муносабатларга айланади. Мулкдор билан ишчи орасидаги, яъни бирида мулкнинг мавжудлиги ва бошқасида мавжуд бўлмаслиги билан бевосита ифодаланган муносабатлар юридик муносабатлар ҳисобланади.

*Ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиш асосларини мисоллар ёрдамида таҳлил қилинг.*

## **8-масала**

Ҳуқуқий муносабатда иштирок этаётган субъектларнинг диққат-эътибори, манфаати, хатти-ҳаракати қаратилган реал неъмат, аниқ нарса, жараён, ҳаракатлар ҳуқуқий муносабатнинг объекти деб аталади. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат унинг замирида ётган хаётий ҳодисаларни, нарса ва жараёнларни тартибга солиш вазифасини ўтайди. Шу боис, объектсиз, яъни ҳеч нарсага қаратилмаган, ҳеч нарсага таъсир кўрсатмайдиган ҳуқуқий муносабатлар бўлмайди.

*Ҳуқуқий муносабатларнинг мажбурият ва ҳуқуқнинг пайдо бўлишида ҳуқуқий муносабат объектининг ўрнини муҳокама қилинг.*

## **9-масала**

Ҳуқуқ ижодкорлиги ўз моҳиятига кўра давлат иродасини қонунга, умуммажбурий аҳамиятга молик юридик кўрсатмаларга нисбатан намоён қилишни назарда тутади. Ҳуқуқ ижодкорлиги ривожланишининг ҳозирги босқичида, энг аввало, референдум йўли билан бевосита мамлакат аҳолиси томонидан ҳуқуқий хужжатларни қабул қилиш ёхуд давлат ва бошқа бошқарув органлари томонидан ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олувчи

хужжатларни нашр этиш яққол намоён бўлмоқда. Баъзи мамлакатларда хукуқ ижодкорлигининг шаклларидан бири суд прецеденти ҳисобланади.

*Хукуқ ижодкорлигининг референдум ва суд прецеденти шаклларини муҳокама қилинг ва фарқли томонларини мисоллар ёрдамида ёритиб беринг*

## **10-масала**

Бошқа норматив-хукуқий хужжатлар сингари қонунлар ҳам хукуқ ижодкорлиги маҳсули ҳисобланади. Бироқ уларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши қонуннинг хукуқий ҳаётдаги тутган ўрни ва аҳамиятига боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларга эга. Қонун норма ижодкорлигининг муҳим таркибий қисми бўлган қонун ижодкорлиги жараёнида яратилади.

*Хукуқ ижодкорлиги жараёнида қонун яратилишининг ўзига хос томонларини муҳокама қилинг.*

## **11-масала**

Юридик фактлар хукуқ нормаларида назарда тутилади, мустаҳкамланади. Масалан, никоҳни ФҲДЁ (ЗАГС) идораларида рўйхатдан ўтказиш факти – юридик фактдир, чунки бу ҳолат Фуқаролик кодекси ва Оила кодексида мустаҳкамланган. Айни вақтда, масжидда ҳам никоҳ ўқиши фактлари (урф-одати) мавжуд. Бироқ, бу факт қонунда назарда тутилмаган. Шу боис у юридик факт бўлаолмайди.

*Юридик факт ҳар доим ҳукуқ нормаларида назарда тутилиши инобатга олинса иш муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналар қай ҳолатларда юридик факт сифатида эътироф этилишини муҳокама қилинг.*

## **12-масала**

Юридик фактлар хилма-хилдир, улар моҳиятан бир неча турларга бўлинади. Юридик фактлар улар келтириб чиқарадиган хукуқий оқибатларга қараб: хукукни яратувчи, хукукни ўзгартирувчи ва хукукни бекор қилувчи фактларга бўлинади. Лекин айни бир юридик ҳодиса бир вақтнинг ўзида ҳам хукуқ яратувчи, ҳам хукукни ўзгартирувчи, ҳам хукукни бекор қилувчи факт бўлиши мумкин.

*Юридик фактларнинг турларини муҳокама қилинг ва ҳам ҳукуқ яратувчи, ҳам ҳукукни ўзгартирувчи, ҳам ҳукукни бекор қилувчи фактга мисоллар келтиринг.*

## **13-масала**

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбизлигини исботлаб бериши шарт эмаслигини билган ҳолда, яъни у бунга мажбур эмаслигини сезиб, суд ва хукукни муҳофаза этувчи органларнинг

саволларига нотўғри жавоб бериб, айбизз хисобланишларини ва жавобгарлиқдан озод этилишларини талаб қилишди.

Айбиззлик презумпциясининг асосларини мұхокама қилинг ва бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида қандай ислоҳотлар белгиланганлигини мұхокама қилинг.

## 14-масала

Сиёсий режим давлат ҳокимиятининг аҳоли билан ўзаро муносабатлари қандай усуслар ёрдамида амалга оширилади, ижтимоий қатламларнинг сиёсий соҳадаги ҳақиқий нисбати қандай намоён бўлади, турли жамоат ташкилотларининг сиёсий мақоми қандай, давлат органлари ўз ҳудудларида яшовчи аҳолини бошқариш бўйича амалда қандай рол ўйнайдилар, деган саволларга жавоб беради.

*Сиёсий режимнинг турлари ва ўзига хос хусусиятларини атрофлича изоҳлаб беринг.*

## 15-масала

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини кўлга киритгандан сўнг демократик ҳукукий давлат асосларини барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Бунда ҳокимиятлар бўлинини алоҳида аҳамият касб этиб, давлат функцияларини самарали амалга оширилишини таъминлаб беради, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мавжуд бўлиши шарт.

*Ўзбекистон ҳокимиятлар бўлинини принципининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиши, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва қонун учтуворлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ҳукуқий ислоҳотларни мисоллар ёрдамида ёритиб беринг.*

## 16-масала

Маълумки, тегишли қонунчиликда норматив-ҳукукий хужжатларнинг турлари ва уларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган субъектлар қатъий белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, норматив-ҳукукий хужжатлардаги ҳукуқ нормалари тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан муайян ишга нисбатан қарор чиқариш (кўллаш) жараёнида ҳаётга татбиқ этилади. Мазкур жараёнда ҳукуқ нормасининг мазмунида кўрсатилган қоидалар реал ҳаётий вазиятларга ёки ижтимоий муносабатларга тўла мос келмаслиги ҳам мумкин.

*Ҳукуқни қўлловчи субъектларнинг ҳукуқни қўллаш ҳужжатида акс этган (казуал) шарҳи ва ҳукуқ ижодкорлиги субъекти яратган ҳукуқ нормаси мазмуни ўртасида тафовут юзага келса қай бири устувор ҳукуқий*

*аҳамиятга эгалигини атрофлича муҳокама этинг. Ҳуқуқий асосларини кўрсатиб беринг.*

## **17-масала**

Роман-герман ҳуқуқ тизимида, аслида ҳуқуқ манбалари тизимининг бирлиги қонунда ифодаланган олий давлат иродасининг бирлигини, давлат тузилмасининг бирлигини англатади. Аксинча, ушбу тизимнинг шаклан бузилиши эса давлат ҳокимиятининг заифлигини, қонунийликнинг давлат сиёсатининг бир қисми сифатидаги бузилишини акс эттиради.

*Ҳуқуқ манбаси сифатида қонуннинг ички ва ташқи омиллар таъсирида қабул қилиншишининг оқибатларини муҳокама қилинг.*

## **18-масала**

Ҳозирги замон таълимоти урф-одатни ноҳуқукий ва ҳуқуқий турларга ажратади. Олимларнинг аксарияти, ноҳуқукий урф-одат шундай урф-одатки, ё ҳуқуқ ҳали тарихан таркиб топмаган жойда (урғ қабиласи урф-одати), ёхуд давлатга уюшган ёки унга ўтаётган жамиятда амал қиларкан, ноҳуқукий соҳани (масалан, одоб-ахлоқ соҳасини) тартибга солади. Давлат санкциясини олган ва шунинг оқибатида ҳуқуқ манбаи сифатида эътироф этилган урф-одат ҳуқуқий урф-одат деб тушунилади.

*Ҳуқуқ манбаси сифатида урф-одатнинг ўзига хос томонларини бошқа ҳуқуқ манбаларига таққослаган ҳолда муҳокама қилинг.*

## **19-масала**

Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқий тизими жамиятнинг жўшқин ривожланаётган ижтимоий тизимларидан биридир. Ҳуқуқий тизимнинг тараққий этганлик даражаси, мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий вазият билан бевосита боғлиқ бўлиб, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятида намоён бўлади. Нафақат ҳуқуқшунослар, балки барча фуқароларнинг ҳуқуқий тизим тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлишлари фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадларига эришиш учун ниҳоятда муҳимдир.

*Ўзбекистонда шакллантирилаётган фуқаролик жамияти шароитида миллий ҳуқуқий тизимнинг ўзига хос томонларини муҳокама қилинг.*

## **20-масала**

Ҳуқуқни татбиқ этиш замон билан ҳамнафас кечадиган мураккаб жараёндир. Унда нафақат субъектив ҳуқуқ ва мажбурият эгалари, балки хилма-хил органлар – ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқ ижрочилиги, ҳуқуқни қўллаш органлари тимсолида давлат ҳам иштирок этишини кўрсатиб ўтишади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқни ҳаётга жорий қилиш

жараёни сифатида тушуниладиган ҳуқуқни татбиқ этиш, биринчидан, ҳуқуқни амалга оширишнинг юридик механизмларидан ҳамда, иккинчидан, амалдаги ҳаётий муносабатлар юридик шаклга кирган бевосита ҳуқуқни амалга ошириш шаклларидан ташкил топади.

*Ҳуқуқни амалга оширишда давлат ва унинг тимсолида давлат органининг шитирокини муҳокама қилинг ва мисолларда кўрсатиб ўтинг.*

## VI. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Жамият</b>	бу тарихий тараққиётнинг муайян босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар маҳсулӣ.	it is the product of social relations that emerged at a certain stage of historical development.
<b>“Европача” йўл</b>	Европада давлатларнинг вужудга келишида асосий омил бўлган хусусий мулкнинг шаклланиши жамиятда мулкий тенгизликтининг ва шу асосда турли хил табақаларнинг юзага келишига сабаб бўлиши.	The formation of private property, which is a key factor in the emergence of states in Europe, leads to the emergence of property inequality in society and, on this basis, different classes.
<b>Теологик назария</b>	диний таълимотлар давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши тўғрисидаги илк таълимотлардир. Давлатчилик ва ҳуқуқ шаклланиши билан уни диний, илоҳий тарзда тушуниш юзага келган.	religious doctrines are the first doctrines about the origin of the state and law. With the formation of statehood and law, a religious, divine understanding of it emerged.
<b>Патриархал назария</b>	давлат оиланинг ривожланиши асосида вужудга келганлигини ифодалаовчи назария.	a theory that states that the state is based on the development of the family.
	давлат ҳокимияти кишиларнинг ўзаро бирлашиб ихтиёрий шартлашганликларининг ифодасидир. Бунда давлат ва жамият ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизими	state power is an expression of the voluntary conditionality of people to unite. This creates a system of mutual rights and obligations between the state and society, which,

<b>Ижтимоий шартнома назарияси</b>	вужудга келиб, ўз навбатида, уларда шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгарлик туғилади.	in turn, gives rise to liability for non-fulfillment of contractual obligations.
<b>Материалистик назария</b>	Давлат, энг аввало, иқтисодий муносабатларининг ривожланиши, бир-бирига қарама қарши синфларнинг юзага келиши натижасида вужудга келганлигини ифодаловчи назария	The theory that the state is formed primarily as a result of the development of economic relations, the emergence of opposing classes
<b>Зўравонлик назарияси</b>	давлат ва ҳуқуқни келиб чиқишининг бош сабаби – босқинчилик, зўравонлик ва бир қабилани иккинчи қабила томонидан зулмга дучор этиш деган ғоя ётади. Бунда давлат босиб олинган ҳудудлар (халқлар)ни бошқариш учун зўрлов аппарати вазифасини ўтайди.	the main reason for the origin of the state and law lies in the idea of aggression, violence, and the oppression of one tribe by another tribe. At the same time, the state acts as a coercive apparatus to control the occupied territories (peoples).
<b>Психологик (рухий) назария</b>	кишиларнинг рухияти жамиятнинг, шу жумладан ахлоқ, ҳуқуқ, давлатнинг ривожланишини белгилаб берувчи асосий омилдир.	the psyche of the people is a key factor in determining the development of society, including morality, law, the state.
<b>Давлат</b>	давлатнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган давлат фоалиятининг	main (main) directions of the state activity directed on realization of the purposes and tasks of the

<b>функциялари</b>	асосий (бош) йўналишлари	state
<b>Мақсад</b>	бу муайян давлатнинг тараққиётидаги кейинги босқичда эришмоқчи бўлган ҳолати (масалан: фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳукуқий демократик давлат барпо этиш)	it is a state that a particular state seeks to achieve at a later stage in its development (e.g., the formation of a civil society, the establishment of a democratic state governed by the rule of law)
<b>Вазифа</b>	бу ушбу мақсадга эришиш учун ҳал этилиши лозим бўлган масалалар	these are issues that need to be addressed to achieve this goal
<b>Функция</b>	бу вазифалар ечимига йўналтирилган фаолият йўналишидир	it is a line of activity focused on solving tasks
<b>Ижтимоий муносабатлар</b>	ижтимоий субъектлар ўртасидаги хаётий неъматларни тақсимлаш, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш юзасидан келиб чиқадиган алоқалардир. Ижтимоий муносабатларнинг қўйидаги турлари мавжуд: миллий, этник, гурухий, шахсий ва бошқалар.	the distribution of vital goods between social subjects, the relations arising from the satisfaction of material and spiritual needs. There are the following types of social relationships: national, ethnic, group, personal, and so on.

<b>Норматив тартибга солиш</b>	<p>умумий хусусиятга эга бўлиб, бунда нормалар (қоидалар) жамиятнинг барча аъзоларига ёхуд унинг муайян қисмига тегишли бўлади. Шу ўринда норматив тартибга солишининг юзага келиши – ижтимоий тартибга солишининг энг муҳим бурилиш нуқталаридан бири бўлиб, унинг тарақкиётида йирик сифат ўзгаришларини, туб бурилишларини бошлаб берганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.</p>	<p>has a general character, in which the norms (rules) apply to all members of society or to a particular part of it. It should be noted that the emergence of normative regulation is one of the most important turning points of social regulation, which has led to major qualitative changes, radical changes in its development.</p>
<b>Индивидуал тартибга солиш</b>	<p>эса аниқ субъектга тааллуқли хисобланади, яъни тегишли тарзда ҳаракат қилиш учун берилган индивидуал буйруқдан иборат бўлади. Тартибга солишининг ҳар икки тури бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар ўзаро бир-бирига таъсир қиласи, бир-бирининг мавжудлигини тақозо этади</p>	<p>while it belongs to a specific subject, i.e. it consists of an individual order given to act accordingly. Both types of regulation are closely related to each other, they interact with each other and require each other's existence</p>
	бу жамиятда кишилар хулқ-атворини, муайян	it is a set of social norms that regulate human

<b>Ижтимоий нормалар тизими</b>	гурух ва жамоалар доирасидаги муносабатларни тартибга солувчи ижтимоий нормалар ҳамда уларнинг табиат билан ўзаро алоқаларини қатъий белгиловчи ижтимоий-техник нормалар мажмуудир	behavior in society, relations within a particular group and community, and socio-technical norms that strictly define their interaction with nature
<b>Ижтимоий нормалар</b>	бу кишилар ҳамда уларнинг жамоалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи умумий хулқ-атвор қоидаларидир	these are general rules of behavior that govern the relationship between individuals and their communities
<b>Хуқуқ тушунчаси</b>	(юридик маънода) – бу давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган, ўзида эркинлик, тенглик ва адолат тамойилларини ифодалайдиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, бажарилиши умуммажбурий бўлган юриш-туриш қоидалари йифиндиси	(in the legal sense) - a set of rules of conduct, established or approved by the state, which embodies the principles of freedom, equality and justice, aimed at regulating social relations, the implementation of which is universal
	унинг мазмуни ва мақсади тушунилади. Хуқуқнинг мазмуни ва моҳияти унинг асосий ва барқарор хусусиятларини намоён	its content and purpose are understood. The content and essence of law reflect its basic and sustainable features. At the same time, in

<b>Хуқуқнинг моҳияти</b>	этади. Шу билан бирга, хуқуқнинг моҳиятини белгилашда қўйидаги иккита жиҳат, яъни, ҳар қандай хуқуқ энг аввало, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита вазифасини бажариши ҳамда мазкур восита кимнинг манфаатларига хизмат қилиши алоҳида аҳамият касб этади	determining the essence of the law, the following two aspects are of particular importance, namely, that any right, first of all, serves as a means of regulating social relations and whose interests this instrument serves
<b>Хуқуқ тамойиллари</b>	бу хуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатидаги моҳиятини ифодаловчи бошланғич норматив асослар, энг асосий қарашлар, ғоялар ва қоидалардир	These are the basic normative bases, the most basic views, ideas and rules, expressing the essence of the right as a means of regulating social relations
<b>Умумхуқуқий тамойиллар</b>	адолатлилик, фуқароларнинг қонун олдида хуқуқий жиҳатдан тенглиги, инсонпарварлик, қонунийлик, демократизм, хуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги ва бошқалар	justice, legal equality of citizens before the law, humanity, legitimacy, democracy, unity of rights and obligations, etc.
<b>Соҳалараро тамойиллар</b>	жавобгарликнинг муқаррарлиги, ошкоралик, фуқаролик-процессуал ва жиноий-процессуал хуқуқдаги тортишувлилик тамойили ва бошқалар	the principle of inevitability of liability, transparency, adversarial law in civil procedure and criminal procedure, etc .

<b>Соҳавий тамойиллар</b>	масалан, мулкий муносабатларда томонларнинг тенглиги (фуқаролик хуқуқи); жиноят жараёни хуқуқида айбизизлик презумцияси ва бошқалар	for example, equality of arms in property relations (civil law); presumption of innocence in criminal law, etc
<b>Хуқуқнинг функциялари</b>	бу жамиятда ижтимоий муносабатларга ва кишиларнинг юриш-туришларига хуқуқий таъсир қилишнинг асосий йўналишларидир	these are the main areas of legal influence on social relations and people's behavior in society
<b>Ижтимоий муносабатлар</b>	ижтимоий субъектлар ўртасидаги хаётий неъматларни тақсимлаш, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш юзасидан келиб чиқадиган алоқалардир. Ижтимоий муносабатларнинг қўйидаги турлари мавжуд: миллий, этник, гурухий, шахсий ва бошқалар.	the distribution of vital goods between social subjects, the relations arising from the satisfaction of material and spiritual needs. There are the following types of social relationships: national, ethnic, group, personal, and so on.
	умумий хусусиятга эга бўлиб, бунда нормалар (қоидалар) жамиятнинг барча аъзоларига ёхуд унинг муайян қисмига тегишли бўлади. Шу ўринда норматив тартибга солишнинг юзага келиши – ижтимоий тартибга	has a general character, in which the norms (rules) apply to all members of society or to a particular part of it. It should be noted that the emergence of normative regulation is one of the most important turning points of social

<b>Норматив тартибга солиш</b>	солишининг энг муҳим бурилиш нуқталаридан бири бўлиб, унинг тараккиётида йирик сифат ўзгаришларини, туб бурилишларини бошлаб берганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.	regulation, which has led to major qualitative changes, radical changes in its development.
<b>Индивидуал тартибга солиш</b>	эса аниқ субъектга тааллуқли хисобланади, яъни тегишли тарзда ҳаракат қилиш учун берилган индивидуал буйруқдан иборат бўлади. Тартибга солишининг ҳар икки тури бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар ўзаро бир-бирига таъсир қиласи, бир-бирининг мавжудлигини тақозо этади	while it belongs to a specific subject, i.e. it consists of an individual order given to act accordingly. Both types of regulation are closely related to each other, they interact with each other and require each other's existence
<b>Ижтимоий нормалар тизими</b>	бу жамиятда кишилар хулқ-атворини, муайян гуруҳ ва жамоалар доирасидаги муносабатларни тартибга солувчи ижтимоий нормалар ҳамда уларнинг табиат билан ўзаро алоқаларини қатъий белгиловчи ижтимоий-техник нормалар	it is a set of social norms that regulate human behavior in society, relations within a particular group and community, and socio-technical norms that strictly define their interaction with nature

	мажмуидир	
<b>Ижтимоий нормалар</b>	бу кишилар ҳамда уларнинг жамоалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи умумий хулқ-автор қоидаларидир	these are general rules of behavior that govern the relationship between individuals and their communities
<b>Хукуқ тушунчаси</b>	(юридик маънода) – бу давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган, ўзида эркинлик, тенглик ва адолат тамойилларини ифодалайдиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, бажарилиши умуммажбурий бўлган юриш-туриш қоидалари йиғиндиси	(in the legal sense) - a set of rules of conduct, established or approved by the state, which embodies the principles of freedom, equality and justice, aimed at regulating social relations, the implementation of which is universal
<b>Хукуқнинг моҳияти</b>	унинг мазмuni ва мақсади тушунилади. Хукуқнинг мазмuni ва моҳияти унинг асосий ва барқарор хусусиятларини намоён этади. Шу билан бирга, хукуқнинг моҳиятини белгилашда қуйидаги иккита жиҳат, яъни, хар қандай хукуқ энг аввало, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита вазифасини бажариши	its content and purpose are understood. The content and essence of law reflect its basic and sustainable features. At the same time, in determining the essence of the law, the following two aspects are of particular importance, namely, that any right, first of all, serves as a means of regulating social relations and whose interests this

	ҳамда мазкур восита кимнинг манфаатларига хизмат қилиши алоҳида аҳамият касб этади	instrument serves
<b>Хуқуқ тамойиллари</b>	бу ҳуқуқнинг ижтиомий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатидаги моҳиятини ифодаловчи бошланғич норматив асослар, энг асосий қарашлар, ғоялар ва қоидалардир	These are the basic normative bases, the most basic views, ideas and rules, expressing the essence of the right as a means of regulating social relations
<b>Умумхуқуқий тамойиллар</b>	адолатлилик, фуқароларнинг қонун олдида хуқуқий жиҳатдан тенглиги, инсонпарварлик, қонунийлик, демократизм, хуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги ва бошқалар	justice, legal equality of citizens before the law, humanity, legitimacy, democracy, unity of rights and obligations, etc.
<b>Соҳалараро тамойиллар</b>	жавобгарликнинг муқаррарлиги, ошкоралик, фуқаролик-процессуал ва жиноий-процессуал хуқуқдаги тортишувлилик тамойили ва бошқалар	the principle of inevitability of liability, transparency, adversarial law in civil procedure and criminal procedure, etc .
<b>Соҳавий тамойиллар</b>	масалан, мулкий муносабатларда томонларнинг тенглиги (фуқаролик хукуқи); жиноят жараёни хукуқида айбисизлик презумцияси ва бошқалар	for example, equality of arms in property relations (civil law); presumption of innocence in criminal law, etc

<b>Хуқуқнинг функциялари</b>	бу жамиятда ижтимоий муносабатларга ва кишиларнинг юриш туришларига хуқуқий таъсир қилишининг асосий йўналишларидир	these are the main areas of legal influence on social relations and people's behavior in society
<b>Хуқуқ ижодкорлиги</b>	бу энг аввало ваколатли давлат органларининг норматив-хуқуқий актларини яратиш, уларга ўзгартириш киритиш ёки уларни бекор қилишга қаратилган фаолиятидир.	it is primarily the activity of the competent state bodies aimed at creating, amending or repealing normative legal acts.
<b>Норматив-хуқуқий хужжат</b>	давлат ваколатли органларининг белгиланган тартибда қабул қилган хуқуқий хужжати бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, умум мажбурий характердаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи расмий хужжатдир.	is a legal document adopted by the competent authorities of the state in the prescribed manner, an official document aimed at regulating social relations, establishing, amending and repealing the rules of a general mandatory nature.
	давлат томонидан ўрнатиладиган, маъқулланадиган, муҳофазаланадиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатларни	a universally binding rule of conduct (behavior) established by the state, approved, protected, expressed in a certain form, aimed at regulating social relations.

<b>Хуқуқ нормаси</b>	тартибга солишга қаратилган умуммажбурий юриш- туриш (хулқ-атвор) қоидаси.	
<b>Гипотеза</b>	хуқуқ нормасининг бир қисми бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган қоиданинг кучга кириши учун зарур бўлган муайян аниқ ҳаётий ҳолатлар (вокеа, ҳаракат, ҳолатлар) ўзининг ифодасини топади.	is part of the rule of law, in which certain specific life circumstances (event, action, circumstances) necessary for the entry into force of the rule specified in the disposition find their expression.
<b>Қонун ижодкорлиги фаолияти</b>	ваколатли давлат органининг қонунларни ишлаб чиқиши ва қабул қилишга қаратилган, аниқ мақсадга йўналтирилган иродавий фаолиятидир	is a purposeful voluntary activity of the competent state body aimed at the development and adoption of laws
<b>Қонуности хужжатлари</b>	давлат ҳокимияти органларининг қонунга нисбатан пастроқ юридик кучга эга бўлган хуқуқий актлардир.	are legal acts of public authorities that have a lower legal force than the law.
<b>Шахснинг хуқукий хулқ-атвори</b>	бу шахс томонидан юри- дик нормалар кўрсатмаларига мос келадиган хатти- ҳаракатларнинг амалга оширилишидир. Яна бу – қонунга итоат этувчи хатти-ҳаракат ҳамдир	it is the performance of actions by a person in accordance with the provisions of legal norms. It is also a law- abiding act

<b>Хуқуқий хулқ-атвор</b>	бу хуқуқ нормаларига мос келадиган, юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган, ижтимоий фойдали аҳамиятга эга бўлган, хуқуқ субъектларининг онгли равишдаги хулқидир	it is the conscious behavior of the subjects of law, which conforms to the norms of law, has legal consequences, has socially useful significance
<b>Фаол хуқуқий хулқ-атвор.</b>	Бу фукароларнинг, мансабдор шахсларнинг қўшимча вакт, куч-ғайрат, баъзан эса моддий маблағлар сарфлаш билан боғлик бўлган бир мақсадга йўналтирилган, ташаббусга асосланган қонуний фаолиятидир	It is a goal-oriented, initiative-based legal activity of citizens, officials, which is associated with additional time, effort, and sometimes material resources
<b>Одатий хуқуқий хулқ-атвор</b>	Фаол хатти-ҳаракатдан фарқли ўлароқ, у қўшимча маблағлар, куч-ғайратлар сарф қилиш билан боғлик бўлмайди. Бу инсоннинг хуқуқий нормаларга мос келадиган кундалик майший турмуши ва бошқа ҳаётидир	Unlike active behavior, it is not associated with spending extra money, effort. It is a person's daily life and other life that conforms to legal norms
	Бундай хулқ-атворли шахслар хуқуқ кўрсатмаларига мос фаолият юритсаларда, бунда улар ушбу ҳаракатларни давлат мажбурловидан, нохуқуқий хатти-ҳаракатлари учун	When such persons act in accordance with the law, they do so out of fear that the state will coerce them and punish them for their illegal actions

<b>Пассив (маргинал) хуқуқий хулқ-атвор</b>	тегишли тартибда жазоланишларидан күркәнликлари учун амалга оширадилар	
<b>Хуқуқбузарлик</b>	бу хуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик күринишида содир этиладиган, хуқуқ нормалари талабларига зид келувчи хамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирүвчи ижтимоий хавфли қилмишdir	it is a socially dangerous act committed by an entity with the right and legal capacity in the form of action or inaction, contrary to the requirements of the law and causing harm to the individual, property, the state and society as a whole
<b>Айб</b>	хукуқбузарниң хукукка хилоф ҳатти-ҳаракатига ва унинг ижтимоий хавфли оқибатига нисбатан қасд ёки эхтиётсизлик күринишидаги муносабати	the attitude of the offender in the form of revenge or negligence in relation to the unlawful behavior and its socially dangerous consequences
<b>Қасд</b>	шахснинг хуқуқка хилоф ҳатти-ҳаракатини содир қилаётганида, бу ҳаракат (харакатсизлик)нинг хуқуқка хилофлигини, ижтимоий хавфлилигини, унинг оқибатини англаши ёки тушуниши (түғри қасд), ёки бу муносабатнинг маълум оқибатни келтириб чиқаришига онгли равишда йўл	when a person commits an unlawful act, he or she understands or understands the illegality, social danger, and consequences of that act (omission) (right intent), or consciously allows that relationship to have a certain consequence (indirect intent)

	кўйиши (эгри қасд)	
<b>Эҳтиётсизлик</b>	шахснинг ҳатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олишни назарда тутиб, бепарволик билан ўзига-ўзи ишониб ҳаракат (ҳаракатсизлик) қилиши	to act (inaction) with negligence and self-confidence, with the aim of preventing the consequences that may arise as a result of the person's actions
<b>Юридик жавобгарлик</b>	бу ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини кўллашдир	it is the application of coercive measures by the state on the basis of sanctions provided for in the law
<b>Қонунийлик</b>	ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ ва қонун ҳукмронлигидан, ижтимоий муносабатлар барча иштирокчилари томонидан ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириш, мансабдор шахслар фаолиятидаги ҳуқуқбузарлик ва зўравонликка карши изчил курашиш, жамиятда тартиб ва уюшқоқликни таъминлашдан иборат ижтимоий-сиёсий режимдир	a socio-political regime consisting of the rule of law and order in public life, the strict implementation of legal norms by all participants in social relations, the consistent fight against delinquency and violence in the activities of officials, ensuring order and cohesion in society
<b>Қонунийликнинг</b>	бу қонун ва қонун ости	these are the methods

<b>кафолати</b>	актлари амал қилишини таъминловчи, фуқароларнинг хуқуқларини ҳамда давлат, жамият манфаатларини тўсиқларсиз амалга оширувчи усууллари, шарт-шароитларидир	and conditions that ensure the observance of laws and by-laws, the unimpeded exercise of the rights of citizens and the interests of the state and society
<b>Хуқуқий тартибот</b>	бу хуқуқ субъектларининг хуқуқ нормаларида белгиланган қоидаларга тўла ва аниқ риоя қилишлари натижасида ўрнатиладиган ижтимоий муносабатлар тизимиdir	it is a system of social relations established as a result of full and clear observance by legal entities of the rules established by legal norms
<b>Умумийлик</b>	мазкур принципга кўра қонун муайян шахсларга эмас, балки жамиятнинг барча аъзоларига қаратилиши керак	according to this principle, the law should be addressed to all members of society, not to specific individuals

## **VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Раҳбарий адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.:“Ўзбекистон”, 2017.Б-48

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. - 76 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда

3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда

4. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда

5. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чоратадбирлар тўғрисида”ги 14.02.2017 йилдаги Ф-4849-сон фармойиши // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 7-сон, 88-модда

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. ва бошқ. Давлат ва хукуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т.: Sharq, 2009. – 592 б.
2. Исламов З.М. Теория государства и права (Часть 1. Теория государства). Учебник. – Т.: ТГЮИ, 2013. – 325 с.
3. Ҳайитбоев Ф.П., Нажимов М.К. Ҳозирги замон асосий хукукий тизимлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 229 б.
4. Ахмедшаева М.А. Давлат ва хукуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари. – Т.: ТДЮУ, 2019. – 235 б.

### **IV. Хорижий адабиётлар**

1. Нисневич Ю.А. Государство XXI века: тенденции и проблемы развития. – М. : КНОРУС, 2012. - 288 с.
2. Hart H.L.A. The Concept of Law. 3rd edition. – Oxford: Oxford university press, 2012. –333 p.
3. Brian Y.Bix. Washington University, St. Louis, B.A. Harvard University, J.D. Balliol College, Oxford University, D.Phil. Natural Law: Modern Tradition Natural Law: Online publication date: Sep. 2012 Online publication date: Sep. 2012. Edited by Jules L.Coleman, KennehtEinarHimma, and Scott J.Shapiro.

4. Марченко М.Н.Тенденции развития права в современном мире. Москва: Проспект, 2015.-376 с.

5. Радъко Т.Н., Лазарев В.В., Морозова Л.А. Теория государства и права. – М.: Проспект, 2018. – 568 с.

6. Ахмедшаева М.А. Давлат ва ҳуқук ривожининг ҳозирги замон тенденциялари. – Тошкент: ТДЮУ, 2019. –235 б.

7. Марченко М.Н.Проблемы общей теории государства и права (Право):в 2 т.-2-изд.-Москва:Проспект, 2019.Т.2:-648 с.

8. Scott Veitch, Emilios Christodoulidis, Lindsay Farmer. Jurisprudence. Themes and Concepts. Second ed. – London: Routledge publication, 2012.– 305p.

#### **V. Электрон таълим ресурслари**

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.senat.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.my.gov.uz>
5. <http://www.parliament.gov.uz>
6. <http://www.ziyonet.uz>

## VIII. ТАҚРИЗЛАР

С.Муратаев ва Ф.Махмудовлар томонидан тайёрланган Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни ҳалкаро стандартлар бўйича професионал ўқитиш маркази Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун тайёрланган “Давлат ва хукук назарияси” модули Ўқув - услубий мажмуасига

### ТАҚРИЗ

Маълумки, бугунги кунда юридик таълимни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, 2020 йил 29 апрелда Ўзбекистон Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон килинган бўлиб, ушбу Фармон хукукшунослик касби, хукукшунос олимлар олдига, юридик кадрлар тайёрлаш тизими олдига яна аниқ йўл хартитасини белгилаб берганди.

Биринчидан, мазкур Фармон нафакат юридик таълим, балки юридик фанни ҳам ривожлантиришнинг янги ва концептуал масалаларини ишлаб чикиш, юридик соҳада илмий салоҳиятни янги босқичга олиб чиқишига туртки бўлса, иккинчидан, келгусида юридик соҳа ривожини тубдан такомиллаштириш ва бу борада қўшимча чора-тадбирлар белгилашнинг хукукий асоси бўлиб хизмат қиласи. Бу эса, янги ислоҳотлар даврида юридик соҳа ривожида муҳим вазифаларни кўйган эди. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Илм, маърифат ва ракамли иктисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида “Юридик фан ва таълимни такомиллаштириш, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш” бандининг реал ижросига багишлиланган бўлиб, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”даги белгиланган вазифалар билан уйғундир.

Тошкент давлат юридик университети “юриспруденция” мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий олий таълим ва илмий-методик муассаса сифатида янги замонавий ўқув адабиётлар яратишга катта аҳамият берилаётгани таҳсинга сазовордир. Жумладан, Тошкент давлат юридик университетининг профессор-ўқитувчилари С.Муратаев ва Ф.Махмудовлар томонидан тайёрланган янги дастур асосидаги “Давлат ва хукук назарияси” ўқув-услубий мажмуаси дикқатга сазовордир. Мазкур қўлланма ўзаро кетма-кетликда ва изчиликда, яъни: ишчи дастур, модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим

методлари, назарий материаллар, амалий машгулот материаллари, кейслар балки, глоссарий ҳамда тавсия этилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Мажмуанинг кириш қисмида ўкув модулининг долзарбилиги ва ахамияти ҳамда ҳуқукий асослари, модулнинг мақсад ва вазифалари ёритилган. Шунингдек, модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига кўйиладиган талаблар келтирилган. Тингловчилар учун кўлланмада келтирилган модул бўйича соатлар тақсимоти, баҳолаш мезонлари, назарий ва амалий машгулотлар мазмuni қулай ва содда баён этилган. Айниқса, ҳар бир тингловчининг фаоллигини оширишга қаратилган модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари ҳам ўринли ва таҳлилий ифода этилган. Мавзулар кетма-кетлиги ҳам изчилликда жойлаштирилган. Глоссарий қисмида терминларга ўзбек ва инглиз тилидаги шарҳ берилган.

Умуман, ўкув-услубий мажмуа мантикий асосда тузилган ва тинловчи ўзлатириши учун қулай матнда таёрганган. Шу билан бирга, мазкур ўкув-услубий кўлланма 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарорларида қайд этилган вазифаларни қамраб олган ҳолда бажарилган бўлиб, уни чоп этишга тавсия этаман.

ТДЮУ “Давлат ва ҳуқук назарияси”  
кафедраси профессори, ю.ф.д



**ТДЮУ** Давлат ва хукуқ назарияси кафедраси мудири, ю.ф.и. С.Муратаев ва ТДЮУ хузуридаги Профессионал ўқитиш маркази директор ўринбосари Ф.Махмудовлар томонидан тайёрланган Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни халкаро стандартлар бўйича професионал ўқитиш маркази қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун тайёрланган “Давлат ва хукуқ назарияси” модули Ўқув- услубий мажмуасига

### **ТАҚРИЗ**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инсонпарвар демократик хукукий давлат қуриш ва фукаролик жамиятини шакллантириш йўлида давлат ҳамда жамият ҳаётининг тури соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар натижасида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан таълим соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Маълумки, таълим тизимини тубдан такомиллаштириш максадида республикамизда бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ва 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари шулар жумласидандир. Ана шу ва бошқа конунчилик ҳужжатлари бугунги кунда таълим тизимимизни ривожига ҳамда ўқув модуллари бўйича дарслик, ўқув- услубий мажмуа ва ластурларини такомиллашувига хизмат қилмоқда. С.Муратаев ва Ф.Махмудовлар томонидан “Давлат ва хукуқ назарияси” модулидан тайёрланган ўқув- услубий мажмуа ҳам ҳозирги кунда хукукшунослик йўналишида ишлаб чиқилган долзарб кўлланмалардан бири бўлиб, ушбу мажмуа ишчи дастур, модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари, назарий материаллар, амалий машгулот материаллари, кейслар банки, глоссарий ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Мазкур мажмуа таълим тизимига оид қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришга хизмат қиласи. Мажмуанинг ижобий жиҳатлари ва янгилиги шундаки, унда давлат ва хукуқнинг келиб чиқишини масофавий таълим технологиялари асосида ўқитиш; давлат функциялари тўғрисидаги билимларни шакллантиришдаги ёндашувлар; ижтимоий муносабатлар ва

хукукий масалалар мөхиятини очиб беришда казуслардан фойдаланиш; замонавий норма ва хукук ижодкорлиги – норматив-хукукий ҳужжатлар тахлили; хукукий ҳулқ-атвор, хукуқбузарлик ва юридик жавобгарлик тушунчаларини шакллантириш; мамлакатда қонунийликни таъминлашда хукук устуворлиги ва хукукий тартибот масалалари; давлат ва хукуқнинг ривожланиш истиқболлари мавзулари кўпгина адабиётлар, манбалар ва қонун ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда ўзига хос тарзда ёртиб ўтилган. Ушбу мажмуанинг қатор ижобий жиҳатларини зътироф этиш билан бирга, унинг баъзи камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтиш жонз. Масалан, биринчи мавзуда инсоният ривожининг 2500-3000 йиллик тарихидаги давлат ва хукук масалалари юзасидан умумий кузатув таҳлилини ўтказиш масаласининг келтириб ўтилганлиги максадга мувофик эмас. Бундан ташқари еттинчи мавзуда давлат ва хукук ривожига оид сўнгги йилларда ҳимоя қилинаётган мавзулар билан танишириш масаласи ҳам етарли даражада ифодалаб ўтилмаган. Лекин, юкорида келтириб ўтилган баъзи камчиликлар, мазкур ўкув-услубий мажмуанинг умумий савиясига салбий таъсир кўрсатмаган ва уни оммавий нашрга ҳамда таълим соҳасида қўлланма сифатида фойдаланишга тавсия этиш мумкин.

Такризчи



О.Хусанбоев

ТДЮУ Давлат ва хукук  
назарияси кафедраси  
доценти, ю.ф.и.